



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



*Empowered lives.
Resilient nations.*

ҚЎЧМАС МУЛҚ ВА МУЛҚ ҲУҚУҚИ

Амалий қўлланма

BAKTRIA PRESS

Тошкент - 2017

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
К.Камиловнинг умумий раҳбарлигига тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Шахсларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқларни ҳимоя қилишни сўраб судларга қила-ётган мурожаатлари орасида мулкий низолар муайян қисмни ташкил этади. Айниқса кўчмас мулк билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишига оид суд амалиётидан маълум бўлишича, бундай низоларнинг вужудга келишига асосан, тарафлар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини етарли даражада билмасликлари сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан мазкур қўлланмада мулк ва мулк-ҳуқуқи тушунчалари, мулк билан боғлиқ шартномавий муносабатлар, мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишига оид муҳим тартиб-коидалар, назарий ва амалий тавсиялар, суд амалиётидаги кўп учраётган миссоллар, уларга тушунтиришлар оддий тilda баён қилиниб, мулкий ҳуқуқларни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ҳужжатлардан намуналар берилди.

Қўлланма судьялар, суд ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос соҳасидаги бошқа мутахассислар, талабалар ва мулк ҳуқуқига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МУАЛЛИФЛАР:

Холмўмин ЁДГОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари –
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси

Бахром ТАНГАБАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Баходир САИДМУРАТОВ

амалиётчи ҳуқуқшунос

НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:

Азамат САЛАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси раҳбари

Собир ХОЛБАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастиурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН** тайёрланган. Нашр мазмуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастиурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирамайди.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастиурининг www.uz.undp.org интернет сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

_____ нашриёти
ISBN: _____

© БМТ Тараққиёт Дастири
© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID)
© Ўзбекистон Республикаси Олий суди



МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1-БОБ. МУЛК ҲУҚУҚИ ВА ШАРТНОМА ТҮФРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	9
1.1. Мулк, мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқ тушунчалари, мулкнинг шакллари	11
1.1.1. Мулк ҳуқуқи тушунчаси	11
1.1.2. Мулкнинг шакллари	12
1.2. Мулк ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари	15
1.2.1. Мулк ҳуқуқининг субъектлари тушунчаси ва таснифи	15
1.2.2. Фуқаролар мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида	16
1.2.3. Юридик шахслар мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида	22
1.2.4. Давлат мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида	23
1.2.5. Мулк ҳуқуқининг объектлари	24
1.3. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари	29
1.3.1. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари тушунчаси ва турлари	29
1.3.2. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари	33
1.4. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун асос сифатида шартнома тушунчаси, унинг мазмуни ва шакллари	35
1.4.1. Шартнома тушунчаси	35
1.4.2. Шартномаларни тузиш тартиби	40
2-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН МУЛК ҲУҚУҚИННИНГ ШАРТНОМА АОСИДА ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА БЕКОР БЎЛИШИ ТАРТИБИ	55
2.1. Ер билан боғлиқ шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар	59
2.1.1. Ер мулк ҳуқуқининг обьекти сифатида	59
2.1.2. Ерга нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш асослари	60
2.1.3. Фуқароларнинг ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи	63
2.1.4. Фуқароларнинг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи	66
2.1.5. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бундай ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш	69
2.1.6. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқук ва мажбуриятлари	70
2.2. Ўй-жой билан боғлиқ шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар	73
2.2.1. Ўй-жойни битимлар аосида кўлга киритиш	73
2.2.2. Ўй-жойни бошقا шахсга ўтказиш бўйича битимларни тузиш ва тасдиқлашнинг умумий қоидалари	88
2.2.3. Ҳадя шартномасига аоссан ўй-жойни бошقا шахсга ўтказишнинг хусусиятлари	105
2.2.4. Шартномаларни нотариал тасдиқлаганлик учун давлат божи ставкалари	112
2.2.5. Якка тартибида ўй-жой куриш аосида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши	113
2.2.6. Давлат ўй-жойини хусусийлаштириш аосида мулк ҳуқуқини кўлга киритиш	117

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

2.2.7. Уй-жойни мерос ҳуқуқи асосида эгаллаш	119
2.2.8. Эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида уй-жойга мulk ҳуқуқини қўлга киритиш	124
2.3. Транспорт воситалари билан боғлиқ шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар	128
2.3.1. Транспорт воситаларини тасарруф этишининг хусусиятлари	128
2.3.2. Транспорт воситаларидан ишончномалар орқали фойдаланиш ва тасарруф қилиш	135
2.3.3. Транспорт воситаларига оид битимларни тасдиқлаганлик учун давлат божи ставкалари	137
3-БОБ. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН МУЛК ҲУҚУҚИННИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ	139
3.1. Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ қонуний кафолатлар	141
3.2. Кўчмас мулкка оид мулк ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш тартиби	145
3.2.1. Виндиқацион даъволар	147
3.2.2. Негатор даъволар	149
3.2.3. Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш	150
3.3. Кўчмас мулк ва шартнома ҳуқуқига оид асосий даъво талаблари ҳақида маълумотлар	159
3.4. Фуқаролик муюмаласида кенг учрайдиган мулк ҳуқуқига оид низоли ҳолатлар бўйича судга мурожаат қилиш юзасидан йўналиш берувчи маълумотлар	160
3.4.1. Мулк ҳуқуқини белгилаш (эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида)	160
3.4.2. Эгалик ҳуқуқини белгилаш (ўзбошимча қурилмага нисбатан)	162
3.4.3. Умумий биргалиқдаги мулк деб топиш	164
3.4.4. Умумий биргалиқдаги мулкдаги улушларни белгилаш	166
3.4.5. Улушли мулқдаги мол-мулкни тақсимлаш	168
3.4.6. Умумий мулқдан фойдаланиш тартибини белгилаш	170
3.4.7. Эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш (негатор даъво)	172
3.4.8. Мол-мулкни рўйхатдан чиқариш (хатловдан чиқариш)	174
3.4.9. Мол-мулкни бошقا шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш	176
3.4.10. Мол-мулқдан ноқонуний фойдаланиш даврида эгалловчи (инсофли/ инсофсиз) томонидан олинган даромадлар (зарарлар)ни ундириш	178
3.4.11. Ўзганинг мулкига қилинган харажатларни ундириш	180
3.4.12. Олиб қўйилган мулкнинг қийматини ундириш	182
3.4.13. Сервитут белгилаш	184
3.4.14. Шартномани (унинг бир қисмини) ҳақиқий эмас деб топиш	186
3.4.15. Шартномани ҳақиқий деб топиш	189
3.4.16. Шартномани ўзгаришиш	191
3.4.17. Шартномани бекор қилиш	194
3.4.18. Ундирувни гаровдаги мулкка қаратиш	196



КИРИШ

Тараққиётнинг муҳим омили сифатида мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни изчил давом этмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар, дастурий чора-тадбирлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади аввало инсонларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ислоҳотларни руёбга чиқаришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли эканлиги, 44-моддасида эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги белгиланган. Бу эса инсонга хос бўлган муносаб турмуш тарзига интилиш, ўз қобилияти ва меҳнатининг натижасидан мулқдор сифатида баҳраманд бўлиш каби истакнинг қомусий эътирофи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шунингдек "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш ва кафолатлашда тарихий аҳамият касб этди.

Фуқаролик кодексида мулкнинг дахлизлиги ва суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш, Жиноят кодексида эса мулкни энг муҳим обьектлар қаторида тажовузлардан кўриқлаш асосий вазифалар сифатида белгиланганлиги мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжудлигининг яқъол тасдиғи ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг хусусий мулк-ка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мулк ҳимоясига қаратилган бундай чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, мақсади мулк ҳуқуқининг кафолатини таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга, балки фуқароларнинг мулқдор сифатида ўз ҳуқуқларини яхши билишига ва ҳимоя қила олиш қобилиятини шакллантиришга ҳам қаратилган.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, хусусан, мулкий муносабатлардаги ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги кун сайин ортиб бормоқда.

Мулкий ҳуқуқни амалга ошириш турли манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви билан уйғун ҳолда юз бериши сабабли унинг оқибатлари низоли ҳолатлар юзага келиши эҳтимолини истисно этмайди. Бундай ҳолатда мулкий муносабатларнинг ҳалол ва инсофли иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан уларнинг ушбу жараённи тартибиға солувчи қонун нормаларига қатъий риоя қилишилиги билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида шахслар ўртасидаги мулкий характерда бўлган, яъни мол-мulkни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тарассуф этиш билан боғлиқ муносабатлар асосий ўрин тутади, бундай муносабатларга албатта ким биландир гоҳ у ёки бу шаклда бўлсин, ҳар куни дуч келинади. Табиийки, шундай муносабатларга киришганда иштирокчилар ўртасида баъзида англашилмовчиликлар, тортишувлар ва турли низолар юзага келади.

Мазкур низоларнинг вужудга келиш сабаблари ўрганилганда, улар аксарият ҳолларда муносабат иштирокчиларининг мулкий масалалар бўйича қонун ҳужжатларини яхши билмасликлари, шартномавий мажбуриятларнинг ижросига бефарқ қарашлари, қонунда ёки шартномада белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаб етмасликлари туфайли келиб чиқаётганлиги кўринади.

Айниқса, кўчмас мулкларни хусусийлаштириш, сотиш, ижарага бериш, ҳадя қилиш, мерос сифатида бировга қолдириш, гаровга қўйиш, биргаликдаги умумий мулкни тақсимлаш ёки ундан ўз улушини ажратиб олиш каби муносабатлар нисбатан мураккаб жараён бўлганлиги учун фуқаролар ёки юридик шахслар мазкур соҳада кўпроқ хато ва камчиликларга йўл қўйишади.

Шу тоифадаги низолар юзасидан судларга келиб тушаётган аризаларни кўриб чиқишида ҳам тегишли қонун ҳужжатларида ўзига хос тартиб-қоидалар, процессуал хатти-ҳаракатлар белгиланганки, тарафлар уларни етарли даражада билмасалар, ўз мулкий ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишда муайян қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.

Бироқ қанчалик мураккаб бўлмасин, қонун талабларини билиш ва унга риоя қилиш мазкур жараён иштирокчиларининг мажбурияти ҳисобланиси, аввало, ушбу шахсларнинг манфаатларига хизмат қиласи, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласи.

Бундан ташқари юртимизда олиб борилаётган иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар ва янгиланишлар натижасида, шу жумладан, мулкий муносабатларни такомиллаштириш, шартнома интизомини янада мустаҳкамлашга оид қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг



“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида республикамиздаги фуқаролик ишлари бўйича судларда мавжуд бўлган айрим иш материаллари ва тегишли маълумотлар асосида мазкур “Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи” амалий қўлланмаси тайёрланди.

Қўлланма З та бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида мулк, мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳукуқлар тушунчалари, мулк ҳуқуқининг субъектлари ва обьектлари, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиши асослари кенг тарзда ёритиб берилган.

Шунингдек, мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи муҳим асослардан бири сифатида шартнома ва унинг мазмуни, мулкий характердаги шартномаларни тузиш тартиби, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш, нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказиша эътибор берилиши керак бўлган шартлар, мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши каби ҳолатлар ҳам мазкур бобда баён қилинган.

Бундан ташқари шартномаларнинг турлари алоҳида жадвалда берилган бўлиб, унда томонларнинг ушбу шартномалардан келиб чиқадиган асосий мажбуриятлари, шартнома обьектлари, мазкур шартномаларга оид ҳуқуқий тушунчалар Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қайси моддаларида кўрсатилгандиги ёзилган.

Қўлланманинг 2-бобида суд амалиётидан келиб чиқиб, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида кўп учрайдиган ва алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар, шу жумладан, ерга нисбатан мулкий ҳукуқларни амалга ошириш, ер участкаларини ижарага олиш, уй-жойга эгалик қилиш бўйича шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришиш, яъни уй-жойларни якка тартиба куриш, давлат уй-жойини хусусийлаштириш, уй-жойни мерос асосида қўлга киритиш, кўчмас мулкнинг яна бир тури ҳисобланган транспорт воситаларини сотиб олиш, улардан ишончномалар орқали фойдаланиш, уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ муҳим қоидалар акс этган ва ушбу муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судларда кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби аниқ мисоллар, савол-жавоблар орқали ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида кўрсатилишича, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатdir. Мулк ҳуқуқи муддатсизdir.

Маълумки, шахсларнинг мулкий ҳукуқлари тегишли давлат органлари, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилинади. Қўлланманинг 3-боби айнан шу масалага бағишланган бўлиб, унда республикамизнинг амалдаги қонун

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

хужжатларида мулк ва мулқдорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида қандай ҳуқуқий кафолатлар мавжудлиги, кўчмас мулк ва шартномавий ҳуқуққа оид низо келиб чиқсан тақдирда судга қандай тартибда мурожаат қилиш мумкинлиги, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нималарга эътибор бериш кераклиги, мулкий тусдаги битимларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, виндикацион ва негатор даъволарнинг тушунчалари ва уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари тўғрисидаги қоидалар, соҳа мутахассисларининг назарий ва амалий фикр-мулоҳазалари, шарҳлари, изоҳлари баён қилинган.

Ҳар бир масалалар ёритилаётганда китобхонларга қулай ва тушунарли бўлиши учун турли жадваллар, схемалар, диаграммалар, графикалардан фойдаланилган, суд амалиётидан мисоллар оддий тарзда берилган, мулкни эгаллаш ва уни тасарруф этишга оид шартномалар, судга мурожаат қилишда расмийлаштириладиган даъво аризалари, бошқа хил ҳужжатларнинг намуналари келтирилган.

Мулкий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини чуқур англай билиш ва амалиётда уларни тўғри татбиқ қила олиш алоҳида ҳуқуқий билим, кўникма ва тажрибани талаб қиласи. Қўлингиздаги қўлланмани тайёрлашда асосий эътибор унинг содда ва равон тилда бўлишини таъминлашга, қонун талабларини оддий фуқаролар учун тушунарли тарзда шарҳлашга қаратилди.

Ҳурматли китобхон! Мазкур қўлланма фуқаролар, ташкилотлар ва давлат органларининг вакиллари, шу жумладан, судьялар ва суд ходимларининг мулкий муносабатларга оид амалдаги қонунчиликни пухта ўзлаштириш, ҳар қандай мол-мулк, айниқса кўчмас мулк билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича билим савиясини оширишда яқин ҳуқуқий маслаҳатчи бўлади, деган умиддамиз.



1-БОБ

**МУЛК ҲУҚУҚИ ВА ШАРТНОМА
ТҮФРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**





1.1. МУЛК, МУЛК ҲУҚУҚИ ВА АШЁВИЙ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАЛАРИ, МУЛКНИНГ ШАКЛЛАРИ

1.1.1. МУЛК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ

Инсонда туғилиши билан вужудга келадиган олий ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, ҳуқуқ назариясида табиий ҳуқуқлар сифатида эътироф этилади. Яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик каби бундай табиий ҳуқуқлар сафига мулк ҳуқуқини ҳам киритиш хато бўлмайди.

Ҳуқуқ нормаларида гарчи мулк ҳуқуқи иқтисодий ҳуқуқлар туркумига киритилсада, лекин инсонларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида тутган ўрни ва аҳамияти, фаол иштироки ушбу ҳуқуқнинг табиий ҳуқуқлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Мулк ҳуқуқи – шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатdir.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” 17-моддасининг 1-қисмига кўра ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига кўра ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Мулк тушунчаси

Мулк – табиат бойликларини ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини шахслар томонидан ўзлаштиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий шаклидир.

Ҳуқуқ – мулкни иқтисодий муносабатларда юридик мустаҳкамлайди.

Мулк – бирор ашёга нисбатан шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларнинг натижасидир.

Мулк – бу иқтисодий-ҳуқуқий муносабатdir.

Мулк – муайян шахсга тегишли бўлган айрим ашёлар ёки муносабатларнинг негизини ташкил этувчи мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган нормалардан иборатdir.

Бошқача айтганда, **мулк** – бу муайян ишлаб чиқариш муносабатлари, яъни ишлаб чиқариш жараёнинда одамлар ўртасида вужудга келадиган, унинг дастлабки шарти ва натижасининг муносабатидир; одамларнинг моддий неъматларини, энг аввало ишлаб чиқариш воситаларини (унинг шарт-шароитларини), шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини бевосита ўзлаштириб олиш соҳасидаги иқтисодий муносабатлардир; мазкур муносабатларнинг моҳияти моддий неъматларнинг муайян шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ўзлаштириб олинганилиги ва ўз ихтиёрига ўтказиб олинганилиги ҳолатидан иборатdir.

“Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм” - И.Б.Зокиров, Тошкент, 2009 й. 355-бет.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 17-моддаси 2-қисмига кўра ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатdir.

Мулкдорнинг мол-мulkини олиб қўйишта, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Конституциянинг 53-моддасига кўра давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Мулк ҳуқуқи тушунчаси

ОБЪЕКТИВ ЖИҲАТДАН:

Мулк ҳуқуқи мулкдор томонидан ўз мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаррuf этиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи мезёrlar тизимини ташкил этади. Бу нуқтаи назарда мулк ҳуқуқи – фуқаролик ҳуқуқининг марказий ва асосий институтиdir.

СУБЪЕКТИВ ЖИҲАТДАН:

Мулк ҳуқуқи қонун томонидан бошқаришга ваколат берилган шахснинг маълум ҳаракатларни амалга ошириш имкониятиdir. Ушбу нуқтаи назардан ўз эгасига – мулкдорига унга тегишли бўлган мулк хусусияти ва фойдаланиш имкониятларини белгилаш ва унга нисбатан тўлиқ хўжалик ҳукмонлигини амалга ошириш имкониятини беради.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида белгилangan фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуслари (ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳ.к.)га оид нормалар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар (ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, тадбиркорлик фаолиятига тўқсунлик қилиш, қонунга хилоф равишида аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ва ҳ.к.) ва бошқа ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

1.1.2. МУЛКНИНГ ШАКЛЛАРИ

Конституциянинг 53-моддасига кўра бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.



Фуқаролик кодексининг 167-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади.

Фуқаролик кодексининг 207-моддасига кўра хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Республика мулки ва маъмурӣ-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк)дан иборат бўлган давлат мулки оммавий мулқдир.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулқидир, шунингдек корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, ўкув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин.

Мулк ҳуқуқи таркиби

Эгалик қилиш ҳуқуқи:

Шахснинг ашёга нисбатан юридик ҳукмонлиги, унга амалда ва ҳўжалик жиҳатидан эгалик қилишидир. Эгалик қилиш мулк ҳуқуқининг зарурий элементи бўлиб, фойдаланиш ҳуқуқи билан ажralмасдир, чунки ашёдан мустақил фойдаланиш учун бир вақтнинг ўзида унга эгалик қилиш ҳам керак.

Фойдаланиш ҳуқуқи:

Ашёдан фойдаланиш жараёнда унинг фойдали, ҳўжалик хусусиятларини юридик жиҳатидан таъминланган истеъмол қилиш имкониятидир. Фойдаланиш ҳуқуқининг мазмунига ашё келтирадиган ҳосил ва даромадларни ўзлаштириш ҳуқуқи ҳам киради.

Тасарруф этиш ҳуқуқи:

Мулқдорнинг ашёга нисбатан юридик ва фактик ҳаракатларни амалга ошириш орқали унинг тақдирини қонун томонидан кафолатланган тарзда белгилаш имкониятидир. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларидан фарқли ўлароқ, тасарруф этиш ҳуқуқи фақат мулк эгасига тегишилидир.

Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга кўра бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Қонунга мувофиқ, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал үй-жой фонди ва коммунал хұжалик, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мulk муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк маҳаллий бюджеттега тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Мулк ҳуқуқи бир шахсга ёки бир неча шахсга тегишли эканлигига кўра ҳам таснифланади.

Фуқаролик кодекси 216-моддасининг 1-қисмига кўра икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мulk уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Ушбу Кодекснинг 217-моддасига кўра, агар улушли мулк иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисбланади.

Улушли мулк барча иштирокчиларнинг келишуви билан иштирокчилардан ҳар бирининг улушкини уларнинг умумий мол-мulkни вужудга келтириш ва кўпайтиришга қўшган ҳиссасига қараб аниқлаш ва ўзгартириш тартибини белгилаш мумкин.

Улушли мулкни тасарруф этиш ва фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан амалга оширилишидир.

Қонунга кўра, агар биргалиқдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргалашиб эгалик қиласидилар ва ундан фойдаланадилар.

Биргалиқдаги мулк бўлган мол-мulk барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мulkни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади.



1.2. МУЛК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

1.2.1. МУЛК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ТАСНИФИ

Мулк ҳуқуқининг субъектларини таснифлаш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ҳуқуқий ҳолатини ифодалашдан аввал, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти тушунчасига умумий изоҳ бериш ўринилдири. Зоро, мулк ҳуқуқининг субъекти аввало, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари – ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилариидир. Яъни улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш орқали муайян ҳуқуқ ва ва бурчларга эга бўладиган, ўз зиммасига муайян маҷбуриятларни оладиган шахслардир.

Ўз мақомига кўра фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлган шахслар мулкий муносабатларда мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида иштирок этадилар. Содда қилиб айтиладиган бўлса, **мулк ҳуқуқининг субъектлари – мулқдор бўла оладиган, мулкни эгаллаш (қўлга киритиш) ва уни тасарруф қилиш лаёқатига эга бўладиган шахслардир.**

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги мулк ҳуқуқининг субъектларини қўйидаги уч тоифага туркumlайди:

- фуқаролар;
- юридик шахслар;
- давлат.

Мулк ҳуқуқининг субъектлари мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишдаги ўзига хос хусусиятлар ҳуқуқ лаёқатининг вужудга келиши ва тугатилишига кўра бир-биридан фарқланади. Лекин ушбу субъектлар учун умумий бўлган хусусият шунда ифодаланадики, уларнинг барчаси мулкий муносабатларда бир хил ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда қонун томонидан тенг ҳимоя қилинади.



КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Ушбу тамойил Конституция даражадасида ўз ифодасини топган бўлиб, давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Ҳуқуқ ҳар қандай шахсни ҳам мулкий муносабатларнинг субъекти сифатида эътироф этмас экан, мулк ҳуқуқи субъектларига хос белгилар ҳақида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

1.2.2. ФУҚАРОЛАР МУЛК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқароларни эътироф этишда дастлаб фуқаролик қонунчилигида белгиланган "фуқаро" тушунчасига изоҳ бериш лозим.

The infographic features a central figure of a man in a suit holding a document and a scale of justice, with the title 'Фуқаролар ҳуқуқлаёқатининг мазмуни' below it. Surrounding this central figure are eight boxes, each containing a scenario related to citizens' rights:

- Фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари мумкин.
- Фуқаролар мол-мulkни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари мумкин.
- Фуқаролар банкда жамғармаларга эга бўлишлари мумкин.
- Фуқаролар ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари мумкин.
- Фуқаролар битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари мумкин.
- Фуқаролар юридик шахслар ташкил этишлари мумкин.
- Фуқаролар машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари мумкин.
- Фуқаролар етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари мумкин.
- Фуқаролар тадбиркорлик, дәхқон (фермер) хўжалиги ҳамда қонунда тақиқлаб кўйилмаган бошқа фаолият тури билан шугулланишлари мумкин.
- Фуқаролар фан, адабиёт ва санъат асрларининг, ихтиронинг, қонун билан кўрикланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи бўлишлари мумкин.
- Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролик қонунчилигида "фуқаро" атамаси фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан эмас, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда, хусусан, мулкий муносабатларда "фуқаро" атамаси ва "жисмоний шахс" атамасини айни бир тушунча сифатида билиш тўғри ҳисобланади.



Бундай ҳуқуқий ёндашув мулк ҳуқуқининг барча жисмоний шахсларда уларнинг фуқаролигидан қатъий назар тенг эътироф этилишининг тасдиғи ҳисобланади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати.

Фуқаро мулк ҳуқуқининг субъекти бўлиши учун дастлабки зарурий шарт унинг ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишидир.

Қонунга мувофиқ барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.



Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати фуқароларга ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг юридик имкониятини беради.

Фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқларнинг асосий қисми мулкий муносабатлар билан боғлиқ эканлиги уларнинг нақадар узвий эканлигини кўрсатади (мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари ва ҳ.к.).

Қайд этилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати уларнинг туғилган пайтида юзага келади ва туғилиш факти юридик аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли у фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Гарчи ҳуқуқ лаёқати фуқаронинг туғилиши билан бошланиши, яъни туғилган вақтида мавжуд бўлган муносабатларга нисбатан юзага келиши белгиланган бўлсада, қонунда ҳуқуқ лаёқатининг фуқаронинг туғилишидан олдин юз берган муносабатларга нисбатан ҳам таъсир этиши ҳолатлари белгиланган.

Қонун фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати тугашини ўлим факти билан белгилаши сабабли, ўлимнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилиши ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар фуқаролар ҳуқуқ лаёқати мазмунининг кенг ва аҳамияти бир қисмини ташкил этади.

Шу туфайли ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этиш лозимки, фуқаролар туғилиши билан вафот этгунига қадар мулк ҳуқуқининг субъекти бўладилар.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Фуқаролар ўз ҳуқуқ лаёқатини намоён этишлари, мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида муносабатларга киришишлари учун қўйидаги икки ҳолатнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади:

- фуқаронинг исми;
- фуқаронинг яшаш жойи.

Фуқаронинг исми.

Қонунга кўра фуқаро ўз фамилияси ва исми, шунингдек, отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Бошқа шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг яшаш жойи.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддасига кўра фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.

Үн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийлиқда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийлиқда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

Мазкур икки ҳолат фуқароларнинг мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида мулкий муносабатларга киришишларида аҳамиятли бўлиб, ушбу муносабатлардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва бурчлар фуқаронинг исми ва яшаш жойи билан узвий боғлиқ бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқати.

Фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш учун уларнинг муомала лаёқатининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади ва зарурий шарт ҳисобланади.



Фуқаронинг муомала лаёқати – унинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир.

Қонунда фуқаронинг муомала лаёқатини тўлиқ амалга ошириши учун тегишли босқичлар белгиланган бўлиб, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлгунига қадар фуқарода айниқса, мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида муайян ҳаракатларни амалга оширишда чекловлар мавжуд.



Вояга етмаган шахсларнинг муомала лаёқати

14 ёшга тўлмаган вояга етмаган фуқароларнинг муомала лаёқати

6 ёшдан 14 ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қўйидаги битимларни мустақил равишда тузишга ҳақлидирлар:

- 1) майда маиший битимлар;
- 2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;
- 3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва ҳомийларининг розилигисиз қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

- ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;
- фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан кўрикланадиган бошқа натижасига муаллифlik ҳуқуқини амалга ошириш;
- қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;
- Фуқаролик кодекси 29-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Муомала лаёқатига эга бўлишнинг шарти шундан иборатки, фуқаро ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб ҳаракат қиласи. Қонунда фуқаронинг ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаши унинг муайян ёшга тўлиши, руҳий ва ақлий ривожланганлиги муҳим зарурий шарт сифатида белгиланган.

Ёш кўрсаткичларига кўра фуқаролар муомала лаёқатининг даражаси (тўла ҳажмда ёки чекланган тарзда) қўйидагича таснифланади:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган фуқароларнинг муомала лаёқати;
- ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган фуқароларнинг муомала лаёқати;
- тўла ҳажмдаги муомала лаёқати.

Савол

Менинг укам уч йил олдин “Нексия” русумли автомашина сотиб олган. Укам ёшлигидан мунтазам равишда даволаниб юрар эди, охирги вақтларда унинг соғлиги жиддий ёмонлашиб, ҳозирда бутунлай ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайди.

Ота-онам вафот этишган, укам соғлигидаги муаммолар сабаб уйланмаган. Мен унинг энг яқин қариндошиман.

Укамнинг соғлигини тиклаш кўп маблағ талаб қилмоқда. Мен унга тегишили бўлган автомашинани энг яқин қариндоши сифатида сота оламанми? Қолаверса, ушбу пулларни укамнинг ўзига сарфламоқчиман.

Жавоб

Укангизнинг соғлиги ва руҳий ҳолати ҳақиқатдан ҳам ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ва уларни бошқара олмайдиган даражада бўлса, дастлаб уни суд тартибидага мумомалага лаёқатсиз деб топиш лозим.

Суднинг қарори укангизга нисбатан васийлик белгилашга асос бўлади ва Сиз укангизнинг энг яқин қариндоши сифатида васий этиб тайинланшишингиз мумкин.

Фақат тегишили тартибда укангизга нисбатан Сизнинг васийлигинги белгиланганидан кейингина унинг номидан битимларни амалга оширишига, хусусан, унга тегишили бўлган автомашинани сотишга ҳақли бўласиз.

Хозирда уишибу автомашинани тасарруф этишида ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмассиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддаси мазмунига кўра фуқарода мумомала лаёқати тўла ҳажмда ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин вужудга келади.

Вояж етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда мумомала лаёқатига эга бўлади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни Фуқаролик кодекси 22-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар Фуқаролик кодекси 27-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган ҳолатлардан ташқари битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахслар томонидан тузилган битимлар кейинчалик шахсларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийлари ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг улар ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равища мулкий жавобгар бўладилар.

Мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида мулкий муносабатларда иштирок этишда фуқаролар мумомала лаёқатининг юқоридаги таснифи қоидаларига риоя қилишлари улар томонидан амалга оширилган ҳуқуқий ҳаракатларнинг қонунийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи субъекти сифатида мулкий муносабатларда иштирок этишининг яна бир зарурий шарти уларнинг руҳий соғломлиги ва ақли расолигидир.

Зеро, қонунга кўра руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда мумомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.



Бундай фуқаро мулкий муносабатларда мустақил иштирок эта олмайды ва муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади.

Шунингдек қонунда муомала лаёқати чекланган фуқароларга нисбатан ҳам мулкий муносабатларда иштирок этишда чекловлар ўрнатилган бўлиб, улар фақат майда майший битимларнинг мустақил тузиш ҳуқуқига эга. Бошқа битимларни эса фақат ҳомийнинг розилиги билан тузиши мумкин.

Юқоридаги тартибга риоя қилинмасдан амалга оширилган битимлар уларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

СУД АМАЛИЁТИ

Гарчи муомалага лаёқатли бўлса-да, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим шу фуқаронинг ёки ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бундай битимни тузиш натижасида бузилган бошқа шахсларнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Судга даъвогар В.Лаврова жавобгарлар Р.Тахиров ва хусусий нотариус Л.Назаровга нисбатан ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ва унинг мархума онаси О.Лаврова ўртасидаги ҳадя шартномаси алдов йўли билан тузилганлиги, уни расмийлаштиришда мархума онаси ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаганини, Р.Тахиров онасини уйдан ҳайдай бошлаганидан кейин уйини бегоналаштирганлигини англаганини важ сифатида келтирган.

Ишни судда кўриш жараёнида аниқланишича, О.Лаврова ҳаётлик вақтида унинг аризасига асосан низоли ҳадя шартномаси бўйича воситачилик қилган И.Марковга нисбатан фирибгарлик юзасидан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, жиноят иши доирасида ўтказилган суд-психиатрик экспертизасининг холосасига кўра О.Лаврова ҳадя шартномасини тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган.

Шунингдек, муқаддам В.Лаврованинг онаси О.Лавровани муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризаси юзасидан кўрилган фуқаролик иши бўйича амбулатор суд-психиатрик экспертизаси тайинланган бўлиб, О.Лаврова ўз руҳий ҳолатига кўра ҳаракатларининг аҳамиятини англай ва бошқара олмаслиги ҳақида холоса берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 121-моддасининг 1-қисмига кўра, гарчи муомалага лаёқатли бўлса-да, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим шу фуқаронинг ёки ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бундай битимни тузиш натижасида бузилган бошқа шахсларнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, мархума О.Лаврова ва жавобгар Р.Тахиров ўртасида тузилган ҳадя шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган, низоли хонадонга нисбатан О.Лаврованинг мулк ҳуқуқи тикланган.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

ШАРХ: Суд томонидан низоли ҳадя шартномасину ҳақиқиүй эмас деб топишга битимни түзүші вақтида хонадон мулкдорининг ўз ҳаракатларининг ахамиятини ва оқибатини англамаганлиги, яғни низоли хонадонни бошқа шахсга ҳадя этаётганилигини тушунмаганлиги асос бўлган.

1.2.3. ЮРИДИК ШАХСЛАР МУЛК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Мулк ҳуқуқининг фуқаролар билан тенг эътироф этиладиган иккинчи мустақил субъекти юридик шахслар бўлиб, қонунда юридик шахс атамасига қийигача таъриф берилган:

ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Ҳар қандай ташкилот эмас, балки муайян талабларга жавоб берадиган ташкилотларгина юридик шахс бўла олади. Юридик шахслар:

- ташкилий бирлик;
- мулкий мустақиллик;
- мустақил мулкий жавобгарлик;
- фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш белгиларига эга бўлиши керак.

Мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида юридик шахслар учун ҳам ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатининг мавжуд бўлиши хосдир.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш якунланган пайтдан эътиборан тугатилади.

Юридик шахс ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади

Қонунга мувофиқ юридик шахслар мулқдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 43-моддасининг 1-қисмига кўра қўйидагилар юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади:



- устав;
- таъсис шартномаси.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис хужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак.

Қонунга мувофиқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади, яъни юридик шахсда фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ҳуқуқ лаёқати юзага келади.

Юридик шахснинг муомала лаёқати.

Юридик шахсларнинг муомала лаёқати худди фуқароларники каби ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш лаёқати бўлиб, уларнинг органлари орқали амалга оширилади.

Юридик шахснинг органлари қонун, устав ёки низом бўйича белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қиласи ва юридик шахснинг иродасини ифодалайди. Юридик шахсларнинг органлари якка бошчиликка асосланадиган, директор, раис, бошқарувчи ёки коллегиал бошқариладиган, вакиллар кенгаши, умумий мажлис бошқарадиган орган бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда юридик шахсларнинг фаолият мақсадидан келиб чиқиб уларнинг қўйидаги турлари белгиланган:

- фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи) ташкилот;
- фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган (тижоратчи бўлмаган) ташкилот.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ҳўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулқдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиши мумкин.

1.2.4. ДАВЛАТ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулқдир.

Табиийки, ушбу мулкнинг эгаси сифатида мулкий муносабатларнинг субъекти мақомида давлат иштирок этади.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Республика мулки бўлган мол-мulkни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар маҳсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тасарруф қиласидар.

Муниципал мулк.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 215-моддасига кўра давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мulkи, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мulk муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мulkни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ муйян бир мулкка нисбатан битта ёки бир нечта мулк ҳуқуқининг субъекти (мулқдор) эгалик қилиши мумкин.

Бундай мол-мulk уларга умумий мулк ҳуқуқи аосида тегишли бўлади. Умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш тартиби қонун билан белгиланган.

Оммавий мулк

Республика мулки

Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўйлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мulkи, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мulk республика мулки бўлиши мумкин.

Муниципал мулк

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мulkи, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мulk муниципал мулк бўлади.

1.2.5. МУЛК ҲУҚУҚИННИНГ ОБЪЕКТЛАРИ

Мулк ҳуқуқининг объектлари – мулк ҳуқуқининг субъектларида ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирадиган моддий ва номоддий ашёлардир.



Фуқаролик кодексининг 81-моддасига кўра фуқаролик ҳуқуқларининг обьектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиrolар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради.

Мол-мулкнинг турлари. Фуқаролик кодексининг 83-моддасига кўра мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари обьекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзgartириш мумкин бўлмайдиган обьектлар киради.

Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин.

Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур Кодекснинг 86-моддасига кўра ашёлар фуқаролик ҳуқуқларининг обьектлари сифатида қуйидагиларга бўлинади:

- хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар;
- бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар;
- истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар;
- асосий ва мансуб ашёлар;
- мураккаб ашёлар.

Хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар. Алоҳида, фақат ўзигагина хос, уни бир хил ашёлар орасидан ажратиб турадиган ва шу тариқа хусусий аломатларга эга бўлган ашё хусусий аломатлари билан белгиланган ашё ҳисобланади. Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар жумласига ноёб, яъни ўзи бир дона бўлган ашёлар, шунингдек муайян усул билан ажратиб қўйилган ашёлар (муҳр босиш, алоҳида белгилар тушириш, номер, рақам бериш ва шу кабилар) киради (масалан, маълум шаҳардаги маълум кўчадаги маълум сонли уй-жой).

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир.

Бир турдаги ҳамма ашёларга хос аломатларга эга бўлган ҳамда сони, оғирлиги, ўлчови ва шу кабилар билан белгиланадиган ашёлар турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ҳисобланади (масалан, 100 дона шифер, 100 метр мато).

Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштириса бўладиган ашёлардир.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар. Бўлиш натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хоссаларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё бўлинадиган ашё ҳисобланади (масалан, бир қоп ун, ўн литр ёғ).

Бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашёнинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади (масалан, телевизор, музлаткич, автомашина).

Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар. Бир карра фойдаланиш натижасида йўқолиб кетадиган ёки дастлабки ҳолатида мавжуд бўлмай қоладиган ашёлар (хом ашё, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу кабилар) истеъмол қилинадиган ашёлар ҳисобланади.

Қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёлар (бинолар, ускуналар, транспорт воситалари) истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳисобланади.

Асосий ва мансуб ашёлар. Фойдаланиш туфайли вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти билан бошқа ашё (mansub aшё)га боғлиқ мустақил ашё асосий ашё ҳисобланади (масалан, қўл телефони).

Асосий ашёга хизмат қилиши керак бўлган ва у билан умумий хўжалик вазифаси орқали боғлиқ ашё мансуб ашё ҳисобланади (қўл телефонининг заряд қилувчи ускунаси).

Мансуб ашё, агар қонунлар ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади.

Мураккаб ашёлар. Агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади.

Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, унинг барча таркиби қисмларига тааллукли бўлади (корхона – бинони, ускуналарни ўз ичига олади).

Фуқаролик қонунчилиги мулкни хусусий ва оммавий мулк шаклларига ажратганлиги туфайли, мулк ҳуқуқининг субъектлари қонунда белгиланган (Фуқаролик кодексининг 169-моддаси) барча шакллардаги мол-мulkка ҳам эгалик қила олмайди. Мулкнинг шаклига қараб унинг обьектига эгалик қилиш хусусияти белгиланади.

Мулк ҳуқуқи объектлари

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиralар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қофозлар ва бошқа мол-мulk, шунингдек, интеллектуал мулк обьектлари мулк бўлиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 209-моддасига кўра қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мulk хусусий мулк бўлиши мумкин.

Хусусий мулк ҳуқуқининг энг кенг тарқалган обьектлари сифатида қўйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- уй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзғор буюмлари;
- акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасидаги корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуна, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари;
- ихтиrolар, селекция ютуқлари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятнинг (мулкнинг) бошқа натижалари;
- истеъмол қилишга ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳар қандай бошқа мол-мulk.

Юқоридаги обьектлар хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга ҳам, юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Савол

Мен отамдан мерос қилиб олган уй-жойда яшайман. Уй-жойнинг ер майдони 0.08 гани ташкил этади. Уй-жойдаги қурилмалар билан бирга, ушбу 0.8 га ер майдонига нисбатан ҳам эгалик ҳуқуқи белгиланган, бу ҳақида кадастр ҳужжатларида қайд этилган.

Ҳозирда юзага келган эҳтиёж түфайли мен ер майдонининг бўш бўлган 0.04 гасини сотмоқчиман.

Ушбу ер майдони бўйича маълумотнома олиш учун кадастрга мурожаат қилганимда, мен ер майдонини сота олмаслигимни маълум қилишади. Бу тўғрими? Ахир ер майдонига нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланган-ку.

Жавоб

Ер майдонини сота олмайсиз.

Ер давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди.

Қонунда фуқароларнинг якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириласиган умрбод эгалик қилиши ҳуқуқи эътироф этилади.

Сизга отангиздан қолган ер майдонига нисбатан эгалик ҳуқуқи унда жойлашган уй-жой билан биргаликда белгиланган.

Шу сабабли Сиз ер майдонини унда жойлашган қурилмалардан алоҳида тарзда мулк сифатида сотишга ҳақли эмассиз.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Айрим мулки обьектларига уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб эгалик қилиш ва фойдаланиш учун уни белгиланган тартибда эгаллашдан ташқари, қўшимча руҳсатномалар олиш талаб қилиниши мумкин (ов милтиқлари, спорт қуроллари каби).

Қонунда келтирилган мулк ҳуқуқининг айрим обьектлари (ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар) республика мулки ҳисобланади.



1.3. МУЛК ҲУҚУҚИННИГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ

1.3.1. МУЛК ҲУҚУҚИННИГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари – мулк ҳуқуқини қўлга киритиш билан боғлиқ юзага келадиган муайян юридик фактлардир.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мулк ҳуқуқига эга бўлиш дастлабки ва ҳосила асосларга бўлинади.

Дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган тарзда вужудга келади.

Бундай асосларга кўра мулк ҳуқуқининг вужудга келишига:

- табиат неъматларини ўзлаштириш;
- ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;
- эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниши;
- эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам хўжасизлик билан сақлананаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан, топилган ашёлар, хазинага эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши;
- национализация;
- ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш кабилар мисол бўла олади.

Ҳосила асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши деганда, муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган тарзда амалга оширилиши назарда тутилади.

Бундай асосларга кўра мулк ҳуқуқининг вужудга келишига:

- шартномалар асосида;
- қонун ва васият бўйича мерос олиш;
- давлат мулкини хусусийлаштириш орқали олиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Агар қонун хўжжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулқдан хўжалик усулида ва ўзгача усулда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, ҳосил ва бошқа даромадлар мулқдорга тегишли бўлади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари

Меҳнат фаолияти

Мол-мулқдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш

Давлат мулкини хусусийлаштириш

Мерос қилиб олиш

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат

Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар

Мулк ҳуқуқи кенг қамровли муносабатларга киришиши туфайли бошқа бир қатор ҳуқуқлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ тарзда амалга оширилади. Ушбу жараёнда ашёвий ҳуқуқлар мулк ҳуқуқининг таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Ашёвий ҳуқуқлар. Мулкдор ҳар доим ҳам ўз мол-мулкига нисбатан барча ваколатларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди. Ана шундай ҳолларда мулкдор бўлмаган шахс ашёвий ҳуқуқлар орқали бошқаларнинг мол-мулкига эгалик қилиши, фойдаланиши ва мулкдор рухсат берган доирада тасарруф қилиши мумкин. Ашёвий ҳуқуқлар чегараланган характеристер ва таркибга эга бўлиши, мулкий ҳуқуқлардан келиб чиқиб, унга боғлиқ бўлиши, мутлақ тартибда ҳимоя қилиниши каби хусусиятлари билан характерланади.

Ашёвий ҳуқуқларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

Хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи

Мерос қилиб қолдирилган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи

Ер участасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи

Сервитут ҳуқуқи

Мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, агар қонун ҳужжатларида ўзга тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулкка нисбатан ўзга ашёвий ҳуқуқларнинг бекор бўлиши учун асос бўлмайди.

Мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг фуқаролик муомаласида энг кенг тарқалган ва кўп амалга ошириладиган тури битимлар асосида мол-мулкни олиш бўлиб, Фуқаролик кодекси 184-моддасининг 1-қисмига кўра, мол-мулк



олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш шартномалари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин.

Шартнома асосида мол-мулк олинганда унга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайти мулкнинг тури ва хусусиятига қараб белгиланади ва умумий асосларга кўра шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўймаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Агар мол-мulkни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мulkни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганида эса – рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Савол

Онам 1998 йилда, отам 2001 йилда вафот этган. Мен яшаб келаётган ўй-жой онамнинг номига расмийлаштирилган.

Эшишишмча, кўчмас мулкдан 15 йил давомида узлуксиз фойдаланиб келган шахс ушбу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини олиши мумкин экан. Мен ушбу уйда кенжак ўғил сифатида ўзим яшаб келаман, aka ва опаларим ота-онам ҳаётлик вақтида алоҳида чиқиб кетишиган.

Мен ота-онамга тегишили бўлган уйда уларнинг вафотидан сўнг 15 йилдан ортиқ бир ўзим узлуксиз яшаб келаётганлигим учун aka-опаларимни меросга жалб қилмаган ҳолда эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида эгаллай оламанми?

Жавоб

Эгаллай олмайсиз. Мулкдор вафот этганидан кейин унга тегишили мулк ворислари томонидан эгалланади. Амалдаги фуқаролик қонунчилигида меросни қабул қилишининг муддати белгиланмаган.

Бундан ташқари, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини кўлга киритиш учун кўчмас мулкка 15 йил эмас, 18 йил мобайнида эгалик қилиш лозим. Чунки 15 йиллик муддатининг ўтиши ушбу мулкка нисбатан талаблар бўйича уч ишлек даъво муддати тамомланганидан кейин бошланади.

Агарда Сиз ота-онангизнинг вафотидан кейин уларга тегишили бўлган ўй-жойни aka-опаларингиз билан мерос мулки сифатида қабул қилиб олиб, шундан кейин 18 йил давомида ўзингиз эгаллаб келганингизда эди, уларнинг улушига нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида эгалик ҳуқуқини белгилашни талаб қилишига ҳақли бўлар эдингиз.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Фуқаролик қонунчилигидә мулк ҳуқуқини вужудга келтиришнинг ўзига хос асосларидан бири эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ҳисобланади.

Қонун мулкни бундай асосда қўлга киритиш учун қуйидаги шартларни белгилайди:

- қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши;
- мол-мulkка ўзиники каби ҳалол, ошкора, узлуксиз эгалик қилиш.

Эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат кўчмас мол-мulkка 15 йил, бошқа мол-мulkка 5 йил этиб белгиланган.

Кўчмас ва бошқа мол-мulk давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлганда мулк ҳуқуқи ушбу мол-мulkка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсада у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, шахс ихтиёрида бўлиб, Фуқаролик кодексининг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Фуқаролик кодексининг 191-моддасига кўра эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади. Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз ҳайвонлар ва хазина тўғрисидаги қоидаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёлар эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Мазкур кодекс 193-моддасининг 1-қисмига кўра башарти, топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади.

Фуқаролик муомаласида у қадар қўп учрамасада, китобхон учун қизиқ бўлган мулк ҳуқуқини қўлга киритишга оид юридик фактлардан бири хазинани топиб олиш бўлиб, қонунга мувофиқ, эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган хазина, яъни ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёхуд қимматбаҳо буюмлар хазина яшириб қўйилган мол-мulk (ер участкаси, иморат ва шу кабилар) мулкдори бўлган шахс ва хазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мulk эгасининг розилигисиз қазишина ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мulkning эгасига топширилиши керак.



Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирида, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда хазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мulkning эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадир. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Бундай хазинани у яшириб қўйилган мол-мulk эгасининг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс топиб олса, бу шахсга мукофот тўланмайди ва хазина батамом мулқдорнинг ихтиёрига ўтади.

1.3.2. МУЛК ҲУҚУҚИННИГ БЕКОР БЎЛИШ АСОСЛАРИ

Қонунга кўра мулк ҳуқуқи мулқдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулқдорнинг мол-мulk тақдирини ҳал қиласидиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мulkни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари

Мулк ҳуқуқи объектининг йўқ қилиниши (масалан буюмнинг нобуд бўлиши)

Мулк ҳуқуқи субъектининг ўлими (тугатилиши)

Мол-мulkни ўзганинг эгалигига ўтказиш бўйича шартноманинг тузилиши (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя)

Мулқдан воз кечиш

Мулкни мулдорнинг эгалигидан олиб қўйиш:

- суднинг ҳал қиласув қарори асосида мулқдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирувни мол-мulkка қаратиш;
- ер участкасини олиб қўйиш;
- национализация қилиш;
- реквизиция қилиш;
- мусодара қилиш.

Мулқдорнинг ўз хоҳиш-иродаси бўйича мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши асосан мол-мulkning битимларга кўра бегоналаштирилишида акс этади. Масалан, уй-жойни ёки транспорт воситасини сотиш ёки ҳадя қилиш.

Мол-мulkning йўқ қилиниши (тугатилиши) ва ҳисобдан чиқарилиши ёки нобуд бўлиши натижасида мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши жонли ашёларга, истеъмол қилинадиган, шунингдек яроқлилик муддати нисбатан

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

қисқа ашёларға тааллуқлидир. Масалан, қорамолларнинг ўлими, шакарнинг истеъмол қилиниши ёхуд транспорт воситасининг ёки ускуннанинг эскириши сабабли ҳисобдан чиқарилиши.

Мулқдорнинг эрки, иродасидан ташқари мол-мulkнинг олиб қўйилиши орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши ашёнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, жиноят қуроли деб топилиши оқибатида мусодара қилиниши, национализация қилиниши каби ҳолатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 199-моддасига кўра мол-мulkни мулқдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибида мулқдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мulkка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади.

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мulk унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мulkка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мulkнинг қиймати шахсга тўланади.



1.4. МУЛК ҲУҚУҚИННИГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ УЧУН АСОС СИФАТИДА ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИ, УНИНГ МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАРИ

1.4.1. ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИ

Мулк ҳуқуқининг қонунийлигини эътироф этиш, унга эгалик қилиш, тасарруф қилиш ва ҳимоя қилишнинг асосий шарти унинг қонуний асосда вужудга келишидир.

Фуқаролик муюмаласида мулкларни қўлга киритишнинг кенг тарқалган кўриниши битимлар асосида уни эгаллашдир.

Фуқаролик қонунчилигида битимлар тушунчасига қўйидагича таъриф берилган – битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама бўлиши мумкин.

Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади.

Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) хоҳиш билдирган бўлиши керак.

Юқоридаги таърифдан кўринадики, икки томонлама битимларнинг ҳаммаси шартнома ҳисобланади.

Демак, шартнома битимнинг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга нисбатан икки тарафлама ва кўп тарафларама битимга оид барча қонулар, жумладан, Фуқаролик кодексининг 9-бобидаги қоидалар татбиқ этилади.



Шартнома икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувидир.

Шартнома тузишнинг асосий шарти – тарафларнинг муайян натижага эришишга қаратилган ўзаро келишувларидир.

Шартнома тузиш натижасида тарафларнинг ҳар қайсиси томонидан олинидиган ҳуқуқ ва бурчлар мазмуни ҳар хил бўлса ҳам, улар оқибатда ягона ҳуқуқий натижа беради, масалан, бир тарафга бирор нарсага эгалик ҳуқуқи ўтказилади, иккинчи тараф эса ушбу нарсанинг ҳақини олишга ҳақли бўлади.

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Қонунга мувофиқ, шартнома түзишнинг асосий шарти унинг ихтиёрий-лигидир. Шартнома түзишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома түзиш бурчи Фуқаролик кодексида, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам түзишлари мумкин. Лекин бундай шартнома қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлмаслиги лозим.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Шартнома унда иштирок этаётган тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб қўйидагича таснифланади:

- бир томонлама шартнома;
- икки томонлама шартнома;
- кўп томонлама шартнома.

Шартномалар уларда белгиланган бурчларини бажарганлик учун ҳақ белгиланишига қараб қўйидагича таснифланади:

- ҳақ эвазига тузиладиган шартнома;
- текинга тузиладиган шартнома.

Қонунга кўра шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганилиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади.

Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади


Шартноманинг мазмуни – шартнома иштирокчиларининг улар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга киришаётган муносабат юзасидан келишувлари ҳамда шартларининг, шартнома иштирокчиларига оид маълумотларнинг ифодасидир.

Шартноманинг мазмунида қўйидагилар акс эттирилиши лозим:

- шартнома предмети;
- ашёнинг хусусиятлари ва миқдори;
- баҳоси;
- шартномани бажариш муддатлари;
- ҳисоб-китоб қилиш тартиби;
- тарафларнинг мажбуриятлари;



Шартнома турлари



- шартнома мажбуриятлари бажарилмагандага ёки лозим даражада бажарилмагандага тарафларнинг жавобгарлиги;
- низоларни ҳал этиш тартиби;
- тарафларнинг реквизитлари;
- шартнома тузилган сана ва жой.

Шартномада шунингдек, бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартлар кўрсатилади.



СУД АМАЛИЁТИ

Суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шарти аниқ бўлмаса, унинг асл маъносини бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқлайди.

Фуқаролар Л.Рудных ва М.Клеткин 2015 йил 12 июлда фуқаро А.Парамонов билан унга тегишли хонадонни сотиб олиш юзасидан келишиб, хонадонни иккى юз миллион сўмга баҳолаб, йигирма беш миллион сўмни дастлабки тўлов сифатида берганлар.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Келишувга кўра хонадоннинг пули тўлиқ тўлаб берилганидан кейин у 2016 йил 30 сентябрга қадар расмийлаштириб берилиши лозим бўлган ва бу ҳақда тилхат ёзилган.

Ўзаро келишувга кўра уй-жойнинг олди-сотдиси бўйича тўлов тўлиқ амалга оширилгунига қадар Л.Рудныхга оила аъзолари билан ойига 600 000 сўм ижара ҳақи эвазига яшаб туришга рухсат берилган.

Лекин хонадонни сотиб олиш бўйича келишилган пул маблағини ўз вақтида беришнинг имкони бўлмаганидан кейин низоли ҳолат юзасидан Л.Рудных ва М.Клеткин судга асоссиз бойиш оқибатида орттирилган йигирма беш миллион сўм ҳамда маънавий зарарни жавобгар А.Парамоновдан ундириш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд муҳокамаси жараёнида Л.Н.Рудных ва М.Г.Клеткин ўз даъво талабларини тўлдириб, жавобгар А.Парамоновдан 6 600 000 сўм асоссиз орттирилган бойликни ундиришни, ушбу пулларни жавобгар суд муҳокамасида ижара пули сифатида олганлигини тан олсада, лекин ўрталарида ижара шартномаси қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилмаганлигини маълум қилган.

Ўз навбатида А.Парамонов судга Л.Н.Рудных ва М.Г.Клеткинларга нисбатан шартнома бўйича олинган йигирма беш миллион сўм пул маблағини закалат пули деб топиш ҳақида қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, олди-сотди бўйича келишилган пул маблағи ҳозирги кунга қадар берилмаганлигини, ҳозирда ҳам уйнинг пули тўлиқ берилган тақдирда расмийлаштириб беришга қарши эмаслигини, лекин уйни сотиб олувчилик келишув бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, ушбу олинган пул маблағи қонун талабларига кўра ўзида қолиши лозимлигини маълум қилган.

Фуқаролик кодексининг 311-моддасига кўра шартнома тузатилган тарафлардан бири шартнома тузилганини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равищада тузилиши керак.

Суд муҳокамасида Л.Рудных келишув бўйича берилган йигирма беш миллион сўм пулни закалат сифатида эмас, бўнак пули деб берганлигини маълум қилган бўлсада, тарафлар ўртасида ёзилган тилхатда ушбу пул маблағи хонадон олди-сотдиси бўйича келишувнинг тасдиги сифатида берилганилиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, берилган пул маблағини бўнак пули деб ҳисоблаш учун олди-сотди шартномаси бўлиши ва унда дастлабки тўлов – бўнак пулини тўлаш шарти кўрсатилган бўлиши лозим. Лекин судга тарафлар томонидан пул олинганлиги ҳақидаги тилхатдан бошқа олди-сотди келишувига оид ҳужжатлар тақдим этилмаган.

Қайд этилганларга кўра суд даъво талабларининг асоссиз орттирилган йигирма беш миллион сўм ҳамда маънавий зарар ундириш қисмини рад қилиб, ушбу пул тўловини закалат пули деб топиш ҳақида қарор қабул қилган.

Даъво талабларининг ижара тўлови сифатида берилган асоссиз орттирилган 6 600 000 сўмни ундириш қисми бўйича суд қўйидаги хulosага келган.

Фуқаролик кодекси 1030-моддасининг 4-банди мазмунига кўра, мавжуд бўлмаган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва бошқа мол-мулк,



агар құлға киритувчи мол-мulkни қайтаришни талаб қилаётган шахснинг мажбурият йүқлигини билганинги ёхуд мол-мulkни хайрия максадларида берганлигини исботласа, асоссиз ортирилган бойлик сифатида қайтариб берилмайди.

Суд Л.Н.Рудных ва М.Г.Клеткинлар ижара шартномаси йүқлигини билганинги қарамасдан, үзлари ҳақиқатда яшаган давр учун ижара тұлови сифатида бериб келган деб ҳисоблаб, ушбу пул маблағларини қайтаришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қылған.

ШАРХ: Суд томонидан дағыво талабларини рад қилишга тарафлар ўртасида низоли хонадонни сотиб олии бүйічә ёзма шартноманың мавжуд эмаслиги, дағыво талабида мағлұм қылғанындеқ, низоли хонадон бүйічә тұловлар бўлиб-бўлиб амалга оширилганлиги ва берилган пул маблағи дастлабки бўнак пули эканлиги ҳақидаги келишувнинг йўқлиги асос бўлған.

Қонун талабларига кўра закалат пули тарафларнинг ҳақиқатда шартнома бўйича келишганликларини тасдиқлаши ҳамда келгусида мажбуриятларини бажаришини таъминлаш мақсадида берилади.

Тарафлар томонидан ёзилган тилхатда ҳам пул маблағи уларнинг ўзаро келишувнинг тасдиғи сифатида бериләётганлиги кўрсатилган. Тилхатда пул маблағининг закалат сифатида бериләётганлиги кўрсатилган бўлмасада, унданга тарафлар келишувнинг мазмуну закалат бўйича қонун талабларини ифодалайди. Шу сабабли суд асосий дағыво талабларини қаноатлантиришини рад қилиб, қарши дағыво талабини қаноатлантирган.

Фуқаролик кодексининг 356-моддасига кўра шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлған давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, ставкалар ва ҳ.к.) қўлланилади.

Шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Савол

Мен бир танишимга бир йил муқаддам 5000 АҚШ доллари миқдорида қарз бергандим. У менга қарз олганлиги ҳақида ўз қўли билан тилхат ёзиб берган эди. Лекин ушбу тилхатни нотариал тартибда тасдиқлаганимиз ўйк.

Хозирда танишим қарзини қайтармасдан келмоқда. Мен унга қарзини қайтаришини, қўлимдә тилхат борлигини ва судга мурожаат қилишимни айтганимда, у тилхат нотариал тасдиқланмаганлиги учун кучга эга эмаслиги, шунингдек, қарз хорижий валютада кўрсатилганлиги, хорижий валютада олди-берди қилиш мумкин эмаслиги сабабли, ушбу қарз қонун томонидан тан олинмаслигини айтди. Ҳақиқатдан ҳам қарзни қайтариб ололмайманми ёки қонунда бошқача ҳолат белгиланганми?

Фуқаролик кодексининг 108-моддасида битимнинг оддий ёзма шакли назарда тутилган бўлиб, унга кўра фуқаролар ўртасида белгиланган энг каам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади. Шунинг учун ёзма тилхатнинг ўзи қарз шартномаси тузилганлигини тасдиқлайди.

Сиз берган қарзнинг хорижий валютада эканлиги бу қарзнинг ҳақиқиий эмаслигини келтириб чиқармайди. Қонунга кўра қарзнинг қиймати тегишили валютанинг тўлов кунидаги расмий курси бўйича миллий валюта - сўмда белгиланади.

Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин.

Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажаришининг шартномада белгилаб қўйилган охирги муддатигача амал қиласди, деб ҳисобланади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

1.4.2. ШАРТНОМАЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

Фуқаролик кодексининг 364-моддасига кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади.

Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.



Қонун шартноманинг тузилиш пайтини қўйидагича белгилаган – оферта йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтда шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (Фуқаролик кодексининг 185-моддаси).

Фуқаролик кодексининг 366-моддасига кўра, агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Қонунга кўра шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Фуқаролик кодексининг 367-моддасига кўра бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиласиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак.

Офера уни йўллаган шахсни оферта йўлланган шахс билан у офертани олган пайтдан бошлаб боғлади.

Агар офертани чақириб олиш тўғрисидаги билдириш офертанинг ўзидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, оферта олинмаган ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ қабул қилувчи тараф олган оферта уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида чақириб олиниши мумкин эмас, башарти бошқача тартиб офертанинг ўзида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса.

Офера нафақат муайян бир аниқ шахсга, шунингдек доираси қатъий чекланмаган шахсларга ҳам йўлланishi мумкин. Қонунда бу оммавий оферта ҳисобланиб, номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, офертага таклиф этиш деб қаралади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф оферта (оммавий оферта) ҳисобланади.

Офертага асосан шартнома тузилишининг шарти акцепт бўлиб, оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади.

Қонунга кўра акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак.

Агар қонундан, иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

Офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ. к.), агар қонун хужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

Акцептни чақириб олиш шартлари ҳам оферта каби бўлиб, агар акцептни чақириб олиш ҳақидаги билдириш оферта юборган шахсга акцептдан олдинроқ ёки у билан бир вақтда етиб келган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

Шартномаларни тузишнинг мухим шартларидан бири, шартноманинг тузилган жойи бўлиб, агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилган бўлмаса, шартнома оферта йўллаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилигида мажбурий тартибида шартнома тузиш институти ҳам мавжуд бўлиб, бундай тартиб асосан оммавий шартномаларга нисбатан қўлланилади (давлат контрактация шартномалари, мажбурий суғурта шартномалари каби).

Агар ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу туфайли етказилган заарларни бошқа тарафга тўлаши керак.

Фуқаролик қонунчилигида белгиланган шартнома тузишнинг ўзига хос тури кимошди савдосида шартнома тузишdir.

Агар шартноманинг мазмунидан бошқача тартиб англашилмаса, у ким ошди савдосини ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Шартнома кимошди савдосида ғолиб чиқсан шахс билан тузилади.

Ашёнинг мулқдори ёки мулкий ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот кимошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин. Ихтисослашган ташкилот ашёнинг мулқдори ёки мулкий ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиш асосида иш олиб боради ва улар номидан ёки ўз номидан ҳаракат қиласи.



Мажбурий тартибда шартнома тузиш

Компания А



Оферта үйллаган ҳамда шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф

Оферта (шартнома лойиҳаси)

Шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси

Компания Б



Оферта үйлланган (келишмовчиликлар баённомасини үйллаган) тараф

Келишмовчиликлар баённомаси рад этилганида ёки уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги билдириш кўрсатилган муддатда олинмаганида келишмовчиликлар баённомасини үйллаган тараф шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга топширишига ҳақли.

Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунда кўрсатилган ҳолларда ашёни ёки мулкий ҳуқуқни сотиш тўғрисидаги шартномалар фақат кимошди савдоси ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин.

Кимошди савдоси аукцион ёки танлов шаклида ўтказилади.

Кимошди савдосининг шакли, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, сотиладиган ашёнинг мулқдори ёки сотиладиган мулкий ҳуқуқнинг эгаси томонидан белгиланади.

Фақат битта иштирокчи қатнашган аукцион ва танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ШАРТНОМАЛАР

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларининг асосий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Конунг нормаси
1.	Олди-сотди шартномаси	Бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотуб олувчи)га мулк қулиб топшириш мажбуриятини олади. Сотуб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун бел- гиланган тул суммаси (бахоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.	Товар	ЎзР ФҚНИНГ 386-моддаси
2.	Чакана олди- сотди шартно- маси	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланётган сотувчи сотуб олувчига шахсий мақсадларда, рӯзгорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фой- даланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади. Сотуб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган тул суммаси (бахоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.	Шахсий мақсадларда, рӯзгорда ёки тадбир- корлик фаолияти билин боғлиқ бўйма- ган бошқа мақсад- ларда фойдаланила- диган товар	ЎзР ФҚНИНГ 425-моддаси
3.	Махсулот етказиб берин шартномаси	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланётган маҳсулот ет- казиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддат- ларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотуб оладиган товарлар- ни сотуб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш Учун ёки шахсий, оливий мақсадларда, рӯзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўл- маган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, со- тиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.	Етказиб берувчи- сотувчи томонидан ишлаб чиқарадиган ёхуд сотуб оладиган товарлар	ЎзР ФҚНИНГ 437-моддаси
4.	Давлат этиёҳ- лари учун товарлар етказиб берин	Махсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат буюртмачиси- га (ёки унинг кўрсатмасига биноан маҳсулот етказиб бе- риш шартномаси асосида бошқа шахстага) товарлар етказиб берин мажбуриятини олади. Давлат буюртмачиси эса,	Давлат этиёҳлари учун товарлар	ЎзР ФҚНИНГ 457-моддаси

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларниң ассоий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
	етказиб берилгандай тағылаштың түрінен мүддатда олади.			
5.	Контрактация шартномаси	Қишлоқ хұжалығи маҳсулотини етишириүчі қишлоқ хұжалығи маҳсулотини қайта ишлеу ёки сотиш учун бұнчай маҳсулотни харид құладыған шахса – тайёрховчига топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади. Тайёрловчы эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул килиб туриш), үннинг ҳақини шартлашилған мүддатда белгиланған бахода тұлаш (гүләб туриш) мажбуриятини олади.	Товар (қишлоқ хұжалығи маҳсулоти) Товар (қайта ишлеу ёки сотиш учун)	ҮЗР ФКНІНГ 465-моддағы
6.	Энергия таьми-ноти шартномаси	Энергия билан таьминловчи ташқылott (туташтирилған тармоқ орқаи) абонентта (истемолчига) энергия беріб туриш мажбуриятини олади. Абоненттә қабул қилинған энергия ҳақини тұлаш ва бошқа мажбурияттарни олади.	Энергия	ҮЗР ФКНІНГ 468-моддағы
7.	Күчмас мулк-нинг олди-сотди шартномаси	Сотувчи ер участкасы, бино, иншоот, квартира және күмбез мүлкін солиб олувлығы мүлк қылыб топширишний үз зиямасыга олади. Сотиб олувлы қабул қиласы да вакыттың үз зиямасы (бахосыны тұлаш мажбуриятини олади).	Күчмас мулк (ер участкаси, бино, иншоот, квартира және күмбез мүлкі)	ҮЗР ФКНІНГ 479-моддағы
8.	Корхонаны со-тиш шартномаси	Сотувчи сотиб олувлығы бутун корхонаны мулкий мажмуа сифатыда топшириш мажбуриятини олади.	Корхона (мулкий мажмуа сифатыда)	ҮЗР ФКНІНГ 489-моддағы
9.	Айирбошлаш шартномаси	Хар бир тараф башка тарафға бир товарни бошқа товарға алмастыриш ійүли билан мулк қылыб топшириш мажбуриятини олади	Товар	ҮЗР ФКНІНГ 497-моддағы

№	Шартнома тури (нөмі)	Тарафдарының ассоций мажбүриятлары	Шартнома объекти	Қонун нормасы
10.	Хадя шартно- маси	Бир тараф (хадя құлувчи) башқа тараф (хадя олувчы)га ашёни текинта мулк қулиб беради ёки бериш мажбүриятини олади ёхуд унга үзига ёки үчинчи шахста нисбатан мулк ҳукуки (таби)ни беради ё бериш мажбүриятини олади, ёхуд уни үзи ёки үчинчи шахс олдидай мүлкій мажбүриядан озод қила- ди ёйнкін озод қилиш мажбүриятини олади.	Ашё	ҮзР ФКНІНГ 502-моддағы
11.	Рента шартно- маси	Бир тараф (рента олувчи) күчмас ёки күчар мол-мұлкни башқа тарафта (рента тұловчы) мулк қулиб беради, рента тұловчы эса олинған мол-мұлк үрніңга рента олувчига вакти- вақти билан белгилінған пул сұлмаси ёки уни таымнилаш учун башқа шактда маблағ бериш тарзидә рента тұлаш маж- буриятини олади.	Күчмас ёки күчар мол-мұлк.	ҮзР ФКНІНГ 512-, 518-, 525-модда- лары
12.	Доимий рента			
13.	Умрбод рента			
14.	Умрбод таь- минлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни башқа шахста бериш шартно- маси	Бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли мәхнатта лаёқат- сиз бүлттан башқа тараф (башқа шахста берувчи)ни натурал холида (уй-жой бериш, овқалантириш, парваришилаш ва зарур ердам күрсатыш тарзда) умрбод мөддий таьминлаш мажбүриятини олади, башқа шахста берувчи эса олувчига уй-жой (үйнінг бир қисмі)ни, квартираны мулк қилиб бериш мажбүриятини олади.	Уй-жой (үйнінг бир қисмі), квартира.	ҮзР ФКНІНГ 530-моддағы
15.	Мулк ижараси (аренда) шарт- номаси	Ижарага берувчи ижарата олувчига ҳақ, зөзигета мол-мұлкни вактінча эталик қылыш ва фойдаланыш ёки фойдаланыш учун топшириш мажбүриятини олади.	Ер участкалар, ер ости бойылклари жойлаштан участкалар ва бошқа алохыда табиий объектілар, корхона- лар ва бошқа	ҮзР ФКНІНГ 535-моддағы

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларниң ассоий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
16.	Прокат шартно- маси	Дөймий тадыркорлик фаолияти сифатида мол-мұлкни жа- рага берувчи ҳәк әвазыга ижарата олувлықта вакынчалық эта- лик қилиш ва фойдаланиш учун күчар мол-мұлкни топшириш мажбуриятини олади.	Күчар мол-мұлк.	ҮзР ФҚННГ 558-моддаси
17.	Транспорт воси- тасының экипажи билин ижарата бериш шартно- маси	Ижарага берувчи транспорт воситасини вакынчан этапик қи- лиш ва фойдаланиш учун ҳәк әвазыга ижарата олувлықта беради ва үз күчі билан унч бошқарыш ҳамда техник фойдаланиш бүйінча хизмет күрсатади.	Транспорт воситаси	ҮзР ФҚННГ 564-моддаси
18.	Транспорт воситасини эки- пажисиз ижарата бериш шартно- маси	Ижарага берувчи транспорт воситасини бошқарыш ва техник фойдаланиш бүйінча хизметтескенде құрсатмаланған ҳолда вакынчанда эта- лик қилиш ва фойдаланиш учун ижарата олувлықта ҳәк әвазыга беради. Ижарага олувлы ҳәк түлаш мажбуриятини олади.	Транспорт воситаси	ҮзР ФҚННГ 564-моддаси

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларнинг асосий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
19.	Бино ёки ишо- отни ижарага бериш шартно- маси	Ижарага берувчи ижарага олучига бино ёки иншоотни вактинча эталик қилиш ва фойдаланиш ёхуд вактинча фойда- ланыш учун топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ижарага олучви хак тӯлаш мажбуриятини олади.	Бино ёки иншоот	ЎЗР ФКНИНГ 573-моддаси
20.	Корхонни ижарага бериш шартномаси	Ижарага берувчи ижарага олучига вактинча эталик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхона- ни ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади. Ижарага олучви ижарага олучигаси амал қилиб турган бутун вакт мобайнида корхонани төмшли техник ҳолатда саклаб туриши, шу жумладан уни жорий таъмирираши ва шартномада назарда тутилган ҳолларда капитал таъмирилаши шарт. Ижарага олучви хак тӯлаш мажбуриятини олади.	Мулкий комплекс сифатида бутун кор- хона ёки унинг бир қисми	ЎЗР ФКНИНГ 579-моддаси
21.	Лизинг шартно- маси	Лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олуччи (ижарага олучви) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан учдан лизинг олуччи учун мол- мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, ли- зинг олучви эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тӯлов- ларини тӯлаш мажбуриятини олади.	Истеммол қилинмай- диган, тадбиркорлик фаолияти учун фой- даланиладиган ҳар қандай ашё	ЎЗР ФКНИНГ 587-моддаси
22.	Уй-жойни ижа- рага бериш шартномаси	Бир тараф – уй жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) – бошқа тараф (ижарага олуччи)га уй-жой- да яшаш учун уни ҳақ эвазига эталик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.	Домий яшаш учун яроқчи бўлган алоҳида уй-жой (квартира, уй, квар- тиранинг ёки уйнинг бир қисми)	ЎЗР ФКНИНГ 600-моддаси

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларниң ассоций мажбуриятлари	Шартнома объекти	Конун нормаси
23.	Текин фойда- ланыш (ссуда) шартномаси	Бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафта (ссуда олуучига) ашени вактингча текин фойдаланыш учун бәрши мажбурия- тини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашени қандай олган бўлса, нормал ейлишини хисобга олиб худди шундай холатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.	Ашёни тайёрлаш ёки уни қайни ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа турдаги иш	ЎзР ФКНИНГ 617-моддаси
24.	Пудрат шартно- маси	Бир тараф (пудратч) иккинчи тараф (буортмачининг топшириғи биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буортмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буортмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.	Ашёни тайёрлаш ёки уни қайни ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа турдаги иш	ЎзР ФКНИНГ 631-моддаси
25.	Машиий пудрат шартномаси	Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширайтган пудратчи машиий пудрат шартномаси бўйича буортмачи-фукуронинг топшириғи билан унинг машший ёхуд бошқа шахсий этиёж- ларини қондиришта қардитлан маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буортмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.	Машиий ёхуд бошқа шахсий этиёжларни қондиришта қардитли- гани иш	ЎзР ФКНИНГ 656-моддаси
26.	Курилиш пудра- ти шартномаси	Пудратчи шартномада белгиланган муддатда буортмачининг топшириғи билан муайян обьектни куриш ёки бошқа кури- лиш ишни бажариш мажбуриятини олади, буортмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.	Корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини) ишлотни ёки бошқа обьектни куриш ёки қайта қу- риш, шунингдек мон- таж, созлаш-ишга тушириш ва курила- ётган объект билан	ЎзР ФКНИНГ 666-моддаси

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларниң ассоий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
27.	Лойиха ва қидирүв ишләри пудрат шартно- маси	Пудратчи (loyixalovchi, қидирувчи) буортмачининг топши- риғи бүйічіца белгілінган мұддаатда лойиха-смета хужжат- ларини ишлаб чиқыш ва (ёки) қидирүв ишларини бажарыш мажбуриятини, буортмаға эсаш унни қабул қылғыл олиш ва ҳақ тұлаш мажбуриятини олади.	Бевосига боелик бул- ған башқа иш	Лойиха-смета хуж- жатларини ишлаб чиқыш ва (ёки) қиди- рув иши
28.	Илмий-текши- риш ишләри пудрат шартно- маси	Пудратчи (ижрочи) буортмачи берган вазифада күрсатилған илмий текширишләрни амалта ошириш мажбуриятини олади. Буортмаға пудратчига (ижрочига) техникавый топширик бериш, ишни қабул қылғыл олиш ва үннинг ҳақини тұлаш маж- буриятини олади.	Илмий текшириш иши	ҮзР ФКНИНГ 682-моддағи 693-моддағи
29.	Тажриба-кон- структурлик ва технология ишләри пудрат шартномаси	Пудратчи (ижрочи) буортмачи берган вазифада күрсатилған яңты буюм намуна- сина, унга тегишли конструкторлық ұжжат- ларини, яңы технологияны ишлаб чиқыш ёки намуна нускаси- ни тайёрлаш мажбуриятини олади. Буортмаға пудратчига (ижрочига) техникавый топширик бериш, ишни қабул қылғыл олиш ва үннинг ҳақини тұлаш маж- буриятини олади.	Яңты буюм намуна- сина, унга тегишли конструкторлық ұжжатларини, яңы технологияны ишлаб чиқыш ёки намуна нускасини тайёрлаш каби иш	ҮзР ФКНИНГ 703-моддағи
30.	Хақ әзäига хизмат күрсатиши	Ижрочи буортмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажарыш (муайян ҳарракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалта ошириш), буортмағи эса бу хизмат учун ҳақ тұлаш мажбуриятини олади.	Ашёвий шаклда бўлмаган хизматлар	ҮзР ФКНИНГ

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларниң ассоий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
31.	Йўловчи ташиш шартномаси	Ташувчи йўловчини, йўловчи бағаж топширган бўлса – батжни ҳам белгиланган манзилга этлиб бериш ҳамда бағажни олишга ваколат берилган шахса топшириш мажбуриятини олади. Бунда йўловчи белгиланган йўл ҳакини, бағаж топширган бўлса, бағаж ташиш ҳакини ҳам тўлаш мажбуриятини олади.	Йўловччи ташиш хизмати	ЎЗР ФКИНГ 710-моддаси
32.	Юқ ташиш шартномаси	Юқ ташувчи юқ жўнатувни томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериси ва уни олишга ваколат берилган шахса (олувчига) тогшириш, юқ жўнатувчи эса юкни ташиш берганини учун белгиланган ҳакни тўлаш мажбуриятини олади.	Юқ ташиш хизмати	ЎЗР ФКИНГ 711-моддаси
33.	Чартер (фрахтлаш) шартномаси	Бир тараф (фрахтчи) иккинчи тарафга (фрахтловчига) ҳак эвазига бир ёки бир неча транспорт воситаси сифимининг ҳаммасини ёки бир қиммини йўловчи, бағаж ва юқ ташиш учун бир марта ёки бир неча марта қатнашга берниш мажбуриятини олади.	Йўловччи, бағаж ва юқ ташиш хизмати	ЎЗР ФКИНГ 712-моддаси
34.	Транспорт экспедицияси шартномаси	Экспедитор ҳак эвазига ва мижоз (юқ жўнатувчи ёки юқ олувчи) хисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юқ ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришини ташкил этиш мажбуриятини олади.	Юқ ташиш билан боғлиқ хизмат ёки иш	ЎЗР ФКИНГ 726-моддаси
35.	Карз шартномаси	Бир тараф (карз берувчи) иккинчи тарафга (карз олувчига) пул ёки турга хос автоматлари билан белгиланган бошқа ашёйларни мулк қилиб беради, карз олувчи эса карз берувчига бир йўла ёки буйиб-бўлиб, ушанча суммадаи пулни ёки қарзга олинган ашёйларнинг хили, сифати ва мидорига баравар ашёйларни (карз суммасини) кайтариб бериш мажбуриятини олади.	Пул ёки турга хос автоматлари билан белгиланган бошқа ашёйлар	ЎЗР ФКИНГ 732-моддаси

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларнинг асосий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
36.	Кредит шартно- маси	Бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташклоти (кредитор) иккинчи тарафга (карз олувчига) шартномада назарда туил- тган мижорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, карз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва үнин учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.	Пул маблағлари	ЎЗР ФКНИНГ 744-моддаси
37.	Пул талабно- масидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эва- зига молиялаш шартномаси (факторинг)	Бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу ми- жоннинг (кредиторнинг) учинчи шахста (карздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизмат- лар кўрастатишдан келиб чиқадиган пул талабномаси хисо- бидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади. Мижоз ўзининг молия агенти олдилиги мажбуриятлари бажа- рилишини тъминлаш мақсадида ҳам карздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин.		ЎЗР ФКНИНГ 749-моддаси
38.	Банк омонати шартномаси	Биринчи тарафдан (омонатидан) қабул килиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул килиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда туилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фо- излар тўлаш мажбуриятини олади.	Пул маблағи	ЎЗР ФКНИНГ 759-моддаси
39.	Банк хисоб- варати шартно- маси	Бир тараф – банк ёки бошқа кредит муассасаси (бундан бўён матнда – банк) иккинчи тарафнинг – мижознинг (хисобварақ этасининг) хисобварағига туашётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб кўйиш, мижознинг хисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда хисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойи- шларини бажариш мажбуриятини олади.	Банк хизматлари	ЎЗР ФКНИНГ 771-моддаси

№	Шартнома тури (номаси)	Тарафларниң ассоий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
40.	Топширик шарт- номаси	Бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топширик берувчы)нинг номидан ва унинг хисобидан майян юридик ҳаракатларни соңир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган билим бүйича хүкуқ ва мажбуриятлар бевосита топширик берувчидан вүзжу- да келади.	Топшириқда назарда тутилган ҳаракат	ҮзР ФҚНинг 817-моддаси
41.	Воситачилик шартномаси	Бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитет) тол- шириғи бүйича ўз номидан, бирор комитет хисобидан бир ёки бир неча битимни ҳак эвазига тузиш мажбуриятини олади	Топшириқда назарда тутилган ҳаракат	ҮзР ФҚНинг 832-моддаси
42.	Мол-мулкни ишончли бош- кариш шартно- маси	Бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарува топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки укурсатган шахс (фойда олуучи) манбаатларини күзлаб бошқариш мажбури- ятини олади.	Мол-мулкни бошқа- риш	ҮзР ФҚНинг 849-моддаси
43.	Комплекс тад- биркорлыкли- цензияси (фран- шизинг) шартномаси	Бир тараф (комплекс лицензиялар) иккинчи тарафта (комплекс лицензиятта) ҳак эвазига лицензиарнинг фирмадан номидан хамда кўрикланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган муллақ хукукларга кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўр- сатиш белгиси ва ихтиро- лар ҳамда бошқалар- дан) лицензиятнинг тадбир- корлик фаролигида фойдаланиш хукукини ўз ичига оладиган муллақ хукуклар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини олади.	Муллақ хукуклар- га кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўр- сатиш белгиси ва ихтиро- лар ҳамда бошқалар- дан) лицензиятнинг тадбиркорлик фоа- лиятида фойдаланиш хукуки	ҮзР ФҚНинг 862-моддаси

№	Шартнома тури (номи)	Тарафларнинг асосий мажбуриятлари	Шартнома объекти	Қонун нормаси
44.	Омонат саклаш шартномаси	Бир тараф (омонат сакловчи) унга иккинчи тараф (жо топши- рувчи) берган ашёни саклаш ва бу ашёни тўла ҳолида қайта- риш мажбуриятини олади.	Ашё	ЎЗР ФҚНИНГ 875-моддаси
45.	Омборда омонат саклаш шартномаси	Товар омбарири (сакловчи) товар этаси (жо топширувчи) томо- нидан ўзига топширилган товарларни ҳақ эвазига саклаш ва уларни тўлиқ холича қайтариб берини мажбуриятини олади.	Товар	ЎЗР ФҚНИНГ 903-моддаси
46.	Мулкий сұғурта шартномаси	Бир тараф (сұғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (сұғурта мүкоғоти) эвазига шартномада назарда тутилган вокеа (сұғурта ходисаси) соидир бўлганда бошқа тарафга (сұғурта кипдирувчига) ёки шартнома кайси шахснинг фойда- сига тузилган бўлса, ўша шахса (наф олувчига) бу ходиса оқи- батида сұгурталанган мулкка етказилиган зарарни ёхуд сұғур- таланувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгилангандан сунума (сұғурта тули) дои- расида тўлаш (сұғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.	Мол-мулк ёки мул- кий манфаат	ЎЗР ФҚНИНГ 915-моддаси
47.	Оддий ширкат шартномаси (биралилдаги фаолият түғри- сидати шарт- нома)	Шериклар (иштирокчилар) деб аталаувчи иккى ёки ундан ор- тиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақ- садга эришиши учун ўз хиссаларини кўшиш ва юридик шахс тузмасдан бирораликда иш килиш мажбуриятини оладилар.	Иш, хизматлар	ЎЗР ФҚНИНГ 962-моддаси



2-БОБ

**КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН
МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ШАРТНОМА
АСОСИДА ВУЖУДГА КЕЛИШИ
ВА БЕКОР БЎЛИШИ
ТАРТИБИ**





Мулк ҳуқуқини қўлга киритишда шартномаларнинг аҳамияти

Мулк ҳуқуқи ўзида қўйидаги 4 та хусусиятларни акс эттиради:

- эгалик қилиш;
- фойдаланиш;
- тасарруф этиш;
- ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш.

Мулк ҳуқуқининг юқорида қайд этилган хусусиятлари мулқдорнинг мулк обьектига нисбатан мутлақ ва маҳсус (фақат мулқдорга тегишли бўлган) ҳуқуқларини белгилайди. Ушбу мутлақ ҳуқуқлар асосида мулқдор ўзига тегишли мулкка нисбатан қонун ва бошқа ҳуқуқий нормалар билан тақиқланмаган, ўзгларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни, ўз хоҳишига кўра амалга оширишга ҳақли ҳисобланади.

Қайд этилган мутлақ ҳуқуқлар мулқдорга ўз мулкини бошқа шахсларга бериш, ушбу мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ўзида қолдирган ҳолда бошқа шахсларга фойдаланиш, чекланган тарзда тасарруф қилиш, гаровга қўйиш, ишончли бошқарувга бериш, бошқа ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқини эътироф этади.

Яъни мулк ҳуқуқи мулқдорга ўз эгалигидаги мулкка нисбатан қонун асосида ва доирасида ўз истакларидан келиб чиқиб тўлиқ ўз иродасини намоён этиш ваколатини беради.

Бироқ қонун бундай мутлақ ҳуқуқларга эга бўлиш учун мулк обьектининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ўзининг зарурий талаблари – шартларини белгилаган. Фақат ушбу талаблар (шартлар)га риоя қилинган тақдирдагина мулк ҳуқуқи тан олинади, эътироф этилади ва ҳимоя қилинади.

Қонун талаблари (шартлари)нинг асосий қисми мулк ҳуқуқининг вужудга келишига (мулк ҳуқуқини қўлга киритишга) оид муносабатларга нисбатан ўрнатилган бўлиб, ушбу талаблар мулкнинг хусусияти (аҳамияти, қиймати)дан келиб чиқсан ҳолда қатъийлашиб, такомиллашиб боради.

Мулк ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлаш мақсадида юқоридаги талаблар (шартлар) аввало, қиймати (аҳамияти) юқори бўлган мулкларни, хусусан, кўчмас мулкларни эгаллашга нисбатан белгиланган бўлиб, ушбу талаблар (шартлар)нинг умумийлари қўйидагиларда ўз аксини топади:

1. Битимни ёзма равища тузиш;
2. Битимни нотариал расмийлаштириш;
3. Давлат рўйхатидан ўтказиш.

Қонунда бундай талабларнинг белгиланишидан мақсад мулк обьектига нисбатан мулқдорнинг ҳуқуқларини келгусида ҳимоя қилиш, мулқдор ҳуқуқларининг мутлақлигини эътироф этишни таъминлаш учун мулк обьектига

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

әгалик қилишга оид баҳсли, шубҳали ва низоли ҳолатларнинг олдини олиш ҳисобланади. Ушбу мақсадда мулкнинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда давлат томонидан юритиладиган реестрлар орқали рўйхатга олиш амалга оширилади.

Юқоридаги талаблар (шартлар)га риоя қилмаслик шахснинг мулк обьектига нисбатан мулк ҳуқуқини белгилашда, шунингдек, низоли ҳолатлар юзага келганда ҳамда мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни содир этишда қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Зеро, бундай ҳолатда мулк обьектига нисбатан мулкий ҳуқуқлари юзасидан даъво қилаётган шахс ўзини мулкдор сифатида эътироф этиш учун ҳуқуқий асосга (тўлиқ ёки қисман) эга бўлмайди. Қонун талабларига риоя қилган ҳолда мулкка әгалик қилаётган шахс бунга асос бўлган ҳуқуқий ҳужжат – қарор, шартнома ёки бошқа гувоҳнома асосида ўз мулкий ҳуқуқини амалга ошириш, уни ҳимоя қилишда шубҳасиз мутлақ имкониятларга эга бўлади.

Қонунда мулк ҳуқуқини эътироф этиш билан боғлиқ талаблар (шартлар)-нинг белгиланишидан мақсад мулк эгасининг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мулк ҳуқуқини кафолатлаш экан, ушбу талаблар (шартлар)дан хабардор бўлиш, уларни тушуниш ва риоя қилиш зарурдир.



2.1. ЕР БИЛАН БОҒЛИҚ ШАРТНОМАВИЙ-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

2.1.1. ЕР МУЛК ХУҚУҚИННИГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Фуқаролик қонунчилигига мулк хуқуқининг обьектларидан бири сифатида ер келтирилган. Ер мулк хуқуқининг обьектида сифатида эътироф этилсада, мулк хуқуқининг барча субъектлари ҳам мулкий муносабатларда ернинг мулкдори сифатида иштирок эта олмайди.

Қонунга мувофиқ, ер давлат мулки – умуммиллий бойлиқдир.

Ердан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди. Яъни, ерга нисбатан мутлақ мулкдор сифатида фақат давлат эътироф этилади. Фуқаролик кодексининг 214-моддасига мувофиқ ерлар республика мулки ҳисобланади.

Шу билан бирга фуқаролар ва юридик шахслар мулкий муносабатларга киришишда ер хуқуқи билан деярли барча ҳолатларда дуч келади, уларнинг ўз мулкига эгалик қилиши ердан фойдаланиш билан боғлиқ тарзда амалга оширилади.

Чунки ушбу шахслар эгалик қилаётган мулк ер участкасида жойлашган бўлади, амалга оширадиган тадбиркорлик ёки бошқа хўжалик фаолияти ер билан узвий боғлиқ бўлади.

Холбуки, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ер билан боғлиқ ҳолда кечар экан, қонун ҳам ерга нисбатан муайян хусусиятларни инобатга олган ҳолда эгалик хуқуқини эътироф этади.

Ер кодексининг 17-моддасига кўра:

- юридик шахслар қонун хужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк хуқуқи асосида;
- жисмоний шахслар мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк хуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Агар ер майдонида бирор кўчмас мулк ҳам жойлашган бўлса, ушбу ер майдонига нисбатан мулкий хуқуққа эга бўлиш учун аввалом бор ушбу кўчмас мулкка нисбатан мулк хуқуқи қўлга киритилиши лозим.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк хуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун хужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Қонунда фуқароларнинг дәхқон ҳұжалиги юритиш учун, жамоа боғдорчилігі ва узумчилигі юритиш учун мерос қилиб қолдирладиган умрбод егалик қилиш ҳуқуқи ҳам белгиланган.

Яни, фуқароларнинг ер участкасига егалик ҳуқуқи унда жойлашган үй-жай, бино ва иншоотлар ёки дәхқон ҳұжалиги ва бошқа ҳұжалик фаолияти юритиш билан биргаликда вужуда келади.

Ернинг алоҳида, фақат ер участкаси тарзида мулк қилиб берилмаслигіда ернинг умуммиллий бойлик эканлиги тамоили үз аксини топади.

2.1.2. ЕРГА НИСБАТАН ЭГАЛИК ҲУҚУҚИННИ ОЛИШ АСОСЛАРИ

Ер қонунчилігіда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ер участкасига бўлган қўйидаги ҳуқуқлари эътироф этилади:

- мерос қилиб қолдирладиган умрбод егалик қилиш;
- доимий фойдаланиш;
- муддатли (вақтинча) фойдаланиш;
- ижарага олиш;
- мулк ҳуқуқи.

Қайд этиш лозимки, фуқароларнинг ер участкасига бўлган юқоридаги ҳуқуқлари эътироф этилганда фуқаролар сифатида барча жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) назарда тутилган.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдирладиган умрбод егалик қилиш ҳуқуқини олиш асослари:

- дәхқон ҳұжалиги юритиш учун;
- якка тартибда үй-жой қуриш ва үй-жойни ободонлаштириш учун;
- жамоа боғдорчилігі ва узумчилигі юритиш учун.

Ер участкасига мерос қилиб қолдирладиган умрбод егалик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдирладиган умрбод егалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдирладиган умрбод егалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер кодексининг 27-моддасига кўра шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда үй-жой қуриш ва үй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдирладиган умрбод егалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оиласга 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.



Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида реализация қилинади.

Ким ошди савдолари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси)нинг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сонли қарори билан тасдиқланган "Якка тартибда уй-жой қуриш (дехқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ўтказилади.

Ушбу Низомга кўра аукцион савдолари туман ёки шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг худудий бошқармаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан тузилган шартномага мувофиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизмат кўрсатувчи риэлторлик ташкилоти томонидан ташкиллаштирилади.

Аукцион савдоси якунлари бўйича аукцион комиссия томонидан баённома тузилади. Мазкур баённоманинг қарор қисмида қатнашчилар, уларнинг таклифлари ва ғолиб кўрсатилади.

Аукцион комиссиянинг қарори асосида савдо ташкилотчиси ва аукцион савдоси ғолиби томонидан савдо ўтказилган кунда савдоларнинг натижалари тўғрисидаги икки нусхада ғолиблик баённомаси тузилади.

Аукцион савдоси натижалари тўғрисидаги ғолиблик баённомаси имзолангандан кейин йигирма кундан кечикмай ҳокимлик, худудий бошқарма, савдо ташкилотчиси ва ғолиб ўртасида ер участкасига бўлган ҳуқуқни реализация қилиш тўғрисида шартнома тузилади.

Ғолиб ер участкасига бўлган ҳуқуқни реализация қилиш тўғрисида шартнома тузилгунга қадар ғолиблик баённомасида қайд этилган нархнинг камида ўн беш фоизи миқдорида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўланишини таъминлаши шарт.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни реализация қилиш тўғрисида шартнома худудий бошқарма томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Худудий бошқарманинг харидор томонидан тўловлар тўлиқ тўланганлигини тасдиқловчи ёзма маълумоти олингандан сўнг, ҳокимлик томонидан ўн кунлик мурдат ичида харидорга унинг ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжати берилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Савол

Туман ҳокимининг 2016 йил 26 январдаги 55-сонли қарори билан ўтказилган ким ошиди савдосига кўра мен билан 2016 йил 28 февралда 205-сонли келишув шартномаси тузилиб, барча тўловларни тўлаганимдан кейин менга 2016 йил 5 марта ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи 1103-сонли давлат далолатномаси берилди.

Бироқ ушбу далолатномада менга сотилган ер бўлганинг рақами кўрсатилмаган. Менга туман ер кадастр хизмати ходимлари ер майдонини кўрсатишди. Ушбу ер бўлганинг ҳақиқатда менга ажратилганигини қандай билсан бўлади, келажакда низо юзага келмайдими?

Жавоб

Туман ҳокими ер участкаси ажратиши тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин ер участкасини танлаш бўйича материаллар тайёрланиши ва ер участкаси ажратиши далолатномаси белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

Ўрнатилган тартибга кўра, ер участкаси ажратиши тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин мавжуд топография материаллари асосида, бундай материаллар бўлмаса, ер участкасининг топографик харитаси ишлаб чиқилгандан кейин натурага кўчирилади.

Қонун талабларига кўра ана шу талабларни тўлиқ бажариб, ер ажратиши далолатномаси расмийлаштирилганидан ва топографик харита асосида натурага кўчирилганидан кейин Сизга кўрсатилган ер участкаси ҳақиқатдан ўзингизни эканлиги юзасидан ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиши ҳамда фойдаланиши.

Қонунга мувофиқ, ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер кодекси 20-моддасининг 3-қисмига кўра доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари:

- Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига;
- саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ ҳўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;
- чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналарга, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;
- чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли – 3 йилгача ва узоқ муддатли – 3 йилдан 10 йилгача бўлиши мумкин.



Ер участкасидан доимий фойдаланиш муддатсиз бўлиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар давом этади.

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

2.1.3. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЕР УЧАСТКАСИГА БЎЛГАН МУЛК ҲУҚУҚИ

Ер қонунчилигига кўра фуқаролар ер участкаларига мулк ҳуқуқи асосида эга бўлишлари мумкин.

Ер участкаларига мулк ҳуқуқи асосида эга бўлишнинг муайян тартиби (шартлари) белгиланган бўлиб, қоида тариқасида бундай ҳуқуқ ер участкасида жойлашган (қурилган) туарар-жой ва биноларга мулк ҳуқуқининг белгиланиши билан юзага келади.

Фуқароларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши қонунда мазкур ер участкаларида жойлашган обьектларнинг хусусийлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сонли “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” Фармонининг 3-банди билан 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари – резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва туарар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилиб, якка тартибда уй-жой қуриш ва туарар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларига эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида:

ушбу Фармон чиққан пайтда амалда эгаллаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик ҳуқуқи билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида;

ер участкаларини якка тартибда уй-жой қурилишига ким ошди асосида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда сотиш чоғида, кейинчалик мулкка эгалик ҳуқуқини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

томонлар – кўчмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахснинг аҳдлашуви бўйича якка тартибдаги уй-жойни сотиш ёки ҳадя этиш (яқин қариндошлар бундан мустасно) чоғида мажбурий тартибда.

Фармонга кўра хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид қилиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ер участкаларини аукцион савдолари орқали реализация қилиши.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргалиқда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, хорижий жисмоний ва юридик шахсларга сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргалиқда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ер майдонларини хусусий мулк сифатида сотиш ҳақидаги қарорларини тақдим этгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ким ошди савдоси асосида амалга оширилади.

Ким ошди савдоси ғолибига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан уни кейинчалик тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида рўйхатдан ўтказиш учун обьектга у жойлашган ер майдони билан биргалиқда эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси берилади.

Ер майдонларини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш.

Ер майдонларини мерос қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун фуқароларга бериш "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргалиқда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектар ва дехқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида кимошли савдоларида сотиш орқали амалга оширилади.

Аукцион савдолари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси (ҳозирги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси)нинг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сонли қарори билан тасдиқланган "Якка тартибда уй-жой қуриш (дехқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида ўтказилади.

Низомга кўра очиқ аукцион савдоларида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий юридик ва жисмоний шахслар – дипломатик корпус



ходимлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган матбуот вакиллари, доимий ваколатхоналар, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, қўшма корхоналарда доимий асосда ишловчи шахслар, шунингдек, республикада доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар қатнишишга ҳақли.

Аукцион савдоларига қўйиладиган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг рўйхатини тузиш, реализация қилиш шартлари ҳокимлик томонидан белгиланади.

Ҳокимлик томонидан ер участкаларини ажратиш бўйича доимий фаолият юритувчи комиссиянинг таклифларига асосан аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкаларининг рўйхати зарурий ҳужжатлар билан бирга Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг худудий бошқармасига (кейнги ўринларда худудий бошқарма) тақдим этилади.

Тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ худудий бошқарма томонидан ўн кунлик муддат ичida ер участкаларига бўлган ҳуқуқни аукцион савдоларига чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилинади. Аукцион савдоларини ўтказиш учун доимий ёки вақтинча ишлайдиган аукцион комиссияси тузилади.

Низомга кўра худудий бошқарма аукцион савдоси ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин ўз интернет тармоғидаги веб-сайтида ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг аукцион савдосига қўйилганлиги тўғрисида хабарномани белгиланган тартибида жойлаштириши лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртманомалар хабарнома эълон қилинган санадан аукцион савдоси ўтказилишидан бин кун олдин 18.00 га қадар қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгор ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошланғич нархининг камида ўн беш фоизи миқдорида закалат пулини тўлаши керак.

Аукцион савдолари ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич нархи босқичма-босқич оширилиб бориши шаклида ўтказилади. Аукцион савдоси якунлари бўйича аукцион комиссия томонидан баённома тузилади. Аукцион комиссиясининг қарори асосида савдо ташкилотчиси ва аукцион ғолиби томонидан савдо ўтказилган кунда савдоларнинг натижалари тўғрисида икки нусхада ғолиблик баённомаси тузилади.

Шундан кейин йигирма кундан кечикмай ҳокимлик, худудий бошқарма, савдо ташкилотчиси ва ғолиб ўртасида ер участкасига бўлган ҳуқуқни реализация қилиш тўғрисида шартнома тузилади. Ғолиб шартнома тузилгунга қадар ғолиблик баённомасида қайд этилган нархнинг камида ўн беш фоизи миқдорида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Худудий бошқарманинг харидор томонидан тўловлар тўлиқ тўланганлигини тасдиқловчи ёзма маълумоти олинганидан сўнг, ҳокимлик

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

томонидан ўн кунлик муддат ичида харидорга унинг ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжати берилади.

Тегишли тартибда хусусийлаштирилган ер участкалари келгусида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида фуқаролик муомаласида мулк ҳуқуқининг обьекти сифатида қатнашади ва қоида тариқасида ер участкасида жойлашган кўчмас мулк билан бирга тасарруф қилинади.

Ер участкасини унда жойлашган кўчмас мулк билан биргаликда тасарруф этиш ҳуқуқи Фуқаролик кодексида белгиланган бўлиб, унинг 482-моддасига қўра бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муйян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Сотувчи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулқдори бўлган тақдирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қисмига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкни сотиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ берилади.

2.1.4. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЕР УЧАСТКАСИГА БЎЛГАН ИЖАРА ҲУҚУҚИ

Қонунга мувофиқ ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари ер участкасини ижара шартнома асосида туман ва шаҳар ҳокимларидан оладилар.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиласми ижарага бериш тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш обьекти бўлиши мумкин эмас.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни 8-моддасининг 5-қисмига қўра томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва реализация қилиш, озуқа



етиштиришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишида ер участкалари берилиши мумкин.

Фермер хўжалигининг фаолияти эса ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғуланишга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ти Қонунининг 11-моддасига кўра фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.



Фермер хўжалиги юритиши учун ер участкасини олишида фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун хукуқдан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган "Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандига кўра ер участкалари фермер хўжаликларига очиқ танлов асосида ижарага берилади.

Низом талабларига кўра фермер хўжаликларига ер ижараси туман ҳокимининг юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўtkазиш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади. Танлов уни ўtkазиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида ўtkазилиши керак.

Танловда иштирок этиш у эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида туман ҳокимига ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза бериш орқали амалга оширилади.

Туман ҳокими танловда иштирок этиш учун топширилган аризаларни туман фермерлари кенгашига юборади.

Аризалар қўйидаги тартибда бир нечта босқичларда кўриб чиқилади.

Дастлаб туман фермерлари кенгashi икки кун мобайнида аризаларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хulosha чиқаради.

Мазкур хulosha аризалар билан биргаликда ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига юборилади. Комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўtkазади ва унинг натижалари юзасидан қабул қилинган қарори баённома билан расмийлаштирилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Шундан кейин барча ҳужжатлар күриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юборилади ва кенгаш томонидан тақдим этилган ҳужжатлар күриб чиқилип, тегишли қарор қабул қилинади.

Ушбу қарор туман ҳокимиға юборилиб, туман ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ижобий қарори асосида уч кун мобайнида фермер ҳўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва уч кун муддатда ушбу қарорни тасдиқлаш учун вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясига юборади.

Ер участкаларини ижарага бериш вилоят ҳокими бошчилик қиладиган вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва туман ҳокимининг фермер ҳўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш (ёки тасдиқлашни рад этиш) ҳақида қарор қабул қилиш билан якунланади.

Низомнинг 31-бандига кўра туман ҳокими томонидан фермер ҳўжалигига ижарага ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан беш кун муддатда намунавий шаклга мувофиқ ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади.

Мазкур ижара шартномаси ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тегишли қарор қабул қилингандан кейин туман ҳокими ва фермер ҳўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида рўйхатдан ўтказилади ва фермер ҳўжалигининг ер участкасини ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Низом талабларига кўра фермер ҳўжаликларига ижарага берилган ер участкаларидан қатъий мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш обьекти бўлиши, шунингдек субижарага берилиши мумкин эмас.

Қонун талабларига кўра ижарачилар ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эгадирлар.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилив қарори билан амалга оширилади.



2.1.5. ЕР УЧАСТКАСИГА БҮЛГАН ҲУҚУҚНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР ВА БУНДАЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

Ер кодексининг 33-моддасига кўра қўйидагилар ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади:

- ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери;
- ер участкаси ижараси шартномаси ёки ер участкасидан муддатли фойдаланиш шартномаси;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома.

Бундай ҳужжатларда ер участкаси қайси ҳуқуқقا асосан берилаётганлиги, ер участкасидан фойдаланишнинг белгиланган мақсади, уни ўзлаштириш муддатлари, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутлар кўрсатилади.

“Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига кўра ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, шу жумладан, сервитутлар тўғрисидаги битимлар ва бу ҳуқуқларга доир бошقا чеклашларни давлат рўйхатига олиш туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ерда амалга оширилади.

Ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ижара ҳуқуқида, шунингдек, мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилари шарт.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш асослари.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар ана шу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқлари туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатга олинади.

Ерларни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатга олинади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи бундай ҳуқуқقا оид давлат ордери, олди-сотди шартномаси ва ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи юзага келишига асос бўладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга асосан рўйхатга олинади.

Бинога, иморатга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва ер участкасига оид тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади.

Сервитутлар тўғрисидаги битимлар ҳамда ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни ижарага олиш, мулк ҳуқуқларига доир бошқа чеклашлар тегишли шартномалар, суднинг қарорлари асосида рўйхатга олинади.

Ер кодексининг 35-моддасига кўра ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш бўйича давлат реестрига қўйидагилар киритилади:

- ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргаликда эгалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва бошқа тавсифномалари);
- ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутларга оид маълумотлар;
- ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиб олиш зонасига киритиш тўғрисидаги қарорлари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади.

2.1.6. ЕР ЭГАСИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ, ИЖАРАЧИ ВА ЕР УЧАТКАСИ МУЛҚДОРИННИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;
- қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дараҳтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи;
- ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув обьектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган



тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

- ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;
- қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дараҳатларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;
- белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;
- ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равища воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;
- ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эталик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни дэҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдори қўйидагиларни бажариши шарт:

- ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;
- ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;
- ерларни муҳофаза қилишга оид, ушбу Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;
- ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулқдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;
- фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигидаги фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатта келтириш;

- фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига әгалик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинганды) ер участкалари худудидан ташқаридаги қишлоқ хұжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир күрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш түғрисидеги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

- бошқа ер әгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулқдорларига етказилган заарарни белгиланган тартибда қоплаш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер әгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулқдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.



2.2. УЙ-ЖОЙ БИЛАН БОҒЛИҚ ШАРТНОМАВИЙ-ХҮҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

Инсонларнинг нормал турмуш тарзини юритиш учун зарурий шартшароитлар билан таъминланганлиги муҳокама қилинганда энг асосий омил сифатида уй-жой масаласи тилга олинади. Аҳоли қатламининг асосий қисмида уй-жой уларнинг әгалигида бўлган қийматли мулк ҳисобланади. Бу эса фуқароларнинг уй-жойни мулк ҳуқуқи асосида қўлга киритишга жиддий эътибор билан ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ёндошиши нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Фуқаролик қонунчилигида уй-жойни мулк қилиб олиш билан боғлиқ шартномавий-хуқуқий муносабатлар учун қатъий талаблар белгиланган бўлиб, бундан хабардор бўлиш ва билиш биринчи навбатда фуқаролар учун зарур ҳисобланади.

Аҳоли сонининг ўсиши ҳамда уй-жой баҳосининг кўтарилиб бориши фуқароларнинг уй-жой билан боғлиқ шартномавий-хуқуқий муносабатларга киришишида қонунда белгиланган талабларга риоя қилиш аҳамиятини янада ортиради. Уй-жой билан боғлиқ мулкий муносабатларга киришишда фуқаролар қонун талабларига риоя қилиш орқали мулкдор сифатида тўлиқ ҳуқуқларга эга бўладилар, ушбу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий) низоли ҳолатлардан ўзларини ҳимоя қиласидар.

Уй-жойни мулк қилиб олиш жараёни билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан келиб чиқади. Уй-жойни мулк қилиб олиш билан боғлиқ фуқаролик муомаласида энг кўп учрайдиган қуйидаги асосларни батафсил ёритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- битимлар асосида уй-жойни әгаллаш;
- якка тартибда уй-жой қуриш;
- давлат уй-жойини хусусийлаштириш;
- уй-жойни мерос қилиб олиш;
- әгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида уй-жойга мулк ҳуқуқини қўлга киритиш.

2.2.1. УЙ-ЖОЙНИ БИТИМЛАР АОСОИДА ҚЎЛГА КИРИТИШ

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг аҳамияти ва оқибатидан келиб чиқсан ҳолда битимларни тузишга оид қонуний талаблар ҳам такомиллашиб боради. Уй-жой билан боғлиқ муносабатлар фуқаролар учун муҳим аҳамият касб этиши туфайли, ушбу жараёнда битимларни тузишнинг қонунда белгилаган қатъий талаблари мавжуд.

Фуқаролик кодексининг 480-моддасига кўра кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

!

Күчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қиласлик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Қонунда белгиланган мазкур талаблардан кўринадики, уй-жойнинг олди-сотди шартномаси ҳар қандай ҳолатда ҳам ёзма равишда тузилиши зарурий шарт ҳисобланади. Мазкур талаб қатъий хусусият касб этиб, ҳам юридик шахсларга, ҳам фуқароларга нисбатан татбиқ этилади.

!

Битимнинг қонун талаб қиласлик шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Тарафлар ўртасида ҳақиқатда уй-жойнинг олди-сотдисига оид муносабатлар юз берган бўлиши, улар уй-жойнинг олди-сотдиси юзасидан келишган, келишув шартлари тўлиқ бажарилган, хусусан, мулк учун тўловлар келишув баҳосига мувофиқ тўлиқ амалга оширилган бўлиши мумкин, лекин агарда ушбу келишув ёзма равишда амалга оширилмаган тақдирда у ҳақиқий ҳисобланмайди. Келгусида тарафлар ўртасида мазкур битим юзасидан низо келиб чиқсан, тарафлардан бири ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, ҳуқуқи бузилган тараф ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёзма келишувсиз исботлаш воситаларидан – далиллардан маҳрум бўлади.

Суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уй-жой олди-сотдисига оид битимлар буйича низо юзага келганда, тарафлар унинг ҳақиқатда тузилганлигини гувоҳлар иштирокида исботлаш мумкин, деб ҳисоблашади.

Бироқ фуқаролик қонунчилигига кўра битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қиласлик низо чиқсан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қиласди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2007 йил 2 октябрдаги 11-сонли қарори 8-бандининг 5-қисмига кўра битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилинмаган ҳолларда унинг тузилганлигини аудио ва видео ёзувлари орқали тасдиқлаб бўлмайди. Бундан кўринадики, уй-жойга нисбатан гувоҳлар иштирокида тузилган битим ҳам, аудио ёки видео ёзувлари билан қайд қилинган келишув ҳам агарда ёзма равишда тузилган ва битим иштирокчилари томонидан имзоланган шартнома орқали тасдиқланмас экан, ҳуқуқий аҳамиятга



эга бўлмайди ва фуқаролик қонунчилигида мазкур битимнинг ҳақиқийлигини эътироф этиш мумкин эмас.

♂ СУД АМАЛИЁТИ

**Кўчмас мулкни сотиш шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт!
Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик низо чиқсан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қиласди.**

Фуқаро Р.Хакимова 2007 йил май ойида М.Кравченко билан уй-жой сотиб олиш ҳақида келишган.

Келишув бўйича сотиб олувчи Р.Хакимова сотувчи М.Кравченкога 25 миллион сўм пул маблағини тўлиқ бериб, хонадоннинг кадастр ҳужжатларини сотувчидан олган. Бироқ М.Кравченко хонадон учун пулни олиши билан Россия Федерациясига маълум муддатга кетиб қолган ва олди-сотди шартномасини нотариал тартибда расмийлаштириб бермаган. Россия Федерациясидан қайтиб келганидан кейин ҳам ўзаро ишончли муносабатларни асос қилиб, ўзининг соғлиги ёмонлашганлигини, имкон бўлиши билан ўйни расмийлаштириб беришини айтиб, ўйни сотиб олувчининг номига ўтказиб бермасдан келган.

Хонадонда ўз оила аъзолари билан яшаб, ундан фойдаланиш билан боғлиқ барча тўловларни тўлаб келган Р.Хакимова 2015 йилда ўйни нотариал расмийлаштириб беришини қатъий талаб қилганидан кейин ўтрада низо келиб чиқсан.

Р.Хакимова судга олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўрталарида ҳақиқатдан ҳам бундай келишув бўлганлигининг тасдиғи сифатида ўзаро сұхбатнинг аудиоёзувини тақдим этган. Ушбу аудиоёзувда М.Кравченко уй учун ҳақиқатдан ҳам пул маблағларини тўлиқ олганлиги ва уни кейинчалик Р.Хакимовага расмийлаштириб бериши ҳақидаги сұхбат мавжуд.

Шунингдек судда иштирок этган гувоҳлар низоли хонадонга қўшни бўлиб яшашини, М.Кравченко уларга низоли хонадонни Р.Хакимовага сотганлигини айтишганлигини, уларнинг айримлари олди-сотди келишуви жараёнида бевосита иштирок этганлигини маълум қилишган. Лекин судга Р.Хакимова томонидан низоли хонадоннинг олди-сотдиси бўйича келишув бўлганлигини тасдиқловчи ёзма тилхат ёки бошқа ёзма шартнома тақдим этилмаган.

Фуқаролик кодексининг 480-моддасига кўра кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаролик кодекси 109-моддасининг 1-қисмига кўра, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик низо чиқсан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 8-бандининг 5-қисмига кўра, қонун талабига кўра битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилинмаган ҳолларда унинг тузилганлигини аудио ва видео ёзувлари орқали тасдиқлаб бўлмайди.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Шу боис суднинг ҳал қилув қарори билан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган.

ШАРХ: Фуқаролик қонунчилиги күчмас мулкка оид битимларни тузишнинг талабларини белгилаган бўлиб, бундай битимлар қатъий равишда ёзма шаклда тузилиши лозим. Битим ёзма шаклда тузилган бўлсада, тегишили тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, унинг ҳақиқийлиги суд орқали эътироф этилиши мумкин. Лекин ёзма равишда тузилмаган битим суд томонидан ҳақиқий деб топилиши мумкин эмас.

Конунда битимнинг ҳақиқийлигини эътироф этиши учун далил сифатида баҳо берии мумкин бўлган мезонлар белгиланган бўлиб, аудиоёзувлар ёки гувоҳларнинг кўрсатмалари битим ҳақиқатда тузилганлигини кўрсатсада, суд бундай далилларга асос бўла олмайди.

Шу сабабли шиша тақдим этилган аудиоёзуведа тарафлар ҳақиқатда низоли хонадоннинг олди-сотдиси бўйича келишганликлари ва пул маблағини тўлиқ олганликлари ҳақида сұхбат мавжуд бўлсада, суд ушбу далилга асосланшиша ҳақли эмас ва даъвони рад қилиши ҳақида қонуний қарор қабул қилган.

Уй-жой билан боғлиқ шартномавий муносабатларга киришишда кейинги муҳим ҳолат шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мумала лаёқатидир. Тасарруф этилаётган мулкка нисбатан тегишли ҳуқуқ ва ваколатта бундай ҳуқуқни амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан амалга оширилган битим қонуний ҳисобланади. Шартнома тарафи бўлган шахснинг мумалага лаёқатсизлиги ёки мумала лаёқати чекланганлиги ёхуд тегишли ваколати йўқлиги шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини келтириб чиқаради.

СУД АМАЛИЁТИ

Шартнома фақат бундай келишиувни тузишига ваколатли шахс билан тузилиши керак. Шартнома иштирокчиларининг ваколатларини аниқлаш бундай муносабатларга киришишдаги муҳим вазиға бўлиши лозим. Тасарруф этилаётган мулкка нисбатан ваколатли бўлмаган шахс билан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Даъвогар И.Тўйчиев судга жавобгарлар Г.Маркелова ва С.Маркеловларга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўз даъво талабида 2005 йилда уй-жой сотиб олиш юзасидан жавобгарлар билан келишиб, ўзи яшаб турган хонадонни сотиб, пул қўшиб, жами 60 миллион сўм пулни уч йил давомида бўлиб-бўлиб берганлигини, бу ҳақда тилхат мавжудлигини, келишув вақтида жавобгарлар низоли уйда учинчи шахс – А.Маркеловнинг ҳам улуши борлигини яширганлигини, ўзининг бир неча бор қилган талабларидан кейин Г.Маркелова унинг номига васиятнома қолдирганлигини, лекин ушбу васиятнома ҳам юридик кучга эга эмаслигини, ушбу уйда 2005 йилдан бери яшаб, коммунал тўловларни тўлаб келаётганлигини маълум қилган.



Суд мажлисида жавобгар Г.Маркелова даъво талабларини тан олмасдан, низоли уйни И.Туйчиевга сотмаганлигини, сотиш нияти ҳам бўлмаганлигини, олди-сотди бўйича у ўғли С.Маркелов билан келишганлигини маълум қилган.

С.Маркелов эса даъво талабларини қисман тан олиб, И.Туйчиев билан низоли уйни 60 миллион сўмга сотишга келишганлигини, ундан 35 миллион сўм олганлигини, низоли уйнинг ўзига тегишли бўлган улуши бўйича пулни тўлиқ олган деб ҳисоблашини, лекин уйни мустақил ўзи расмийлаштириб бера олмаслигини, онасининг ҳам розилиги зарурлигини маълум қилган.

Иш хужжатларида аниқланишича, низоли уй бир нечта шахснинг умумий мулки бўлиб, шундан 4/15 қисми К.Маркеловага қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан, 2/3 қисми Т.Юсуповга олди-сотди шартномасига асосан ҳамда 1/15 қисми жавобгарлар Г.Маркелова ва А.Маркеловга қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан тегишли.

Ер майдони биргаликдаги мулқдорлар ўртасида бўлинган бўлиб, ҳар бир мулқдор ўзига тегишли уйга алоҳида кириш йўлига эга.

А.Маркелов 2001 йил 18 октябрда вафот этган бўлиб, унинг вафотидан кейин мерос қабул қилинмаган.

Иш хужжатларида мавжуд 2008 йил 21 майда ёзилган тилхатда Г.Маркелова ва С.Маркеловлар низоли хонадонни И.Туйчиевга сотиб, 60 миллион сўм пулни олганликлари кўрсатилган бўлиб, ушбу тилхат маҳалла фуқаролар йиғини томонидан муҳр билан тасдиқланган. Г.Маркелова ва С.Маркеловлар ҳам тилхатдаги имзолар уларга тегишли эканлигини инкор этмаганлар.

Фуқаролик кодекси 112-моддасининг 2-қисмiga кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир.

Гарчи даъвогарда жавобгарлар билан келишув бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганилиги ҳақида ёзма тилхат мавжуд бўлсада, суд олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш учун юқоридаги қонун талабига асослана олмайди.

Чунки Г.Маркеловага тегишли бўлган 1/15 улуш унинг марҳум ўғли А.Маркелов билан умумий бўлиб, А.Маркеловнинг вафотидан кейин унга тегишли улуш бўйича мерос қабул қилиб олинмагунга қадар тасарруф этилиши мумкин эмас.

Жавобгар С.Маркелов эса низоли уй улушкининг мулқдори эмас ва ўзига тегишли бўлмаган мулкни тасарруф этишга ваколатли эмас, шу сабабли у томонидан ёзилган тилхат ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Суднинг ҳал қиувларори билан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

ШАРХ: Қонун шартнома тегишли тартибда тузилмаган бўлсада, тарафларнинг келишувини ҳамда уларнинг ўз мажбуриятларини бажарганилигини тасдиқловчи ёзма далиллар мавжуд бўлса, шартномани ҳақиқий деб топиш мумкинлигини эътироф этади. Лекин бундай шартнома ваколатли шахс билан тузилиши лозим.

Судга гарчи низоли уй сотилганлиги ҳақида ва бунинг учун сотиб олуви чомонидан пул маблағи тўлиқ берилганлиги ҳақида ёзма тилхат тақдим этилган бўлсада, уйни сотаётган шахслар уни тасарруф этишига ваколатли бўлмаганлар.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Низоли уй умумий мулк бўлиб, умумий мулкда улушга эга бўлган барча шахслар розилик берган тақдирдагина келишув қонуний ҳисобланади. Лекин келишувда улушга эга бўлган шахс вафот этган бўлиб, унинг улушкига нисбатан мерос очилмаган ва тегиши тартибда меросхўрлари томонидан қабул қилиб олинмасдан, тасарруф этилган.

Бундан ташқари, олди-сомди бўйича келишган ва тилхат берган шахсларнинг иккинчиси тасарруф этилаётган уйга нисбатан ҳеч қандай мулкий ҳуқуқларга эга бўлмаган.

Суд эса мулкни тасарруф этишига ваколатли бўлмаган шахслар билан тузилган келишувни ҳақиқий деб топшиша ҳақли эмас.

Қонунда битимнинг ҳақиқийлигини эътироф этиши учун далил сифатида баҳо берии мумкин бўлган мезонлар белгиланган бўлиб, аудиоёзувлар ёки гувоҳларнинг кўрсатмалари битим ҳақиқатда тузилганлигини кўрсатсада, суд бундай далилларга асосланомайди.

Шу сабабли ишига тақдим этилган аудиоёзуведа тарафлар ҳақиқатда низоли хонадоннинг олди-сомдиси бўйича келишганликлари ва пул маблағини тўлиқ олганлиги ҳақида сұхбат мавжуд бўлсада, суд ушбу далилга асосланишига ҳақли эмас ва даъвони рад қилиши ҳақида қонуний қарор қабул қилган.

Ушбу жараёнда шартнома тарафларига оид аниқланиши лозим бўлган яна бир муҳим ҳолат шартноманинг предмети ҳисобланган мулк обьекти, яъни уй-жойга нисбатан уни тасарруф қилаётган шахснинг дахлдорлиги, ваколати, яъни ҳуқуқ лаёқатидир.

Савол

Уй-жой сомиб олиш учун закалат пули бердим. Уй ўғилнинг номига расмийлаштирилган бўлсада, ҳақиқатда отасига тегишили бўлиб, уйни сомиши билан боғлиқ барча қарорларни ота қабул қиласкан экан.

Уйни сомаётган шахсларни танигандар ҳам ушбу уйни илгари сомиб олиш учун пулни ҳақиқатда ота берганлигини, уй расмиятчилик юзасидангина ўғилнику эканлигини айтишиди.

Шундай ҳолатда менинг ота билан келишувим тўғрими? Ота номидан ёзилган закалат олинганлиги ҳақидааги тилхат ҳуқуқий кучга эга бўладими?

Жавоб

Сизнинг уй-жой мулкдорининг отаси билан қилган барча келишувларингиз нотўғри. Чунки у уй-жойни сомиши бўйича ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай ваколатга эга эмас. Битим юзасидан олинган пуллар бўйича келгисида низо келиб чиқсан тақдирда ота олинган пулнинг қиймати даражасида жавобгар бўлади. Лекин ушбу жаёвбагарликнинг битим юзасидан келишувга алоқаси бўлмайди.

Уй-жой кимнинг маблағи ҳисобига олинганлигидан ва уни тасарруф этишида кимнинг хоҳиши аҳамият касб этишидан қатъий назар, уй ҳуқуқий



хұжжатларға күра мулкдори бўлган шахс томонидангина тасарруф этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай шахс билан тузилган битим ҳақиқий ҳисобланмайди ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди.

Агарда Сиз келишган битим бўйича низо келиб чиқсан тақдирда, берган закалат пулингизни закалат учун белгиланган қоидалар доирасида эмас, ғайриқонуний олинган пул маблагини ундириши тартибида қайтариб олишингиз мумкин бўлади.

Мулк ҳуқуқини тасарруф этиш мулкдорнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, мулкни, шу жумладан, уй-жойни тасарруф қилиш (хусусан, сотиш)га қаратилган битим юзасидан фақатгина ушбу уй-жойнинг мулкдори ёки унинг номидан у ваколат берган шахсгина иштирок этиши лозим. Уй-жойни тасарруф қилаётган (сотаётган) шахснинг мазкур мулкка нисбатан дахлдорлигини, ваколатини, яъни ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш – ушбу шахснинг мулк ҳуқуқига эга эканлигини текшириш орқали амалга оширилади. Уй-жойнинг мулкдори мазкур кўчмас мулк обьектининг кадастрга оид ҳужжатлари билан аниқланади. Кўчмас мулк обьектининг эгаси кадастр ҳужжатларининг "кўчмас мулк эгаси" графасидаги мулкдор(лар)га оид маълумотларда кўрсатилади.



Кадастр йиғмажилди – объектнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни шакллантириши, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиши ва паспортлаштиришининг, маҳсус текшириши ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотлари жамламасидир.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин. Шу жумладан, уй-жойлар ҳам уларга бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларига кўра бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин бўлиб, кўчмас мулк обьекти кадастр ишидаги "кўчмас мулк эгаси"га оид маълумотларда мулкдорларнинг қатъий рўйхати кўрсатилмаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда уй-жой мулкдорларига оид тўлиқ маълумотлар унга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалиқдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Мазкур қонун талабидан кўринадики, эр-хотининг никоҳ давомида сотиб олган уй-жойи улардан қайси бирининг номига расмийлаштирилганидан қатъий назар эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шу сабабли, уй-жойга оид шартномавий муносабатларга киришишда мазкур уй-жойнинг кадастрга оид ҳужжатларида кўрсатилган мулкдорга оид маълумотлар билан чекланмасдан, унинг никоҳ даврида олинган олинмаганлигини, қандай битимга асосан олинганлигини ҳам аниқлаш зарур.

Зеро, қонунга кўра эр-хотиндан бирининг умумий мол-мulkни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабабли унинг билдирган талабига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин.

Оила кодексининг 24-моддаси белгиланганидек, эр ва хотин уларнинг биргалиқдаги умумий мулки бўлган мол-мulkка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эга эканлиги эътироф этилиши сабабли эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мulkни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини анлатади.

Савол

Мен иккى йил муқаддам “Spark” русумли автомашина сотиб олган эдим. Сотувчи шартномани расмийлаштириш вақтида хотини йўқлиги ҳақидаги маълумотномани нотариал идорага тақдим этган эди.

Лекин ҳозир маълум бўлишича, сотувчи хотини билан уч йил муқаддам ажрашган бўлиб, никоҳнинг бекор қилиниши хотиннинг манзили бўйича амалга оширилганлиги сабабли, сотувчи рўйхатда турган манзил бўйича бундай маълумот бўлмаган.

Хозирда сотувчининг хотини автомашинанинг ўзининг розилигисиз сотилганлигини айтиб, суд орқали қайтариб олмоқчи.

Менинг бу ҳолатдан хабарим бўлмаган-ку, қандай ўйл тутсам бўлади?

Жавоб

Оила қонунчилигига кўра, битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлиб бир йил давомида



бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

Сиз маълум қилган ҳолатга кўра битимнинг тузилганига икки йил бўлган.

Фуқаролик кодекси қоидаларига кўра, даъво муддатининг ўтиши арз қилинган талабни рад қилишга асос бўлади.

Агарда судга ушбу битимни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан ариза берилган тақдирда, Сиз даъво муддатини қўллашни сўрашингиз лозим.

Уй-жойни тасарруф қилишга оид шартномани нотариал расмийлаштиришда қонун талабларидан келиб чиқсан ҳолда эр (хотин)нинг умумий биргалиқдаги мулки бўлган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тузиш учун хотин (эр)нинг нотариус ёки консуллик муассасалари консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ёзма розилиги олинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 30 мартағи 64-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома 59-бандининг 1-қисмига кўра уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказаётган фуқаро эри ёки хотини йўқлиги (бева эканлиги ёки бўйдоқ) ҳақида ёзма ариза тақдим этганда, нотариус битимнинг иккинчи тарафини бу ҳақда танишитиради. У эса бу ҳол унга маълум эканлигини тасдиқлаб, аризага фамилияси, исми, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди. Ушбу ҳолатни аниқлаш учун нотариусга фуқаронинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд булар ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар асос бўлади. Ушбу ариза уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказаётган фуқаронинг шахсан ўзи томонидан берилади, битим вакил орқали тузилган тақдирда эса у томонидан ишончнома берувчининг эри ёки хотини йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда вакилдан бундай ариза олинади.

Изоҳ ўрнида қайд ётиши лозимки, никоҳ даврида сотиб олинган мулкларнинг биргалиқдаги умумий мулк эканлиги фақат сотиб олинган, якка тартибда қурилиб, эгалик ҳуқуқи вужудга келган кўчмас мулкларга нисбатан тааллуқли бўлиб, эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишили бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади ҳамда бундай асосларга кўра тегишили бўлган мулкни, хусусан, уй-жойни сотиб олишида ўз номига расмийлаштирилмаган эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Уй-жойга нисбатан умумий мулк ҳуқуқи вужудга келишининг фуқаролик муомаласида кўп учрайдиган навбатдаги тури хусусийлаштирилган уй-жойларга нисбатан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасининг 4-қисмига кўра хусусийлаштирилган турар жой эгасининг оила аъзолари ҳамда турар жой майдонига ҳақли бўлиб, уни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар шу турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар, хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган уй-жойларга нисбатан умумий мулк ҳуқуқининг эътироф этилиши ҳамда бундай мақомдаги уйларнинг тасарруф этилиши масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида" 1997 йил 2 майдаги 3-сонли қарорида шарҳланган ҳолда ёритилиб, амалиётда хусусийлаштирилган уй-жойлар билан боғлиқ юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга оид раҳбарий кўрсатмалар келтирилган.

Мазкур Пленум қарорининг 16-бандига кўра хусусийлаштирилган турар жойда уни хусусийлаштирилишига розилик берган уй эгасининг бошқа оила аъзолари яшаётган бўлсалар, уларнинг ҳаммаси шу турар жойнинг эгаси ҳисобланадилар, эгаллаб келинаётган турар жой эса хусусийлаштириш натижасида умумий мулкка айланади.

Ижарабчи билан бирга яшаётган ва унинг оила аъзоси ёки собиқ оила аъзоси бўлиб ҳисобланган вояга етмаган шахслар ижарага олиш шартномасидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланишлари сабабли улар эгаллаб турган турар жойлари хусусийлаштирилган тақдирда вояга етган фойдаланувчилар билан тенг равишда шу турар жойга нисбатан умумий эгалик ҳуқуқига эга бўладилар.

Турар жой оила аъзоларининг бири томонидан бепул хусусийлаштирилган тақдирда ҳам юқорида кўрсатилган шахслар шу асосларга кўра умумий мулкнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиб қоладилар.

Шу сабабли хусусийлаштирилган уй-жойларга оид шартномавий муносабатларга киришишда хусусийлаштириш ҳақидаги давлат ордери бир шахс номига берилган бўлсада, мазкур уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш лозим.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисидаги маълумотномани, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан хусусийлаштириш вақтида вояга етмаганлиги сабабли розилик бермаган бўлсада, ушбу уйда



яшаган ва вояга етиши билан ушбу уйнинг тенг хуқуқли мулқорига айланган шахслар бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани ёки уй дафтарини (нусхасини) олиш йўли билан аниқланади.

Хусусийлаштиришда иштирок этган барча шахслар (шу жумладан, хусусийлаштириш вақтида уй-жойда рўйхатда бўлган ва вояга етиши билан умумий эгалик хуқуқига эга бўлганлар) мазкур уй-жойнинг умумий мулқдори ҳисобланиши сабабли, бундай мақомдаги уй-жойларга нисбатан шартномалар ушбу шахсларни барчасининг нотариус ёки консуллик муассасалари консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ёзма розилиги асосидагина амалга оширилади.

Бундай талабга риоя қилмасдан, яъни хусусийлаштирилган уй-жойга нисбатан умумий мулк хуқуқига эга бўлган шахснинг (шундай шахслардан бирининг) розилигисиз амалга оширилган битим мазкур битимни тузиш оқибатида хуқуқи бузилган шахснинг аризасига асосан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Изоҳ ўрнида қайд этиши лозимки, уй-жой никоҳ даврида хусусийлаштирилган бўлсада, мазкур уй-жойга нисбатан умумий мулк хуқуқи оила қонунчилиги мезонлари асосида эмас, «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириши тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида вужудга келади. Шу сабабли эр (хотин) хусусийлаштирилган уй-жойни никоҳ даврида олинганлиги важи билан умумий мулк деб даъво қилишига ҳақли эмаслар ва бундай талаб асосида фақат хусусийлаштириш вақтида мазкур уй-жойда яшаган ва рўйхатда турган тақдирдагина даъво қилишига ҳақлидир.

Хусусийлаштирилган уй-жойларда умумий мулк хуқуқига эга шахсларнинг барчаси ҳам ушбу мулкка эгалик хуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилмаслиги ("кўринмас" бўлганлиги) сабабли, бундай мулқдорлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ушбу тоифадаги уй-жойлар юзасидан битимларни тузишнинг эътиборли ҳолатини алоҳида ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

СУД АМАЛИЁТИ

Кўлланниш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиши ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Судга даъвогар Т.Машарипов жавобгарлар К.Машарипова, У.Пулатова ва нотариал идорага нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, хонадоннинг ½ қисмига эгалик хуқуқини белгилаш ҳамда уйга киритиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўз даъво талабларига асос сифатида у 1986 йилдан низоли хонадонда оила аъзолари (хотини ва икки нафар фарзандлари) билан бирга яшаганлигини, хонадоннинг 1993 йил 28 апрелдаги хусусийлаштирилишида иштирок этиб, ўз розилигини берганлигини, 2002 йилдан оила аъзоларидан алоҳида тарзда бошқа манзилда

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

яшаганлигини, бироқ хотинидан низоли хонадонни бошқа иккита хонадонга алмаштириш чорасини күришни сұраганлигини, 2007 йилда жавобгар У.Пулатова паспорт тизими бўйича ходим бўлиб ишлагани ҳолда низоли уйда фақат К.Машарипова яшашили ҳақида маълумотнома берганлигини ва ушбу маълумотнома асосида низоли хонадонни сотиб юборганлигини, шу тарзда у хусусийлаштирилган хонадондаги ўз улушидан маҳрум бўлганлигини, У.Пулатова ҳужжатларни сохталаштирганлик учун жиноий жавобгарликка тортилганлигини, ҳозирда пенсия ёшида уй-жойсиз қолганлигини маълум қилиб, даъво талабарини қаноатлантиришни сўраган.

Иш ҳужжатларида мавжуд Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақебатни ривожланириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги "Уй-жойларга маълумотномалар бериш маркази" томонидан берилган маълумотномада низоли хонадонни хусусийлаштиришда Т.Машарипов ва К.Машариповалар иштирок этганликлари кўрсатилган.

Низоли хонадон 2007 йил 15 июнда фуқаро Ш.Умаровга олди-сотди шартномасига асосан ўтказилган бўлиб, шартномани расмийлаштиришда хусусийлаштириш иштирокчиси бўлган даъвогар Т.Машариповнинг розилиги олинмаган.

Оқибатда 2008 йил 3 февралда Т.Машарипов судга олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган бўлиб, суднинг 2008 йил 26 мартағи ажрими билан ариза кўрмасдан қолдирилган.

Шундан кейин Т.Машарипов судга даъво билан мурожаат қилмаган ва низоли хонадон юзасидан эътиrozларини маълум қилмаган, судга такроран фақат 2017 йил апрель ойида мурожаат қилган.

Суд муҳокамаси жараёнида низоли хонадоннинг ҳозирги мулқдори бўлган Ш.Умаров даъво муддатини қўллаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида" ги қарори 5-бандининг 1-қисмига кўра, башарти қонун ёки мажбуриятларнинг айрим турларини тартибга солувчи ФК нормаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар бўйича умумий даъво муддати – уч йил.

Фуқаролик кодекси 153-моддасининг 3-қисмига кўра, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Ушбу Кодекс 154-моддасининг 1-қисмига кўра даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Суд томонидан даъвогар Т.Машарипов ўз ҳуқуқларининг бузилганлигини низоли битим амалга оширилган вақтда билганлиги ва судга мурожаат қилганлиги, лекин суд қарори қабул қилинмасдан, ариза кўрмасдан қолдирилганлиги аниқланган.

Суднинг ҳал қилюв қарори билан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, хонадоннинг $\frac{1}{2}$ қисмига эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳамда уйга киритиш ҳақида даъво талабарини қаноатлантириш рад қилинган.

ШАРХ: Суд томонидан даъво талабарини қаноатлантиришини рад қилиш учун даъво муддатининг ўтганлиги асос бўлган.



Даъво муддати институтининг ўзига хос томони шундаки, агарда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун қонунда белгиланган муддат ўтказиб юборилган бўлса, даъво талабарининг асосли ёки асоссиз эканлиги масаласи аҳамиятсиз бўлади.

Мазкур иш бўйича ҳақиқатдан ҳам низоли шартномани тузисида хусусийлаштириши иштирокчиси бўлган шахснинг розилиги олинмасдан, унинг хусусийлаштириши улуши тасаррuf этиб юборилган бўлсада ҳамда бу ҳақда ҳуқуқи бузилган шахсга маълум бўлсада, у ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мақсадида судга қонунда белгиланган муддатда мурожаат қилмаган.

Бундай ҳолатда, агарда низодаги тараф даъво муддатини қўллаш тўғрисида ариза билан мурожаат қиласа, даъво талаблари асосли эканлигидан қатъий назар, суд даъвони рад қилиши лозим бўлади.

Суд даъво муддатининг ўтиши даъвогарга маълум бўлганлиги ҳамда манфаатдор шахс – ўй-жойнинг ҳозирги мулкдори даъво муддатини қўллаши ҳақида ариза билан мурожаат қилганлигига асосланиб, даъво талабларини рад қилган.

Ўй-жойнинг умумий мулк ҳуқуқи асосида икки ёки ундан ортиқ шахсларга тегишли бўлишининг навбатдаги кўп учрайдиган тоифаси меросни эгаллаш асосида тегишли бўлган ўй-жойлардир. Лекин юқорида келтирилган тоифадаги умумий мулк ҳуқуқи асосидаги ўй-жойлардан фарқли равишда, бир нечта меросхўрларга тегишли бўлган ўй-жойларнинг кадастрга оид ҳужжатларида барча мулкдорларга оид маълумотлар мавжуд бўлади, ушбу ҳужжатларнинг "кўчмас мулк эгаси" деб белгиланган графасида ўй-жойни мерос ҳуқуқига асосан қабул қилиб олган барча меросхўрлар кўрсатилади. Яъни мазкур ўй-жойларга нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга шахсларнинг улушлари ўйнинг кадастрга оид ҳужжатларида белгиланган бўлади.

Умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулкдорларнинг улушлари тақсимланган ўй-жойларга оид шартномавий муносабатларга киришилганда, бундай уйларни тасаррuf қилишда умумий мулк ҳуқуқига эга шахсларнинг битим юзасидан розилик аризаси олинмайди.

Умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг барчаси мазкур мулкка нисбатан амалга ошириладиган шартноманинг тарафлари сифатида иштирок этадилар ва шартномага нисбатан ўз розиликларини алоҳида ариза орқали эмас, бевосита шартномани тараф сифатида имзолаган ҳолда тасдиқлайдилар.

Мазкур қоида бошқа асосларга кўра ҳам умумий мулк ҳуқуқига кўра тегишли бўлган ва иштирокчиларнинг улушлари белгиланган ўй-жойларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

!

Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиши хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади.

Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ шартномавий муносабатларга киришишнинг энг муҳим шартларидан бири бундай ҳуқуқий муносабатларнинг фақатгина тасарруф этилаётган мулкнинг эгаси – мулқдори ёки у тегишли тартибда ваколат берган шахс билан амалга оширилиши бўлиб, қонуннинг мазкур қатъий талабига риоя қиласаслик битимнинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Шу сабабли, тасарруф этилаётган мулкнинг ҳуқуқий мулқдорини, шунингдек, мазкур мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини тўлиқ аниқлаш ва шартномавий муносабатларни умумий мулк ҳуқуқига эга барча мулқдорларнинг хоҳиш-иродасига кўра ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тегишли тартибда расмийлаштирган ҳолда (шаҳодатлантирилган розилик аризасини олиш ёки шартномада бевосита тараф сифатида иштирок этиш орқали) амалга ошириш қонун талабларига мос бўлиш билан бирга, келгусида битим иштирокчилари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни бартараф қиласи.

Кўчмас мулкларга нисбатан битимларни тузишнинг қонунда белгиланган талаблари (шартлари) аввало, ушбу битимлар иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадини кўзлаган бўлиб, мазкур талаблар қўйидагиларда ифоданади.

Битимни ёзма равишида тузиши.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг ёзма равишида тузилиши қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиб, фуқаролик қонунчилиги уй-жойга оид шартномаларнинг фақат ёзма шаклда тузилган турини эътироф этади. Бошقا ҳар қандай шаклда тузилган битимлар олди-сотди шартномаси сифатида тан олинмайди ва фуқаролик қонунчилигига ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди.

Битимни нотариал расмийлаштириши.

Фуқаролик қонунчилигига кўра қўйидаги ҳолларда битимлар нотариал тасдиқланиши шарт:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Фуқаролик кодекси 488-моддасининг 2-қисмига кўра уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.



Қонунга күра битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Яъни уйжой олди-сотдиси билан боғлиқ шартномаларнинг нотариал тартибда расмийлаштирилиши шарт эканлиги қонуннинг қатъий талаби бўлиб, унга риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Савол

2016 йилда ўзим яшаб келаётган хонадонни Йўлдош исмли фуқародан етмиши беш миллион сўмга сотиб олганман, лекин ўша вақтда паспортим йўқолганлиги учун, қолаверса, уйни сотган шахсга ишонганим учун олди-сотди шартномасини нотариал расмийлаштирумаган эдик.

Менинг ушбу уйни сотиб олганлигимни қўни-кўшиналар ва бошқа гувоҳлар тасдиқладилар. Эҳтиёт юзасидан ўзаро келишувимизни телефонга аудиоёзув шаклида ёзиб олган эдим.

Айни пайтда Йўлдош уйни менга расмийлаштириб берисидан бош тортмоқда суд битимни ҳақиқий деб топиши мумкинми?

Жавоб

Ушбу хонадон юзасидан уни олди-сотди шартномасига асосан расмийлаштириш бўйича низо келиб чиқсан тақдирда, Сиз фуқаролик қонунчилиги талабларига кўра ушбу битимнинг тузилганлигини тасдиқлай олмайсиз.

Қонунда уй-жойга оид шартномаларнинг ёзма равишда тузилиши шартлиги белгланган бўлиб, ушбу қоидага риоя қилмаслик тарафлар келишувининг фуқаролик ҳуқуқи жиҳатидан аҳамиятга эга бўлмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаролик қонунчилигига кўра, ёзма равишда тузилиши лозим бўлган битим бўйича бундай шартга риоя қилинмагандა, ушбу битимнинг ҳақиқатда тузилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан, шунингдек, аудиоёзув билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиши.

Фуқаролик кодекси 185-моддасининг 2-қисмига кўра, агар мол-мulkни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мulkни оловчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганида эса – рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун талаби бўлиб, уй-жойни эгалловчидаги мулк ҳуқуқи нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганидан кейин эмас, шартнома давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Күчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқларини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоялаш, кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш, белгиланган тартибда улар билан боғлиқ битимларни амалга ошириш мақсадида амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш – юридик ва жисмоний шахсларнинг, жумладан битимлар асосида юзага келадиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келганлигини, бошқа шахсга ўтганлигини, чекланишини (юкланишини), бекор бўлишини тан оладиган ҳамда тасдиқлайдиган ҳуқуқий ҳаракат бўлиб, у "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан амалга оширилади.

2.2.2. УЙ-ЖОЙНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА БИТИМЛАРНИ ТУЗИШ ВА ТАСДИҚЛАШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномаси шаклининг ёзма эканлиги ва нотариал тарзда тасдиqlаниши мажбурий ва қатъий тусга эга. Бироқ мазкур талаблар уй-жойга оид шартномаларни тузишнинг умумий хусусият касб этувчи талаблари бўлиб, ёзма равишда тузиладиган шартнома мазмуни ҳам қатор талабларга жавоб бериши лозим. Бундай шартлар мазмуни тўлиқ ва тўғри тузилган шартномани нотариал тасдиқлашга нисбатан ҳам белгиланган.



Уй-жой олди-сотди шартномасининг мазмунини (матни)га қўйила-диган талаблар.

Уй-жой олди-сотди шартномасида тарафларнинг амалга оширилаётган битим юзасидан ҳуқуқ ва бурчларининг, шартнома шартларининг, шартнома предмети бўлган уй-жойнинг тавсифига оид маълумотларнинг ва бошқа аҳамиятли ҳолатларнинг аниқ ва тушунарли, тўғри ва тўлиқ кўрсатилиши шартноманинг қонунийлигини, унинг бажарилишини, низоли ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш ва бундай ҳолатлар келиб чиқсан тақдирда



ҳуқуқлари бузилган тарафнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда зарурий аҳамият касб этади.

Қонунчилиқда шартномада кўрсатилиши шарт бўлган маълумотларнинг назарда тутилмаслиги оқибатлари белгиланган бўлиб, бунга риоя қилмаслик шартноманинг юридик аҳамиятини кескин ўзgartиради.

Фуқаролик кодексининг 484-моддасига кўра кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб оловчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Уй-жой олди-сотди шартномаси мазмуни (матни)да қуидагилар ўз ифодасини топган бўлиши керак:

Шартнома номи

Шартнома тузилаётган жой ва вақт

Шартнома тарафлари (иштирокчилар)га оид маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт маълумотлари)

Шартнома предмети бўлган (сотилаётган) уй-жойнинг тавсифига оид маълумотлар (уй-жойнинг манзили, қурилиш майдони, яшаш ва кўшимча фойдаланиш хоналари сони, ер участкасининг майдони)

Уй-жойнинг уни сотаётган шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини эътироф этувчи маълумотлар

Тарафлар амалга ошираётган шартноманинг турини (яъни, уй-жойнинг олди-сотдиси) аниқ ва тушунарли ифодаловчи келишув

Уй-жой фойдаланувчиларининг (рўйхатда турган шахсларнинг) келгусидаги ҳуқуқий ҳолати юзасидан келишув

Шартноманинг тарафлар келишган баҳоси

Тўловларни амалга ошириш тартиби ва муддатига оид шартлар

Шартнома тузиш вақтида тўловлар тўлиқ ёки қисман амалга оширилган тақдирда, бу ҳақдаги маълумотлар

Уй-жойни сотиб оловчига топшириш муддати

Шартнома тарафларининг имзоси

Шартномада бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, шартнома эса тузилмаган ҳисобланади.

НАМУНА

ШАРТНОМА (уй-жой олди-сотдиси)

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани. Иккى минг ўн еттинчидан йил ўнинчи июн.
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-даҳа, 1-йуда жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани
1-сонли давлат нотариал ибораси нотариуси Эргашев Валишер Алишерович

Биз, қўйида имзо қўювчилар: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси
1-йй, 111-хонаёнга прописка қилинган 01.12.1955 йилда туғилган **IMANOV NAZIR NOSIROVICH** /паспорт AA 0000011 Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ томонидан
28.05.2014 йилда берилган, СТИР (ИНН) 406255877/ кейинчалик шартномадаги «Сотувчи»
ва Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 19-мавзе 52-йй, 5-хонаёнга прописка қилинган
27.01.1991 йилда туғилган **FAZLIIDDINOV FARHOD TOHIROVICH** /паспорт AA 0000012
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 14.06.2013 йилда берилган, СТИР
(ИНН) 481704457/ кейинчалик шартномадаги «Олувчи» билан қўйидагилар ҳақида ушбу
шартномани туздик:

1. Мен, «Сотувчи» **IMANOV NAZIR NOSIROVICH** ўзимга тегишли бўлган Тошкент
шаҳар Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 1-йй, 111-хонадонни «Олувчи»га соддим, мен
«Олувчи» **FAZLIIDDINOV FARHOD TOHIROVICH** эса, ушбу хонаённи сотиб олдим.

2. Сотилаётган хонаён 25,30 (йигирма беш бутун юздан ўтиз) кв.метрли умумий
фойдаланиш майдони, шундан 14,57 (ўн тўрт бутун юздан эллик етти) кв.метрли яшаш
майдони, 1 /битта/ яшаш хонаси, айвон, даҳлиз, оҳонча ва ҳожатхонадан иборат
бўлиб, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман
бўлименинг 03.06.2017 йилда берилган № 2905-сонли маълумотномасида кўрсатилган.

3. Сотилаётган квартира – **IMANOV NAZIR NOSIROVICH**га Тошкент шаҳар
ҳокимининг Коммунал мулкчилик каҳи сийлаштириш бошқармасининг 1993 йил
10 февралдаги № 08-01/20679-сонли давлат далолатномасига асосан тегишли, Тошкент
шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлими томонидан
27.06.1994 йилда 51-сонли китобининг 515-бетида қайд қилинган.

4. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман
бўлими маълумотномаси бўйича ушбу квартиранинг инвентар баҳоси – 1 752 767 сўм.

5. Ушбу хонаён тарафлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси
356-моддасининг 1-қисмига асосан ўзаро келишувга асосан 50 000 000 (эллик миллион)
сўмга баҳоланди ва ушбу суммани мен «Сотувчи» - шартномани имзолаш арафасида
«Олувчи»дан тўлиқ олдим ва ҳеч қандай эътиrozим йўқ.

6. Ушбу шартноманинг муҳим шартларидан бири – бу иккала томон ўртасидаги нарх
келишувидир, агарда ушбу квартиранинг ҳақиқий нархи томонлар ўртасида яширилган
тақдирида, кейинчалик шартнома юзасидан низо келиб чиқса, нотариус ҳеч қандай
масъулиятни ўз бўйинга олмаслиги ҳақида томонларга тушунтирилди.

7. Мен, «Олувчи» сотиб оләётган хонаённи ўзим бориб кўрдим ва унинг ҳолати
юзасидан ҳеч қандай эътиrozим йўқ.

8. Мен, «Сотувчи» **IMANOV NAZIR NOSIROVICH** шартномада кўрсатилган хонаён
юзасидан даъво қуловчилар йўқлигини ҳамда коммунал хизматлар ва телефон тармоғи,
абонент тўловлари, ҳалқаро ва шаҳарлараро сўзлашув, иссиқ ва совуқ сув, табиий газ,
электр энергияси ҳамда бошқа тўловлар юзасидан қарзлари йўқлигини билдираман.
Мазкур тўловлар бўйича қарзлар бўлса, мен «Олувчи» **FAZLIIDDINOV FARHOD
TOHIROVICH** уларни тўлашни ўз зиммамга оламан.

9. «Олувчи» хонаённинг таъмирланишини, унинг эксплуатациясини ҳамда
хонаённинг техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар бўйича ишларни
бажаришини ўз зиммасига олади.

10. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23, 24-моддаларига асосан
«Сотувчи»нинг хонаённи сотишига даъво қуловчи хотини йўқлиги ҳақидаги аризаси
олинди ва «Олувчи» ушбу ариза билан таништирилди.



11. Ушбу шартномага қадар хонадон хеч кимга сотилмаган, гаровга қўйилмаган, бирорга ўтказилиши тақиқланмаган ва низода бўлмаганлиги аниқланди.

12. Шартномани тузиш учун кетган харажатларни мен, «Олувчи» тўладим.

14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 488-моддаси, Уй-жой кодексининг 32-моддасига ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани "НАЙОТ-КОММУНАЛЧИ" ХУЖМШ томонидан 04.06.2017 йилда берилган 447-сонли мәълумотномага асосан ушбу сотилаётган хонадонда доимий пропискада хонадон эгаси 01.12.1955 йилда туғилган IMANOV NAZIR NOSIROVICH туради. У хонадон олди-сотди шартномаси тузилаган кундан бошлаб бир ой муддат ичида хонадонни бўшатиб бериш ва доимий пропискадан ўчиш мажбуриятини олади.

15. Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113-124-моддалари мазмуни бизга нотариус томонидан тушунтирилди.

16. Ушбу шартнома беш нусхада тузила ва ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга ега. Шартноманинг бир нусхаси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идорасида сақланади ва иккинчи нусхаси "Сотувчи"га, учинчи нусхаси «Олувчи»га берилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига асосан Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимида рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб «Олувчи»да мулк ҳуқуки вужудга келади.

Ушбу шартнома матни нотариус томонидан тарафларга ўқиб эшилтирилди, мазмун-моҳияти тушунарли ва у бизнинг мақсадимизга мос келади.

Нотариусга тақдим этилган маълумотномаларнинг ҳақиқийлиги учун "Сотувчи" жавобгар ва маъсулдир.

Имзолар:

1.

2.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани.

Икки минг ўн еттинчى йил ўнинчى июнь.

Ушбу шартномани, мен, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-дача 1-йда жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Эргашев Валишер Алишерович, томонларнинг эрки-иродасига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани тарафлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Уларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлиларни текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида томонларнинг муомалага лаёқатлиларни шубҳа туғдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада томонларнинг муомалага лаёқатлизиларни ҳақида хеч қандай маълумотлар ийк.

Шунингдек, сотилаётган хонадонни IMANOV NAZIR NOSIROVICHга тегишилиги текширилди.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185 ва 481, 488-моддаларига асосан Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимида қайд қилиниши лозим.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига №_____ рақами билан қайд этилди.

21 823 (йигирма бир минг саккиз юз йигирма уч) сўм миқдорида давлат божи ва 14977,50 (ўн тўрт минг тўйқуз юз еттиши етти сўм эллик тиийн) миқдорида тақиекширилганлиги учун тўйлов ундирилди.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани

1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

В.В.ЭРГАШЕВ

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Үй-жойни олди-сотди шартномасига асосан әгаллашда шартномани ёзма равиша тузишдан кейинги босқич, унинг нотариал тасдиқланиши бўлиб, "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг З-бобига кўра у қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- үй-жойни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимлар мулк жойлашган худуддаги нотариал идорада тасдиқланади;
- мазкур битимларни нотариал тасдиқлаш жараёни уларда иштирок этаётган фуқароларнинг шахсини, муомала лаёқатини белгиланган тартибда аниқлашдан, юридик шахсларнинг эса ҳуқуқ лаёқатини текширишдан бошланади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда унинг ваколати ҳам текширилади;
- нотариус томонидан фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан шахсий мuloқot давомида аниқланади;
- шундан сўнг нотариус томонидан ушбу үй-жойнинг мулқдорга тегишлилиги ҳолати текширилади.

Үй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар

Умрбод таъминлаш шарти билан үй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга бериш, олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартнома

Үй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга рента тўлови шарти билан ўтказилиши назарда тутилган нотариал тасдиқланган рента шартномаси

Үй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми аукционда сотиб олинганлигини тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома

Үй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида гувоҳнома

Тугатилаётган юридик шахсга тегишли бўлган бино ва иншоотни унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш (бўлиш) тўғрисидаги нотариал тасдиқланган келишув

Суднинг қарори (ҳал қилув қарори, ажрим ва бошқалар) ёки суд ижрочисининг қарори ёхуд суд ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг курилиши тугалланган бинони, иншоотни, уйни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳнома

Үй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлинганлиги тўғрисидаги битим

Нотариал тасдиқланган лизинг шартномаси

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома

Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳужжатлар



Йўриқноманинг 53²-бандига кўра уй-жойни олди-сотди шартномасига асосан бошқа шахсга ўтказишида мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга қўйидаги ҳужжатлар ҳам тақдим этилади:

- хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати аъзолари томонидан умумий ҳаражатларни қоплаш учун тўланадиган мажбурий бадаллар, телефон алоқаси хизмати учун тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар;
- коммунал хизматлар (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар) ва электр энергияси учун тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (жисмоний шахсларга тегишли уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми учун);
- уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ўзгартирилганда, қайта қурилганда ёки бузилганда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бу ҳақдаги қарори;
- бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дараҳтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганилиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома;
- уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги.

Агарда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномасида кўрсатилган ер участкасининг ёки уй, квартира, уйнинг ёки квартирани бир қисмининг ҳақиқий майдони мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилганидан кўп бўлса, шунингдек уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг мулқдори устки қаватни курган, қўшимча иморат қурган ёки яшаш хонаси бўлмаган қисмини қайта таъмирлаб, яшаш хонасига ўзгартирган бўлса ёки бошқача тарзда ўзгартирган бўлса, нотариус туман (шаҳар) ҳокимининг бу ўзаришлар тўғрисидаги қарори ва уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини тақдим этишини талаб қиласи.

Йўриқноманинг 54-бандига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг бундай қарори бўлмаганда, ер участкасининг майдони ёки уй, квартира, уйнинг ёки

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

квартиранинг бир қисмининг майдони мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат бўйича кўрсатилади.

Савол

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олган эдим. Қурилиши ишларининг 50 фоиздан кўпроғини бажардим. Ҳозирда қурилиши ишларини якунлаш имконим йўқ ва уни сотишга зарурат юзага келган.

Қурилиши ишлари тамомланмаган бўлсада, мен ҳали тўлиқ қуриб битказилмаган уйни сотаманми?

Жавоб

Қурилиши тамомланмаган уйни ҳам сотишингиз мумкин.

Бунинг учун қуриб битказилмаган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат бериси тўғрисидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорини олишингиз керак.

Уибу қарор асосида умумий асосларда уй-жойнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштирасиз.

Фуқаролик қонунчилигига уй-жой бўйича тўлов мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман кейинчалик, яъни битимда кўрсатилган маълум муддатда амалга ошириш шарти билан бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқи ҳам назарда тутилган бўлиб, бундай ҳолатда мажбуриятнинг келгусида бажарилишини таъминлаш мақсадида, нотариус томонидан тарафлар ўртасидаги тўлов ва бошқа мажбуриятлар амалга оширилгунга қадар битимда кўрсатилган муддатга уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўйилади.

Уй-жой олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда аникланиши лозим бўлган аҳамиятли ҳолатлардан бири шартнома предмети бўлган мулк (уй-жой)-нинг бошқа мажбуриятлар билан боғланмаганлигини билишdir.

Зеро, шартнома предмети бўлган уй-жой бошқа мажбуриятлар билан боғланган бўлса, хусусан, гаровга қўйилган, фуқаролик ёки жиноят иши қўрилиши муносабати билан хатланган бўлса, шартномани нотариал тасдиқлаш мумкин эмас.

Бу ҳолат "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси, уй-жойларга қўйилган тақиққа оид нотариал идораларнинг маълумотлар тизими орқали текширилади.

Тақиқ ва хатлов мавжуд бўлган уй ёки квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тақиқ ва хатлов олиб ташлангандан кейин тасдиқланади.

Уй-жойни эгаллаш билан боғлиқ шартномаларни тузиш ҳамда нотариал тасдиқлашда юқоридаги талаблар кенг қамровли бўлсада, умумий тусда



бўлиб, шартнома иштирокчиларининг мақомидан (юридик шахс, вояга етмаган ёки муомалага лаёкатсиз шахс) ва уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг асосидан (умумий мулк ҳуқуқига кўра тегишли, хусусийлаштирилган, қурилиши тамомланмаган уй-жой) келиб чиқсан ҳолда қўшимча талаблар ҳам белгиланади.

Қўйида уй-жойнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда фуқаролик муомаласида кенг учрайдиган ҳолатлар бўйича бундай битимларни тузишнинг қўшимча хусусиятлари келтирилган.

Юридик шахслар уй-жойларнинг мулқдори сифатида шартномавий муносабатларга киришганда ушбу шартномаларнинг қонунийлигини эътироф этувчи ўзига хос талаблар ва шартлар мавжуддир. Бундай талаблар юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Қонунга мувофиқ, юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёкатига эга бўлади. Яъни юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари уни фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари қўйидагилардир:

- устав;
- таъсис шартномаси.

Юридик шахснинг устави унинг фуқаролик муомаласидаги ҳуқуқий ҳолати ва ўз иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилайди.

Уставда юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси юридик шахснинг вужудга келиши ва фаолиятини амалга оширишида муассисларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи келишув шартномасидир.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргалиқда фаолият кўрсатиш, юридик шахс фаолиятини бошқариш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдilar.

Юридик шахслар мулкий муносабатларга, хусусан, уй-жойларнинг мулқдори сифатида шартномавий муносабатларга киришгандаги ўзига хос хусусиятлар таъсис ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланади. Шу сабабли юридик шахсларга тегишли бўлган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлаш пайтида нотариус томонидан уй-жойга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бир қаторда юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ҳам талаб қилинади.

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари у томонидан тасарруф этилаётган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга ошириш ваколатларини белгилайди, барча мулқорлар таркибини аниқлаш, уларнинг тегишли тартибда шартнома юзасидан хабардорлиги ва розилиги олингандигини текшириш имконини беради.

Зеро, шартноманинг юридик шахси ҳуқуқ лаёқати доирасида тузилиши унинг қонунийлигининг кафолати ҳисобланади.

Юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишига лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Фуқаролик кодекси 45-моддасининг 1-қисмига кўра, юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади.

Мазкур талаблардан келиб чиқсан ҳолда уй-жойларга оид шартномаларни расмийлаштиришда юридик шахс ваколатли органининг тегишли қарори (умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо) ҳам талаб этилади.

Агар жамиятнинг уставида йирик битимларнинг анча катта миқдори назарда туттилган бўлмаса, бундай битимларни тузиши тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мulkни қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мulkни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқарииши ёки жамият бевосита ёхуд билөвосита мол-мulkни тасарруфидан чиқарииши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади.

Йирик битимни тузиши тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Ушбу моддада назарда туттилган талаблар бузилган ҳолда тузилган йирик битим жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Фуқаролик муомаласида бундай шартномалар одатда юридик шахснинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилувчи яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) томонидан тузилади. Шу сабабли шартномаларни расмийлаштиришда яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган (директор)-нинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (буйруқ) ҳам талаб этилади.

Агар шартнома юридик шахснинг вакили орқали амалга оширилса, нотариусга вакилга берилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳам тақдим этилади.



Юридик шахсларга тегишли бўлган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлаш пайтида нотариус томонидан юқоридагилардан, шунингдек жисмоний шахслар ўртасидаги ушбу мазмундаги шартномаларни расмийлаштиришда талаб этиладиганлардан ташқари қўйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;
- давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг қолдик баланс қиймати ҳақида юридик шахс раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзоси қўйилган маълумотнома;
- юридик шахснинг соф активлари ҳақида маълумот;
- тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини тасдиқловчи хужжат (квитанция, тўлов топшириқномаси, тўлов мажбурияти кечикирилган ҳоллар бундан мустасно).

Вояга етмаган шахсларга тегишли бўлган уй-жойларнинг олди-сотди шартномаларини тузишнинг хусусиятлари

Шартномаларни тузишдаги энг аҳамиятли ҳолатлардан бири бу шартнома иштирокчиларининг муомала лаёқати ҳисобланади. Уни аниқлаш шартномаларнинг қонунийлигини таъминлаб, низолар келиб чиқишининг олдини олади.

Қатор ҳолатларда шартномада тараф бўлиб уй-жойнинг мулқдори сифатида вояга етмаган шахс ҳам иштирок этади (уй-жойни мерос ёки ҳадя тариқасида олиш ва бошқа асослар).

Қонунда тўлик муомала лаёқатининг вужудга келиши ўн саккиз ёш этиб белгиланган бўлиб, тўла ҳажмда муомала лаёқатини олгунга қадар фуқароларнинг муомала лаёқати дарражаси қўйидаги икки турга бўлинади:

- ўн тўрт ёшга етмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати;
- ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати.

Муомала лаёқатининг дарражасига қараб шартномаларни тузища қонунда қатор талаблар ўрнатилган бўлиб, бундан аввало, шартномавий муносабатларга киришаётган ва бунинг аҳамияти ҳамда оқибатини ўз ёшига кўра тўлик англамайдиган шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсади кўзланган.

Ўн тўрт ёшга етмаган вояга етмаган шахсларга тегишли бўлган уй-жойларнинг олди-сотди шартномаларини тузши тартиби.

Ўн тўрт ёшга етмаган вояга етмаган шахслар ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган вояга етмаганлардан фарқли равишда ўзларига тегишли бўлган

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

үй-жойларға нисбатан уларни тасарруф этиш билан бөғлиқ шартномаларни ўzlари тұzmайдилар, улар шартноманинг тарафи сиfатида иштирок эта олмайдилар.

Зеро, ўн тұрт ёшта тұлмаган шахс томонидан тузилған битим ўз-ўзидан ҳақиқиý әмас деб ҳисобланади.

Қонунға мұвофик, ўн тұrт ёшта етмаган вояға етмаган шахсларнинг номидан шартномаларни фақат ота-онаси, фарзандлікка олуvчилари ёки васийлари тузиши мүмкін.

Оила қонунчилігига күра ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ вa мажбуриятларға әгадирлар. Шу сабабли, ўн тұrт ёшта тұlмаган вояға етмаган фарзандларига таалуқты битимларни тузища ота-оналардан бирининг әмас, ҳар иккисининг ҳам розилиги талаб қилинади.

Үn тұrт ёшта тұlмаган етим болалар вa ота-онасинанг қарамағыдан маҳрум бўлған болаларга нисбатан уларнинг мулкий вa шахсий номулкий ҳуқуқлари вa қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида васийлик белгиланади. Бундай болалар номидан шартномалар уларнинг васийлари томонидан тузилади.

Үй-жойни тасарруф этиш билан бөғлиқ шартномалар ўn тұrт ёшта тұlмаган шахснинг васийи томонидан тузилганда бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун қатъий равища васийлик va ҳомийлик органларининг рухсати талаб этилади.

Васийлікдаги ёки ҳомийлікдаги шахс номидан ишончнома берилған тақдирда ҳам васийлик vа ҳомийлик органининг рухсати талаб этилади.

Васий ёки ҳомий томонидан васийлик vа ҳомийлик органининг рухсатисиз васийлікдаги ёки ҳомийлікдаги шахс номидан шартнома тузилганилиgi факти аниқланғанда, васийлик vа ҳомийлик органы васийлікдаги ёки ҳомийлікдаги шахснинг манфаатларини кўзлаб зудлик билан судга мурожаат қилиши шарт бўлиб, қонуннинг юқоридаги талабига риоя қўлмаслик шартноманинг ҳақиқиý әмаслигига олиб келиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин әмас.

Шунингдек "Васийлик vа ҳомийлик түғрисида" ги Қонун 32-моддаси 1-қисмнинг 5-бандига күра васий vа ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўzlарига топширилған мол-мulkини асраб-авайлаши, мол-мulkнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон түғдирмаслиги шарт.

Мазкур Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби түғрисида" ги Йўриқнома 39-бандининг 3-қисмiga күра васийлікдаги шахс номидан ҳадя шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.



Бу қоидалар ота-оналар (фарзандликка олувчилар) томонидан ўзларининг вояга етмаган болаларига васийлик, ҳомийлик қилувчилар сифатида тузиладиган битимларга ҳам тегишилдири.

Ҳадя шартномасига кўра ашё (уй-жой) текинга мулк қилиб берилиши назарда тутилиши, бунинг оқибатида вояга етмаган болаларнинг мол-мулки йўқотилиши сабабли қонун ота-онанинг, васийнинг бундай битимни амалга ошириш ваколатини чеклади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларга тегишили бўлган уй-жойларнинг олди-сомди шартномаларини тузиш тартиби.

Қонунга кўра ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ўзларига тегишили бўлган уй-жойларга нисбатан уларни тасарруф этиш билан боғлиқ шартномаларни ўзлари тузади, яъни, бевосита шартноманинг иштироқчиси сифатида қатнашади.

Фақат бундай шартномаларнинг қонунийлигини эътироф этиш учун зарурий шарт белгиланган бўлиб, шартномалар юқоридаги шахсларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузилиши лозим. Бундай шартномаларни тузишда ота-онани ҳар иккисининг розилиги талаб қилинади.

Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги 2240-сонли Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатdir.

Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортига эга бўлишлари шарт. Яъни мазкур Низом талабларига кўра паспорт фуқароларга 16 ёшга тўлиши билан берилади.

Уй-жойга оид шартномаларни тузишда ўн тўрт ёшдан ошган, лекин ўн олти ёшга тўлмаганлиги сабабли паспорт олмаган фуқаролар иштирок этганда нотариус томонидан ушбу фуқароларнинг айнан ўзи иштирок этаётганлигини аниқлаш зарурати туғилади, зеро, фуқаронинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ушбу ҳолатни тўлиқ тасдиқлаш имконини бермайди.

Бунинг учун нотариус томонидан шартномада вояга етмаган шахс қатнашганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати томонидан ушбу вояга етмаган шахснинг расми елимлаб ёпиширилган маълумотнома талаб этилади. Ушбу маълумотномадаги

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

расм ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати муҳри билан тасдиқланади.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, бедарак йўқолган шахсларга тегишили бўлган уй-жойларга нисбатан олди-сотди шартномаларни тузишининг хусусиятлари

Фуқаролик қонунчилиги муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳам мулқдор бўла олиш ҳуқуқларини эътироф этади. Бундай шахсларнинг ўзлари муомалага лаёқатсиз деб топилгунига ёки муомала лаёқати чеклангунига қадар мулкни қўлга киритган бўлишлари мумкин ва уларнинг муомалага лаёқатсиз деб топилиши ёки муомала лаёқатининг чекланиши ушбу мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг тутатилишига олиб келмайди.

Ушбу мақомдаги шахслар муомалага лаёқатсиз деб топилганидан кейин ёки муомала лаёқати чекланганидан кейин ҳам қонунда назарда тутилган асосларга кўра мулкни қўлга киритишлари мумкин (мерос олиш).

Қонун бундай шахсларнинг мулқдор бўлиши ҳуқуқини эътироф этсада, лекин мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида ўз мулкини ўзлари томонидан тасарруф этиш ҳуқуқини истисно этади.

Зеро, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар ўз мулкига нисбатан тузилган шартномаларнинг аҳамияти ва оқибатларини англамайди, бундай шартномаларнинг ушбу шахсларнинг хоҳиш-иродасига мос эканлигини эътироф этиш ҳамда уларнинг зиммасига шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришни юклаш мумкин эмас.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Спиртли ичимликларни ёки гиёхванд воситаларни суиштеъмол қилиш оқибатида муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан ҳомийисининг розилигисиз тузилган битимни суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Уй-жойга оид шартномавий муносабатларга киришаётган ҳар икки тарафнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун:

- муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс номидан битимларни унинг васийи томонидан;
- муомала лаёқати чекланган шахслар эса ҳомийининг розилиги билан амалга оширилишини белгилайди.

Муомалага лаёқатсиз шахс номидан уни васийининг битимларни тузиши унинг мазкур муносабатларда мутлақ ҳуқуққа эга эканлигини англаатмайди.

Васиийликдаги шахс номидан ҳадя шартномаси тузишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги чекловлар муомалага лаёқатсиз шахс номидан уни васийининг битимларни тузишига нисбатан ҳам тадбиқ этилади.



Давлат ташкилотларига қарашли уй-жойларга оид олди-сотди шартномаларни тузиши

Амалдаги қонунчилликка мувофиқ, давлат мулкий муносабатларда мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида иштирок этади ҳамда ушбу жараёнда ўз тасарру-фидаги уй-жойларни фуқароларга сотади. "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 77-бандига кўра бундай шартномаларни тасдиқлашда нотариал идорага уй-жойларни расмийлаштиришда талаб қилинадиган умумий ҳужжатлардан ташқари:

- давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг розилиги;
- баҳоловчи ташкилотнинг ҳисботи тақдим этилади.

Қуриб битказилмаган уй-жойларга оид олди-сотди шартномаларни тузиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида"ги Низомга кўра уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳокимнинг қарори қабул қилинганидан, мазкур қарор «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин якка тартибда қурилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлади.

Уй-жойларга нисбатан уларни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимларни мулк ҳуқуқи вужудга келганидан кейин амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, қонунчилик қурилиши тамомланмаган уй-жойга нисбатан шартномаларни тузишни ҳам назарда тутади ҳамда бундай шартномаларни тасдиқлаш учун қуидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- қуриб битказилмаган уй ёки квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;
- уй ёки квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини ўзгартириш, қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;
- қурилиши тугалланган, аммо давлат комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинмаган обьектлар рўйхати;
- «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Қурилиши тугалланмаган уй-жойни сотиб олган шахс мазкур қурилмага нисбатан ишлаб чиқилған ва тасдиқланған лойиҳа бўйича қурилиш ишларини давом эттириши ва тамомлаши лозим. Қурилиши тугалланмаган уй-жойнинг шартномага асосан бошқа шахснинг эгалигига ўтиши қурилиш ишлари бўйича муқаддам тасдиқланған лойиҳадан четга чиқиш ҳуқуқини бермайди.

Агарда қурилиши тугалланмаган уй-жойни сотиб олган шахс унинг қурилишини муқаддам тасдиқланған лойиҳани ўзgartирған ҳолда давом эттиришни истаса, бунга қурилишнинг ўзgartирилған лойиҳаси туман (шаҳар) архитектори билан келишилған ҳолда қайта тасдиқлаганидан кейин йўл қўйилади.

Уй-жойнинг олди-сотди шартномаларини ишончномалар орқали расмийлаштириши

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг мунтазам равища ривожланиб бориши бундай муносабатларни амалга ошириш усулларини ҳамда иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳам такомиллаштириб боради.

Вакиллик шундай ривожланиш доирасида фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш имконини туғдириш орқали уларга қулатилклар яратиш ва уларнинг фаоллигини таъминлашга қаратилған мұхым ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Вакиллик деб бир шахснинг иккинчи шахс номидан юридик ҳаракатларни амалга оширишига айтилади.

Вакилликнинг моҳияти шундаки, бунга асосланиб тузилған битимлар фақат ваколат берувчи учунгина муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни туғдиради, ўзgartирали ва бекор қиласи. Вакилнинг ўзи эса битимлар юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар олмайди.

Фуқаролик муомаласида вакилликнинг энг кенг тарқалған тури уни ишончномага асосан амалга оширишdir.

Уй-жой олди-сотди шартномаларини ишончномага асосан ҳар икки тараф (сотувчи ёки сотиб оловучи) манфаатларида амалга ошириш кенг тарқалған амалиёт бўлиб, битимларни бундай тарзда амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Ишончноманинг шакли. Қонунга кўра уй-жой олди-сотди шартномасини тузиш учун берилған ишончнома нотариал тасдиқланған бўлиши керак (Фуқаролик кодексининг 136, 138-моддаларида назарда тутилған ҳоллар бундан мустасно).

Ишончли вакилнинг ваколатлари. Фуқаролик кодекси 134-моддасининг 1-қисмига кўра ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилған ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, ишончномада вакилга шартнома предмети бўлған уй-жойнинг мулқдори томонидан айнан уй-жойни сотиша ваколат



Берилганлигини аниқлаш лозим. Фуқаролик муюмаласида кенг учрайдиган уй-жойдан фойдаланиш, унга нисбатан битимлар тузиш учун ҳужжатларни түпласш ва бошқа мулк ҳуқуқини тасарруф этиш ваколатини истисно этувчи ишончномалар вакилга ишончнома орқали олди-сотди шартномасини тузиш ваколатини бермайди.

Ишончноманинг муддати. Ишончнома кўпти билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Ишончномада у берилган (расмийлаштирилган) кун кўрсатилмаган бўлса, у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлмаганлигини текшириши. Ишончнома бир томонлама битим бўлганлиги сабабли уни берган шахс ишончномани бекор қилишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Шу сабабли ишончноманинг ҳуқуқий кучда эканлигини аниқлаш лозим. "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 356-бандига кўра бу нотариал тасдиқланган ишончноманинг бекор бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотни Тизим орқали текшириш йўли билан амалга оширилади.

Ишончли вакилнинг муомала лаёқати. Қонунга мувофиқ, ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб ҳисобланиши ишончномани амал қилишининг бекор бўлишига олиб келади. Шу сабабли амалга оширилаётган битимнинг қонунийлигини таъминлашда ишончли вакилнинг муомала лаёқатини текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Ишончнома берган шахснинг мулк ҳуқуқи. Ишончнома тўғри расмийлаштирилган, унда ваколатлари тўғри ва тўлиқ кўрсатилган бўлиши мумкин, лекин ваколат берган шахснинг ўзи амалга оширилаётган олди-сотди шартномаси предмети бўлган уй-жойга нисбатан бундай битимни амалга оширишга ваколати бўлмаслиги мумкин.

Зоро, шахс фақат ўзи ваколатли бўлган юридик ҳаракатларни амалга оширишга бошқа шахсни вакил қилиши мумкин. Ишончномада кўрсатилган ваколатлар ваколат берувчининг ўзида бўлмаган ҳолатларда ишончнома ҳуқуқий кучга эга бўлмайди ва вакилнинг ваколатлари ҳақиқий ҳисобланмайди.

Таъкидлаш лозимки, ишончнома фақат ваколат берган шахснинг ҳуқуқларига тааллуқли бўлиб, умумий мулк бўлган уй-жойларга нисбатан олди-сотди шартномаларини тузища қолган мулқдорларнинг иштироқи умумий қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши шарт.

Қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома асосида тузилган олди-сотди шартномаси уй-жойнинг бевосита мулқдори билан тузилган шартнома билан бир хил юридик кучга эга бўлади ва оқибатларни вужудга келтиради.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

НАМУНА

ИШОНЧНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани. Иккى минг ўн еттинчи йил
йигирманчи август. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-мавзе 1-ўйда жойлашган
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонги давлат нотариал идораси.

Мен, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Е-мавзеси 9-ўй, 2-хонадонга прописка
қилинган 1981 йилда туғилган **OMANOV FAYOZ NURILLAYEVICH** /паспорт АА 0000034
Тошкент шаҳар ИИБ томонидан 05.05.2015 йилда берилган/ ушбу ишончнома билан
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 5-дача 1-ўй 1-хонадонга прописка қилинган 1983 йилда
туғилган **KARABAYEV MOXIR XODJAULOVICH** /паспорт АА 7000004 Навоий вилояти
Кармана тумани ИИБ томонидан 23.10.2014 йилда берилган/ **Тошкент шаҳар Чилонзор**
тумани 9-мавзе 22-ўй 22-хонадонни ўзи истаган нарх ва шартлар асосида сотиши,
ижарага, текин фойдаланиша бериши ҳамда менинг номимдан хонадонни ҳамшиши,
ижарага, текин фойдаланишига бериши учун керакли ҳужжат ва маълумотномаларни
олиши, шунингдек ҳужжатлардан дубликатлар олишига ваколат бераман.

Унга ушбу ваколатни бажариш учун менинг номимдан барча ваколатли давлат ва
бошқа корхоналарда, шу жумладан, Чилонзор туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр
хизматида ва коммунал ташкилотлар (газ, электр тармоғи, сувоз, иссиқлик қуввати,
телефон тармоғи, маҳсустранс, УЖМШ) ва ИИБ ХЧК ва ФРБда вакилим бўлиш, менинг
номимдан ариза бериш, фуқароларни вақтингчалик ёки доимий рўйхатга кўйишига,
менинг номимдан ариза бериш, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш,
кадастр хизмати ва бошқа ташкилотларга керакли ҳужжатлар, уларнинг дубликатлари
ва бошқа маълумотлар тақдим этиш ва олишга, менинг номимдан архивларда, нотариал
идораларда вакилим бўлиш, олди-сотди, ижара, текин фойдаланиша шартномасини тузиш,
ижара, текин фойдаланиш шартномаларини бекор қилиш (келишув шартномаларини
тузиш), имзолаш, сотилган хонадоннинг пулини тўлиқ олиш, ижара пулини олиш, мен учун
имзо қўйиш ҳамда ушбу топширик билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни бажариш
ҳуқуқини бераман.

Ишончнома **уч 9 йил** муддатга сотиш, ижара ва текин фойдаланишига бериш ҳуқуқи
билан берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141, 142-моддалари, Оила
кодексининг 23-24-моддалари мазмуни нотариус томонидан тушунтирилди.

Ишончнома берувчи муомалага лаёқатлилигини, ҳеч кимнинг васийлигига ва
ҳомийлигида турмаслигини, наркологик, алкоголь ва токсик ҳолатда эмаслигини,
мажбуриятларни бажариш ва ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш лаёқатида эканлигини,
ишончнома берувчи томонидан имзоланаётган ишончноманинг мазмунини ва
мақсадини тушуншига ҳалақит берәётган хасталиклар билан касал эмаслигини нотариус
ҳузурида тасдиқлади ва ўз хатти-ҳаракатини чегараловчи соғлиғида ўзгариш йўқлигини
билирди ҳамда ишончнома берувчини ушбу ишончномани имзолашга мажбураётган
мажбуриятлар йўқлигини тасдиқлади.

Ишончноманинг мазмуни, аҳамияти менга тушунтирилди ва менинг мақсадимга
мувофиқ келади.

Мен вакилимининг ваколати ва ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби ҳақида вакилим
билан келишиб олганман ва бу масалада ўртамиизда ҳеч қандай низо келиб чиқмаслигига
кафолат бераман.

ИМЗО: _____



Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.
Икки минг ўн еттинчи йил йигирманчи август.

Ушбу ишончномани мен, Эргашев Валишер Алишерович, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-мавзе, 1-ўйда жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси тасдиқладим.

Фуқаро **OMANOV FAYOZ NURILLAYEVICH** менинг хузуримда ишончномани имзолади.

Унинг шахси аниқланди ва муомалага лаёқатлилиги текширилди, нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида унинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида унинг муомалага лаёқатлизилиги ҳақида нотариал идорада ҳеч қандай маълумот йўқ.

OMANOV FAYOZ NURILLAYEVICHнинг фуқаролик паспортидан кўринишича у никоҳда турмайди, нотариал идорада унинг никоҳда туриш ёки турмаслиги тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестри №_____ -сон билан қайд қилинди.

7488,75 (етти минг тўрт юз саксон саккиз сўм етмиш беш тийин) миқдорида давлат божи учун тўлов ундирилди.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани
1-сонли давлат нотариал идораси
нотариуси В.А.ЭРГАШЕВ

2.2.3. ҲАДЯ ШАРТНОМАСИГА АСОСАН УЙ-ЖОЙНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фуқаролик муомаласида уй-жойни бошқа шахсга ўтказишнинг олди-сотди шартномаларидан кейинги энг кўп тарқалган тури битимнинг ҳадя орқали амалга оширилишидир.

Уй-жойнинг ҳадяси шартномасини тузишни амалга оширишда белгиланган қонун талаблари, яъни шартномани тузиш ва уни нотариал тасдиқлаш тартиби уй-жойни бошқа шахсга ўтказишнинг умумий қоидалари билан деярли бир хил.

Олди-сотди шартномаларида бўлгани каби ҳадя шартномаси ҳам қатъий равишида ёзма шаклда тузилиши, нотариал тасдиқланиши, ҳадя қилувчи ҳадя предмети бўлган уй-жойга нисбатан мулкий ҳукуқларга, муомала лаёқатига эга бўлиши лозим.

Ҳадя шартномасини тасдиқлашда нотариус томонидан уй-жойни бошқа шахсга ўтказишда амалга ошириладиган барча ҳаракатлар тўлиқ бажарилади. Шу сабабли мазкур шартнома юзасидан уни тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида эмас, ҳадя шартномасининг уй-жойни ўзга шахсга ўтказишга оид бошқа шартномалардан фарқли хусусиятларини ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

НАМУНА

Хонадонни ҳадя қилиш ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Чилонзор тумани. Икки минг ўн еттинчи йил олтинчи август. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-мавзе, 1-ўйда жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Эргашев Валишер Алишерович.

Биз, қўйида имзо қўювчилар: Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани Гёте кўчаси 44-ўй 2-хонадонга прописка қилинган 1977 йилда туғилган **XONNAZAROV BOTIR TOLIPOVICH** паспорт АА 0400050, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ИИБ томонидан 27.11.2012 йилда берилган, СТИР (ИНН) 473000695/ кейинчалик шартномадаги «Ҳадя қуловчи» ва Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Чилонзор 5-мавзе 33-ўй 33-хонадонда прописка қилинган 1985 йилда туғилган **XONNAZAROV UMID TOLIPOVICH** /паспорт АА 0400024, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ИИБ томонидан 21.11.2012 йилда берилган, СТИР (ИНН) 532900009/ кейинчалик шартномадаги «Ҳадя оловчи» билан қўйдагилар ҳақида ушбу шартномани туздик:

1. Мен, «Ҳадя қуловчи» **XONNAZAROV BOTIR TOLIPOVICH** ўзимга тегиши бўлган Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 8-мавзе 33-ўй 33-хонадонни «Ҳадя оловчи» укам XONNAZAROV UMID TOLIPOVICHга ҳадя килдим.

2. Ҳадя қилинаётган хонадоннинг умумий фойдаланиш майдони 41,6 (қирқ, бир бутун юздан олти) кв.метр, шундун 29,72 (йигирма тўққиз бутун юздан етмиш иккى) кв.метр яшаш майдони, 2 /икки/та яшаш хонаси, 1 та ҳаммом, 1 та ҳожатхона, 1 та айвон, 1 та даҳлиз, 1 та ошхонадан иборат бўлиб, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимининг 04.08.2017 йилда берилган 5122-сонли маълумотномасида кўрсатилган.

3. Ҳадя қилинаётган хонадон «Ҳадя қуловчи» **XONNAZAROV BOTIR TOLIPOVICH**га Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Б.Б.Камалова томонидан 2010 йил 30 сентябр кунида реестр рақами 3444-сон билан қайд қилинган ОЛДИ-СОТДИ шартномаси ва 2010 йил 11 октябр кунида ТА 1557799-сонли Бинолар ва иншоатларга булган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ўғрисидаги гувоҳномасига асосан тегиши бўлиб, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлими томонидан 44-сонли китобнинг 433-бетида 11.10.2010 йилда рўйхатга олинган.

4. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимининг маълумотномаси бўйича ушбу хонадоннинг баҳоси – 2 844 440 сўм.

5. Мен, «Ҳадя оловчи» **XONNAZAROV UMID TOLIPOVICH** ушбу шартномада кўрсатилган хонадонни «Ҳадя қуловчи» акам **XONNAZAROV BOTIR TOLIPOVICH**дан миннатдорчилик билан ҲАДЯ сифатида қабул қилдим.

6. Мен, «Ҳадя оловчи» хонадонни ўзим бориб кўрдим ва унинг ҳолати юзасидан ҳеч қандай эътироziм йўқ.

7. Мен, **XONNAZAROV BOTIR TOLIPOVICH** ушбу шартномада кўрсатилган хонадон юзасидан даъво қуловчилар йўқлигини ҳамда коммунал хизматлар ва телефон тармолги абонент тўловлари, ҳалқаро ва шаҳарлараро сўзлашув, иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси ҳамда бошقا тўловлар юзасидан қарзларим йўқлигини билдираман. Мабодо мазкур тўловлар бўйича қарзлар бўлса, мен **XONNAZAROV UMID TOLIPOVICH** уларни тўлашини ўз зиммамга оламан.

8. Ҳадя оловчи хонадоннинг таъмирланишини, унинг эксплуатациясини ҳамда хонадонга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни бажаришни ўз зиммасига олади.

9. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23, 24-моддаларига асосан хотинидан розилик аризаси олинди.

10. Ушбу шартномага қадар хонадон ҳеч кимга сотилмаган, гаровга қўйилмаган, бирорвога ўтказилиши тақиҷланмаган ва низода бўлмаган.

11. Шартномани тузиш учун кетган харажатларни мен, «Ҳадя оловчи» тўладим.



13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 9, 13, 24 ва 32-моддаларининг, Фуқаролик кодекси 502-510-моддаларининг мазмуни нотариус томонидан бизларга тушунтирилди ва маълум.

14. Уй-жой кодексининг 14, 15-моддаларига ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани "MAKSIM SERVIS KOMMUNAL" хусусий уй-жой мулқорлари ширкати томонидан 27.07.2017 йилда берилган 111-сонли маълумотномага асосан ушбу ҳадя қилинётган хонадон прописасида 1985 йилда туғилган Хонназаров Умид Толипович ва 1988 йилда туғилган Хонназарова Нигора Азимовналар туради ва улар яшаш ҳукуқини саклаб қолишиади.

15. Ушбу шартнома беш нусхада тузиленган ва ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга. Шартноманинг бир нусхаси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идорасида сақланади ва иккинчиси "Ҳадя қилиувчи"га, қолган нусхалари "Ҳадя олувчи"га берилади.

16. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 504-моддасига асосан Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўйлимида қайд қилиниши лозим.

Маълумотномаларнинг тўғрилиги учун "Ҳадя этувчи" жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шартноманинг матни, мазмун-моҳияти нотариус томонидан тушунтирилди ва маълум.

Имзолар:

1. _____
2. _____

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани.

Икки минг ўн етминчى ийл олтинчى август.

Ушбу шартномани мен, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-мавзе 1-йида жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Эргашев Валишер Алишер ўғли томонларнинг эрки-иродасига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартномани томонлар менинг ҳузуримда имзоладилар. Уларнинг шахслари аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулокот давомида томонларнинг муомалага лаёқатлилуклари шубҳа туғдирмади, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада томонларнинг муомалага лаёқатлизилуклари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Шунингдек ҳадя қилинаётган хонадоннинг **XONNAZAROV BOTIR TOLIPOVICH**га тегишилиги текширилди.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 504-моддасига асосан Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўйлимида қайд қилиниши лозим.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестри _____ сон билан қайд қилинди.

22257 (йигурма икки минг иккى юз эллик етми) сўм миқдорида давлат бохси учун ве 14977,50 (ўн тўрт минг туққиз юз етмиши етми сўм эллик тийин) миқдорида тақиқ текширилганлик учун тўлов ундирилди.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани
1-сонли давлат нотариал идораси
нотариуси

В.А. ЭРГАШЕВ

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Ҳадя шартномасининг энг асосий белгиси ашёни текинга мулк қилип беришdir. Яни мазкур шартномага кўра уй-жой бошқа шахс (ҳадя олувчи)-нинг эгалигига ҳеч қандай тўловларсиз ва бошқа муқобил мажбуриятларсиз ўтказилади.

Ҳадя шартномасида олди-сотди шартномаси учун мажбурий элемент бўлган "шартноманинг баҳоси" мавжуд бўлмайди.

Уй-жойни ҳадя қилганлик учун ҳадя қилиш оқибатда ҳадя қилувчига муайян муқобил ҳуқуқни берса ёки бошқа муқобил мажбурият юзага келса, шартнома ҳадя деб тан олинмайди. Яни, ҳадя шартномаси нафақат уй-жой учун тўловларнинг мавжуд бўлмаслиги, бошқа ҳар қандай муқобил мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаслигига ифодаланади.



Ҳадя шартномаси мутлақо беғараз бўлиши лозим.

Ҳадя бир томонлама шартнома бўлиб, ёзма равишда тузилган ҳадя шартномаси (олди-сотди шартномасидан фарқли тарзда) нотариал тасдиқлангунинг қадар ҳадя қилувчига ҳеч қандай мажбуриятлар юзага келмайди.

Олди-сотди шартномаси эса икки томонлама шартнома бўлганлиги сабабли уни бажаришга киришиш (закалат бериш, мажбуриятларни тўла ёки қисман бажариш) шартнома нотариал расмийлаштирилгунинг қадар ҳам икки томонлама мажбуриятларни юзага келтиради.

Қўчмас мулкка нисбатан тузилган шартномаларнинг бажарилганлиги шартнома предметини (уй-жойни) топшириш билан бажарилган ҳисобланади.

Икки томонлама мажбурият белгиловчи бошқа битимлардан фарқли равишида, ҳадя шартномаси бўйича, агар шартнома тузилгандан сўнг ҳадя қилувчининг моддий аҳволи жиiddий ёмонлашган бўлса, у келажакда ҳадя олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш ё бўлмаса, уни мулкий мажбуриятдан озод этиш бўйича ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Қонунда ҳадя шартномасини бекор қилишнинг бошқа шартномалардан фарқли ва ўзига хос жиҳатлари белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 507-моддасига кўра ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасдан ўлдирган тақдирда ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.



Ўз навбатида ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Фуқаролик муомаласида уй-жойни ҳадя қилиш одатда ҳадя қилувчининг қариндошлари ва бошқа ўзаро яқин шахслари ўртасида амалга оширилади.

Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва уни бекор қилишнинг фақат мазкур шартномага хос хусусиятлари уй-жойни битимларга асосан эгаллаш билан боғлиқ муносабатларга киришадиган шахслар ўртасида ҳақиқатдан ҳам ҳадя муносабатлари бўлган тақдирдагина бундай шартномани тузишлари лозимлигидадир.

СУД АМАЛИЁТИ

Ҳадя шартномаси текинга тузилиши, яъни беғараз бўлиши керак. Ашёни ҳадя қилганлик ҳадя қилувчига ҳадя олувчидан муайян мажбуриятларни бажаришини талаб қилиш ҳуқуқини бермайди ҳамда бундай мажбуриятларни бажармаганлик ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмайди.

Даъвогар У.Қосимова судга жавобгарлар Ш.Қосимов, М.Абдурахмонова ва нотариал идорага нисбатан ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва уйдан кўчириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъво аризасида низоли хонадон мерос мулки бўлганлиги, суднинг қарори билан меросхўрларнинг 1/12 улушларда мулк ҳуқуқи белгиланганлиги, бошқа меросхўрлар ўз улушларидан воз кечганидан кейин унинг улуши низоли хонадоннинг 7/12 қисмини ташкил этганлиги, жавобгар Ш.Қосимов билан муносабатлари ҳар доим ҳам яхши бўлмаганлиги, тез-тез уруш жанжаллар бўлиб турганлиги, 2014 йилдан жавобгар унга ўз улушкини ҳадя қилишни сўрай бошлаганлиги ва эвазига унга бўлган муносабатини ўзгаририши, ёрдам бериши ва ғамхўрлик қилишини айтганлиги учун ўз улушкини жавобгарга ҳадя қилганлигини, бироқ ҳадя шартномаси тузилганидан кейин у билан яна қўпол муносабатда бўла бошлаганлигини, сабабсиз жанжал қилиб, кўл кўтарганлигини, уйдан кўчириб чиқариш учун электр таъминотини ҳам узиб қўйганлигини, ҳадя шартномасини тузиш вақтида ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эта бўлганлигини маълум қилиб, шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд муҳокамаси жараёнида жавобгарлар даъво талабларини тан олмасдан, ҳадя шартномаси қонун талабларига мувофиқ амалга оширилганлигини, даъвогарнинг низоли хонадонда яшашига ҳеч ким тўсқинлик қилмаётганлигини маълум қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 502-моддасининг 1-қисмига кўра, ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидағи мулкий мажбуриятдан озод қилади ёнки озод қилиш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексининг 122-моддасига кўра жиддий аҳамиятга эга бўлган янгилишиш таъсирида тузилган битим янгилишиш таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Битимнинг табиати, уни нарсасининг ўз вазифаси бўйича фойдаланиш имкониятини анча пасайтирадиган ўхашалиги ёки сифати ҳақида янгилишиш жиддий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга соловчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 17-сонли қарорининг 10-бандига кўра, янгилишиш таъсирида тузилган битим деб, битим юзасидан келиб чиқувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбурияtlари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, яъни тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-иродасини акс эттирамасдан, битим тузилган вақтда тарафлар томонидан назарда тутилмаган ҳуқуқий оқибатларга олиб келган битим тушунилади. Янгилишиш ҳар хил ҳолатларда кўриниши мумкин, масалан, музокара вақтида тарафлар бир-бирларини тушунмаганликлари, қонунларни нотўғри талқин қилганиларни, битимнинг ҳақиқий оқибатларини нотўғри тасаввур этганиларни ва бошқалар. Шу билан бирга қонунни билмаслик битимнинг ушбу асос билан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Ўз даъво талабларида У.Қосимова жавобгар Ш.Қосимов уни ўз улушини ҳадя қилишга у ҳақида ғамхўрлик қилишни ваъда қилгани ҳолда кўндирганлигини, шу билан бирга ҳадя шартномасини расмийлаштиришда нотариал идорада шартноманинг матни, унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбурияtlар билан мустақил танишганлигини маълум қилган. Бундан кўринадики, У.Қосимова қандай турдаги шартномани расмийлаштираётганлигини тушунган.

Суднинг ҳал қилив қарори билан ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

ШАРХ: Фуқаролик қонунчилигида битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари қатъий бўлиб, уни кенгайтириб талқин қилиши мумкин эмас.

Ҳадя шартномаси ўз табиатига кўра ашёни текинга, ҳадя олувланинг зиммасига ҳеч қандай муқобил мажбурияtlарни юкламасдан туриб топшириш шартномаси бўлиб, беғараз бўлиши, келгусида ҳадя олувлчи ўз ҳаракатларида ёки хулқида ҳадя қилувчига нисбатан муайян ҳаракатларни содир этиши лозимлигини назарда туттаслиги керак.

Мазкур ҳолатда ҳадя қилувчи ўзи амалга ошираётган битимни яхши англаган, ўз улушининг ҳадя этилаётганлигини тушунган, фақат ҳадя амалга оширилганидан кейин унга нисбатан муносабат ўзгарганлиги, кутилган ғамхўрлик ва парвариши бўлмаганилиги сабабли битимни ҳақиқий эмас деб топиб, ўз улушини қайтарishiши талаб қилмоқда. Бироқ қонунга мувофиқ, бу ҳолат ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлиши мумкин эмас.

Шу сабабли суд даъво талабларини рад этиши ҳақида холосага келган

Зеро, ҳақиқатда тарафлар ўртасида олди-сотди муносабatlari бўлгани ҳолда, битимнинг ҳадя шартномаси сифатида расмийлаштирилиши



тарафлар ўртасида низо келиб чиққан тақдирда ҳуқуқи бузилган тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилишни истисно этади.

Хусусан, ҳақиқатда олди-сотди муносабати бўлгани ҳолда ҳадя шартномасининг тузилиши уй-жой мулқдорини уни эгаллаган шахсдан ҳақ олиш ҳуқуқидан (ихтиёрий амалга оширишдан бош тортганда) маҳрум бўлади.

Ёки аксинча, аслида мулкни сотган, лекин шартномага қўра ҳадя қиувчи мақомида бўлган шахса унинг моддий аҳволи жиддий ёмонлашганда мазкур шартномани бекор қилиш бўйича қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлади.

Фуқаролик қонунчилиги, агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилишини назарда тутади.

Бироқ тарафлар ҳақиқатда олди-сотди муносабатларини амалга оширган, лекин ҳадя шартномаси сифатида расмийлаштирган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидаларни қўллаш учун ҳуқуқи бузилган тарафда буни исботловчи мақбул далиллар (олди-сотди шартномаси бўйича ёзма келишувни тасдиқловчи) мавжуд бўлиши лозим.

Савол

Акам менга бундан иккى йил аввал ҳозир яшаб келаётган хонадонни ҳадя қилиб берган эди. Ҳозирда ўғлига машина олиб бериш учун хонадонни ҳадя қўлганлик эвазига мендан пул сўради, лекин у сўраган пулни бера олганим ўйқ. Чунки соғлигум ёмонлашганлиги сабабли ишламаяпман.

Пул беролмаганимдан кейин акам уйни қайтариб олмоқчи эканлигини эшиятдим. Ҳақиқатдан ҳам ушбу ҳолатда акам ҳадя шартномасини бекор қилиб, уйни мендан қайтариб олиши мумкинми?

Жавоб

Ҳадя шартномаси тузии вақтида Сизнинг муқобил мажбуриятни бажаринингизни белгиланиши мумкин эмас. Яъни ҳадя қилинган хонадон эвазига келгусида Сизнинг муайян маблағ ёки мулк беришингиз ҳақидаги келишув бўйлассиги лозим.

Сиз кўрсатган ҳолат ҳадя шартномасини бекор қилишининг қонунда белгиланган асосларига мос эмас. Шу сабабли акангиз айнан шу асос билан ҳадя шартномасини бекор қилиши ва хонадонни қайтариб олишида қонуний асосларга эга эмас ва унинг бундай талаби суд томонидан рад қилинади.

Шу сабабли, уй-жойга нисбатан уни эгаллашга қаратилган битимни ҳадя шартномаси сифатида расмийлаштиришда тарафлар мазкур шартноманинг моҳияти ва оқибатини тўғри англашлари, ўрталарида ҳақиқатдан ҳам ҳадя муносабатлари бўлган тақдирдагина шартномани ҳадя сифатида расмийлаштиришлари мақсадга мувофиқдир.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

2.2.4. ШАРТНОМАЛАРНИ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАГАНЛИК УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

Нотариуслар томонидан юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида уй-жойга оид шартномаларни тасдиқлаганлик учун божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли "Давлат божи ставкалари ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига мувофиқ ундирилади.

Нотариуслар томонидан уй-жойга оид шартномаларни тасдиқлаганлик учун давлат божи ставкалари

Квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), шу жумладан ҳусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларнинг олди-сотди, алмаштириш, рента олиш, умрордот таъминлаш шарти билан бошқалрга берини ва ҳадя қилиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятida янги курилган кўчмас мол-мулкни олди-сотди шартномалари бундан мустасно)

мулқдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болаларига, набираларига, бувиларига, буваларига, туғишиган ака-указалирига ва опа-сингилларига тасдиқлаганлик учун

бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тасдиқлаганлик учун

хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми) ким олди савдоси орқали сотилганда шартномаларни тасдиқлаганлик учун

1 кв. м. майдон учун

энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида

энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида

энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятida янги курилган кўчмас мол-мулкни олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваридан кам бўлмаган миқдорида кўчмас мол-мулк сотиб олинганда

шартнома суммасининг 5 фоизи миқдорида

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятiga бошқа давлатлардан келган ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан шартнома тузилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қиймати 150 минг АҚШ доллардан кам бўлмаган миқдорида янги курилган кўчмас мол-мулкни сотиб олинганда

шартнома суммасининг 10 фоизи миқдорида

Юқоридаги иккита бандга мувофиқ давлат божи тўлаб сотиб олинган мол-мулкни харид қилинган кундан бошлаб 3 йил мобайнида олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорида давлат божи ставкалари ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига (4-банди)

Изоҳ. Уй-жойлар (уйларнинг бир қисми), квартиralар (квартиralарнинг бир қисми) ва дала ҳовлилар учун ставка турар жой майдонидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқулади. Гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатлар учун ставка умумий майдондан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқулади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли "Давлат божи ставкалари ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига (4-банди)



2.2.5. ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ АСОСИДА МУЛК ҲУҚУҚИННИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Уй-жойни мулк ҳуқуқи асосида эгаллашнинг фуқаролик мувомаласида битимлардан кейин энг кўп тарқалган тури уни якка тартибда уй-жой қуриш асосида кўлга киритишидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ якка тартибдаги уй-жой – бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишга мўлжалланган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча турар жой иморатидир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзининг ва оиласининг эҳтиёжлари учун қонун ҳужжатларига ва юқоридаги Низомга риоя қилган ҳолда зарур ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар билан бирга хусусий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Якка тартибда уй-жой қуришнинг энг муҳим шарти қурилиш ишларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилган ер участкасида амалга оширилишидир. Ажратиладиган участка доирасида якка тартибда уй қурувчилар учун ўйнинг майдони чегараланмайди.

Шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга соладиган ҳудудларда ўйнинг неча қават эканлиги аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига мувофиқ туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органлари томонидан белгиланади ва улар билан келишилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкаларининг ажратилиши

“Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низомнинг 2-бобига кўра якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги таркибига кирмайдиган ерлардан белгиланган тартибда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бир оиласга 0,06 гектаргача мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун 0,04 гектаргача ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда кимошди савдосида сотилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олишга ариза туман (шаҳар) ҳокимлигига берилади.

Мазкур ариза туман (шаҳар) ҳокими бошчилик қиладиган, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишлайдиган комиссия томонидан кўриб чиқилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Юқоридаги Низомга мувофиқ, ер участкалари биринчи навбатда:

- ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилаётган фуқароларга;
- иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига;
- байналмилал жангчиларга;
- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг оиласларига;
- меҳнат фахрийларига;
- ўзлари эгаллаб турган давлат турар жой фондининг турар жойларини шаҳар ва туман ҳокимликларига берәётган фуқароларга берилади.

Туман (шаҳар) ҳокими комиссия ер участкаси беришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида ижобий хulosага келган тақдирда 10 кун муддатда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Фуқароларга белгиланган тартибда кимошди савдосида ер участкасига мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сотишда комиссиянинг қарори талаб қилинмайди.

Ер участкасига мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди асосида сотилганда туман (шаҳар) ҳокими кимошди ғолибиға ушбу ҳуқуқ сотиб олинганилиги тўғрисидаги давлат ордерини беради.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасини ажратиш жараёни ер участкаси чегараларини натурада чиқаришни амалга ошириш билан якунланади.

Ер участкаси ажратилганидан кейин якка тартибда уй-жой қуришнинг навбатдаги муҳим босқичи уй-жой қурилишининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қурилиш ишларини бажариш ҳуқуқига руҳсат олишдир.

Уй-жой қурилишига оид лойиҳа қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси режаси;
- уй-жойнинг пойdevорлари, ертўлалари, қаватлари, кесимлари ва фасадлари режалари;
- смета-молия ҳисоб-китоби (кредит олишга эҳтиёж бўлганда).

Уй-жой қурилишига якка тартибдаги ёки намунавий лойиҳа уй-жой қуриш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши:

- пудрат усули билан;
- ҳўжалик усули билан (қурувчиларнинг ўз кучи билан) амалга оширилиши мумкин.

Уй-жой, ёрдамчи-ҳўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар қурилиши шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.



Бир ер участкасида икки ёки ундан ортиқ оиласа тегишли бўлган бир неча уй-жой қурилишига йўл қўйилади.

Фуқаролар ўзларига тегишли бўлган уй-жойларни бузиб, янгидан қуришда ҳам лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қурилиш ишларини бажариш ҳуқуқига рухсат олиш билан боғлиқ талабларни бажаришлари лозим.

Якка тартибда қурилган уй-жойни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

“Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низомнинг 28-бандига кўра уй-жой қурилиши тугаллангандан кейин қурувчи туман (шаҳар) ҳокими томонидан уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан ташкил этиладиган қабул қилиш комиссиясига мурожаат қиласди.

Қабул қилиш комиссияси жойнинг ўзига бориб қурилиши тугалланган уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тузади.

Шундан сўнг “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси 10 кун муддатда янгидан қурилган (реконструкция қилинган) уй-жойни техник хатловдан ўтказади ҳамда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органлари билан келишув бўйича уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳокимнинг қарори лойиҳасини киритади.

Тўлиқ қурилиши тамомланмаган уйнинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилиши.

Уй-жойлар қурувчининг ўз кучи билан қурилган ҳолларда битта (иккита) турар жой хонаси, ошхона, ҳожатхона, уй фасадининг ташқи безаги қурилиши тамом бўлгандан, лойиҳага мувофиқ уй муҳандислик коммуникациялари билан таъминлангандан кейин алоҳида ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотларсиз ва ҳудудни ободонлаштирумасдан уйнинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори тегишли қарор лойиҳаси киритилгандан кейин икки кундан кечикмай қабул қилинади.

Ҳокимнинг қарорига мувофиқ уй қурувчига уй дафтари берилади.

Якка тартибда қурилган уй-жойга мулк ҳуқуқининг вужудга келиши.

Уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин пайдо бўлади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра никоҳ вақтида, яъни биргаликдаги турмуш даврида эрхотин томонидан қурилган ёки қонунда белгиланган асослар билан қўлга киритилган уй, бу уйни қуриш учун ер участкаси улардан қайси бирига ажратиб берилганлигидан, уйни мулк қилиб олиш тўғрисидаги шартномада улардан қайси бирининг номи кўрсатилганлигидан ва уй кимнинг номига

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

рўйхатдан ўтказилганигидан қатъи назар, уларнинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади.

Суд амалиётидан келиб чиқсан ҳолда фуқаролик мумомаласида нисбатан кўп учрайдиган уй қурилишидаги иштирокка асосланган мулк ҳуқуқини эътироф этишга оид муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолатига тўхталиш лозим.

Амалиётда уй-жойнинг қурувчилари ўртасида уйнинг бир қисмига нисбатан уй қурилишидаги иштирокка асосланган мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича низолар учрайди. Бироқ қайд этиш лозимки, уй қуришда иморат солувчига ёт шахсларнинг иштирок этганлиги қурилган уйнинг бир қисмига нисбатан уларнинг мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун асос бўла олмайди.

Яни якка тартибда уй-жой қурилишида маблағи, қурилиш материаллари ёки меҳнат кучи билан иштирок этган шахслар бундай асос билан уй-жойнинг бир қисмига мулқдор бўла олмайдилар.

Айрим ҳолларда, судлар ишнинг барча ҳолатларини инобатга олиб, мазкур шахсларга уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиши мумкин. Бунда тарафларнинг ўзаро ҳақиқий муносабатлари синчковлик билан текширилиши, уй қурилишида уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи бор деб эътироф этилишига даъвогарлик қилаётган шахслар иштирокида амалга оширилганлигининг сабаблари, тарафлар ўртасида уйга нисбатан умумий мулкнинг вужудга келиши тўғрисида келишув бўлган-бўлмаганилиги аниқланиши зарур.

Шунингдек, иморат солувчига унинг оила аъзолари ёки қариндошларининг уй қуришда ёрдам берганлиги фактининг ўзи уларнинг уйнинг бир қисмига бўлган мулк ҳуқуқини суд тартибида эътироф этишга асос бўла олмайди.

Бундай даъво ана шу шахслар билан иморат солувчи ўртасида уйга нисбатан умумий мулкнинг вужудга келиши тўғрисида келишув бўлган ҳамда улар (шахслар) айни ана шу мақсадда уй қурилишига ўз меҳнат ва маблағларини қўшган ҳоллардагина суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин. Бундай келишув эса фуқаролик қонунчилиги нормаларига кўра ёзма равишда тузилган бўлиши керак.

Шу сабабли, якка тартибда уй-жой қуришда иштирокчиликдан келгусида умумий биргаликдаги ёки улушли мулк ҳуқуқи вужудга келиши назарда тутилса, бундай муносабатлар тўғрисидаги келишув тегишли тартибида (ёзма равишида) расмийлаштирилиши лозим.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш оқибатлари

Қонун ҳужжатларига кўра белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.



Савол

Маҳалламиз ҳудудида жойлашган ташландиқ ер майдонини тозалаб, ободонлаштириб, бир қисмiga кичик майший хизмат күрсатиш биноси қурдим. Маҳалладаги хайрия ва жамоат тадбирларида фаол иштирок этиб келаман.

Хөзирда ушбу қурилмага нисбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштира оламанми? Маҳалла фаоллари томонидан бунга эътиrozлари йўқлиги ҳақида далолатнома берилди.

Жавоб

Сиз ушбу майший хизмат күрсатиш биносига нисбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштира олмайсиз. Чунки қурилма жойлашган ер участкаси Сизга тегишли тартибда ажратилмаган ва маҳалла фуқаролар йиғини ушбу ер участкасини ажратиш бўйича ваколатга эга эмас.

Келгусида ушбу қурилма жойлашган ер майдони Сизга белгиланган тартибда берилган тақдирдагина қурилмага нисбатан мулк ҳуқуқини белгилашингиз мумкин бўлади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатни тасарруф этишга — сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Шу сабабли фуқаролар якка тартибда уй-жой қуришда ер участкасининг тегишли тартибда ажратилганилиги масаласига алоҳида эътибор қаратишлари, ажратилмаган ер участкасида қурилган иморатнинг қиймати, қурилиш нормаларига жавоб бериши ҳуқуқий аҳамият касб этмаслигини назарда тутишлари лозим.

2.2.6. ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСИДА МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ

Фуқаролик қонунчилигига белгиланган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бири давлат мол-мулкини хусусийлаштириш ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш деганда фуқароларга уларнинг ихтиёрига қараб давлат уй-жой фондининг улар эгаллаб турган ёки янги қурилган хонадонларини, уйларини (уйларининг бир қисмини) сотиш, шу жумладан имтиёзли асосда сотиш ёки текинга мулк қилиб бериш тушунилади.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

“Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган фуқароларнинг айрим тоифаларига хонадонларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) текинга бериш;
- давлат хонадонларини, уйларини (уйларнинг бир қисмини) Ўзбекистон Республикасининг – фуқароларига ва юридик шахсларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга сотиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусияти Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш субъектларига бундай ҳуқуқнинг фақат бир марта берилишидир.

Фуқаролар томонидан белгиланган тартибда хусусийлаштирилган турар жойлар давлат уй-жой фондидан чиқарилиб, якка тартибдаги уй-жой фонди таркибиға киритилади.

Юқоридаги Қонуннинг 12-моддасига кўра қўйидагилар хусусийлаштириш обьектлари ҳисобланади:

- фуқаролар ижара шартномаси асосида фойдаланилаётган кўп хонадонли уйлардаги хонадонлар ва бир хонадонли уйлар (уйларнинг бир қисми);
- қайта тиклаш, таъмирланиш ишлари тугалланган-ку, аммо одамлар кучиб кирмаган ва бўшатилган уйларнинг хонадонлари, бир хонадонли уйлар (уйларнинг бир қисми);
- янги қурилган уйлардаги хонадонлар.

Мазкур Қонун 13-моддасининг 1-қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган (уй рўйхатидан ўтган) Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар хусусийлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тартиби

Фуқаро давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги хонадонни (уйнинг бир қисмини) ўз мулки қилиб ҳақини тўлаб сотиб олиш (ёки бепул олиш) учун ўзи истиқомат қилаётган давлат уй-жой фонди тасарруфида бўлган туман, шаҳар ҳокимига, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ариза беради.

Мазкур Қонун талабидан кўринадики, давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг энг муҳим шарти фуқаронинг ўзи хусусийлаштиришин сўраётган давлат уй-жой фондида яшаб келишидир. Фуқаро ўзи яшамаётган давлат уй-жойини хусусийлаштириши сўраб мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Қонунга мувофиқ давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш сўралаётган ариза узоғи билан икки ой муддат ичida қараб чиқилади.

Тураг жойларни хусусийлаштириш давлат уй-жой фондининг эгаси ёки у ваколат берган давлат бошқаруви органи томонидан амалга оширилади.



Фуқароларнинг алоҳида уй, хонадон ва хонага бўлган эгалик ҳуқуқи турар жой қиймати тўлиқ тўланган (сотиб олинган) ва ордер олинган пайтдан бошланади.

Турар жойнинг ҳақини тўлаб ва текинга хусусийлаштирилаётган фуқароларга уй-жой эгасининг қарори асосида эгалик ҳуқуқини берувчи ягона шаклда белгиланган давлат ордери берилади. Ордер хусусийлаштирилган уй-жой учун қонуний ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат ҳисобланаб, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

2.2.7. УЙ-ЖОЙНИ МЕРОС ҲУҚУҚИ АСОСИДА ЭГАЛЛАШ

Фуқаролик қонунчилигида белгиланган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бири мулкни мерос қилиб олишdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Уй-жойни мерос ҳуқуқи асосида эгаллаш фуқаролик муомаласида деярли ҳар бир шахс иштирокида учрайди

Фуқаролик кодекси нормаларига кўра уй-жойни мерос сифатида мулк қилиб олиш ворислик ҳуқуқи қоидалари асосида амалга оширилади.

Кодексга мувофиқ ворислик икки асосда амалга оширилади:

- васият бўйича ворислик;
- қонун бўйича ворислик.

Мерос таркиби. Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Яъни, уй-жойни мерос сифатида олишнинг муҳим шарти унинг мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлишидир.

Агарда мерос қилиб қолдирилган уй-жой умумий биргаликдаги мулк бўлса, бу ҳолда мерос вафот этган иштирокчининг улушкига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан очилади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг ўлими умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги унинг улушкини аниқлаш ва белгиланган тартибда умумий мол-мулкни тақсимлаш ёхуд ундан вафот этган иштирокчининг улушкини ажратиш учун асос бўлади.

Мероснинг очилиши. Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мероснинг очилиш жойи. Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Фуқаролик кодекси 1118-моддасининг 1-қисмига кўра мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Меросни васият бўйича ворислик асосида эгаллаш.

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Фуқаролик кодексининг 1124-моддасига кўра васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

Кўйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

- нотариал тасдиқланган васиятномалар;
- нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Яъни, васиятноманинг ёзма равишда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши унинг ҳақиқийлигининг қатъий шарти бўлиб, оғзаки, гувоҳлар олдида қилинган васият, шунингдек, ёзма тузилган, лекин нотариал тасдиқланмаган (нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилганлардан ташқари) васиятномалар юридик кучга эга бўлмайди.

Юқорида қайд этилганидек, мерос фуқаронинг ўлими билан очилади ва унинг ўлимига қадар васиятнома ворисга (vasиятномага асосан мерос олувчи шахсга) мерос қилинган мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди.

ВАСИЯТНОМА БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА

Ушбу **vasиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, 1-мавзе, 1-ўйда жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сон давлат нотариал идораси биносида тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.
Икки минг ўн еттинчи йил ўнинчи июль.

Мен, **Эргашев Валишер Алишерович**, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси, 2016 йил 11 феврал куни вафот этган мархум **MIRZAYEV SOBIR ABDUVAXIDOVICH**нинг Тошкент шаҳар Чилонзор туман 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Л.Ш.Ҳакимова томонидан 2014 йил йил 16 декабрда 2-340-реестр рақами билан тасдиқланган васиятномага асосан мерос мулкининг вориси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Эски Чилонзор кўчаси, 151-ўйга прописка қилинган 04.08.1988 йилда туғилган **MIRZAYEV QODIR SOBIROVICH**/паспорт АА 1222223, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ томонидан 07.06.2013 йилда берилган, СТИР (ИНН) 486444033/деб тасдиқлайман.

Мазкур гувоҳнома берилган мерос мулки қўйидагилардан иборат:



Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Эски Чилонзор (аввалида Х.Қодирий) кўчаси, 151-йдаги уй-жойдан иборат бўлиб, унинг умумий ер майдони 0,04 (га), умумий майдони, 72,22 кв.м., яшаш майдони 35,52 кв.м, 2 та яшаш хонаси, 2 та айвон, 1 та дарвоза, 1 та қозонхона, 1 та ошхона-ҳаммом, 1 та соябон ва 2 та ертўладан иборат бўлиб, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлими томонидан 24.04.2017 йилда берилган 2655-сонли маълумотномада изоҳланган.

Ушбу уй-жой Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 5 -сон давлат нотарил идораси нотариуси М.Р.Салимова томонидан 14.05.2004 йилдаги 75-реестр раками билан расмийлаштирилган ҳадя шартномасига асосан **MIRZAYEV SOBIR ABDUVAXIDOVICH** тегиши бўлиб, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимидағи 28.05.2004 йилдаги 4-китобнинг 148-бетида қайд қилинган ва 28.05.2004 йилда TS 0648888-сонли гувоҳнома берилган.

Уй-жойнинг ашёйий баҳоси 8 252 171 сўм.

Мазкур гувоҳнома Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимида ўн кунлик муддатда рўйхатга олиниши лозим.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестри _____-сон билан қайд қилинди.
Уй-жой учун далат божидан озод этилди.

14977,50 (ўн тўрт минг тўйқуз юз етмиши етти сўм эллик тийин) миқдорида тақиқ текширилганлиги учун ва 14977,50 (ўн тўрт минг тўйқуз юз етмиши етти сўм эллик тийин) миқдорида техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун тўлов ундирилди.

6777/17- сонли мерос иши

НОТАРИУС

В.А. ЭРГАШЕВ

Меросни қонун бўйича ворислик асосида эгаллаш.

Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса амалга оширилади.

Қариндошлик Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасида белгиланган даражага асосан аниқланади.

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиқсан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликтин яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан - иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошликтин иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликтин - учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холоваччалар эса - тўртминчи даражасида турадилар.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Меросни әгаллаш. Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Мерос мулки бўлган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг вористга ўтганлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ёки суднинг қарори ҳисобланади.

Фуқаролик кодекси 1146-моддасининг 1-қисмига кўра мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берishi шарт.

Мазкур Кодекс 1150-моддасининг 2-қисмига кўра меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.

Кўп ҳолатларда меросхўрлар икки нафар ва ундан ортиқ бўлиб, мерос мулки бўлган уй-жойни асл ҳолида олиш масаласи юзага келади.

Уй-жойни мерос мулки сифатида асл ҳолида олишнинг қонунда ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

Унга кўра, мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жойни олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Мерос қолдирувчи билан мол-мulkка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан умумий мулк бўлган мол-мulkни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Савол

Отам бир йил муқаддам вафот этган бўлиб, вафотига қадар бирга яшаб келган уй-жойни менга васиятномага асосан қолдирган эди. Лекин меросни қабул қилиш жараённида отамнинг аввалги турмушидан бўлган қизи нафақа ёшида эканлиги сабабли, васиятнома бўлишига қарамасдан, мерос улуши олишини маълум қилди.

Бу тўғрими? Ахир отам уйни менга васият қилиб қолдирган-ку. Қолаверса, ўғай опам отамга қарамаган, унинг аҳволидан хабар олмаган, эндиликда эса мерос мулкига даъво қилмоқда.

Жавоб

Мерос очилган вақтда отангизнинг меҳнатга лаёқатсиз бўлган болалари васиятноманинг мазмунидан қатъий назар мажбурий улуши олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Улар қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камидা ярмини (мажбурий улуши) мерос қилиб оладилар.



Мазкур ҳолатда опангиз мажбурий мерос улушига даъвогар ҳисобланади. Қайд этиши лозимки, Сиз мерос мулкини асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эгасиз ва ўғай опангизнинг улушкини нут кўрининида ажратиб, мулк ҳуқуқини тугатиш ҳақида судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Мерос мулки бўлган уй-жойни меросхўр олиши билан мазкур уй-жой унинг хусусий мулкига айланади. Меросхўрлар бир нечта бўлганида уй-жой умумий мулк мақомини олади.

ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Ушбу қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-мавзе 1-йида жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сон давлат нотариал идораси биносида тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.
Икки минг ўн еттинчи йил ўнчинчи июль.

Мен, ЭРГАШЕВ ВАЛИШЕР АЛИШЕРОВИЧ, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан 11.05.2012 йилда вафот этган **Исламова Латофат Акрамовнинг** мерос мулкининг ворислари: **Азизова Рано Ўқтамовна, Шарипов Шавкат Ўқтамович, Шарипов Равшан Ўқтамович** ва **Шарипов Шухрат Ўқтамовичлар** мерос мулкидаги ўз ҳиссаларидан мархуманинг қизи **Нигматджанова Нафиса Ўқтамовна** фойдасига воз кечганиклиги сабабли мерос мулкининг вориси: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-даҳа 11-үй, 111-хонадонда яшовчи унинг қизи **Нигматджанова Нафиса Ўқтамовна** деб тасдиқлайман.

Мазкур гувоҳнома берилган мерос мулки қўйидагилардан иборат: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 1-даҳа 11-үй 111-хонадоннинг умумий фойдаланиш майдони 51,21 кв.метр, (эллик бир бутун юздан йигирма бир) яшаш майдони 33,84 кв.метр, (ўтиз уч бутун юздан саксон тўрт) 0001-литердаги 3 (уч) та яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, ҳуҷра, ҳаммом, ҳожатхонадан иборат бўйиб, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимининг 21.06.2017 йилдаги 2223-сонли маълумотномасида изоҳланган. Ушбу квартира, Тошкент шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси катта давлат нотариуси З.Румирова томонидан 18.03.1994 йилда 9-642-реестр рақами қайд этилган ҳада шартномасига асосан **Исламова Латофат Акрамовнага** тегишилди бўйиб, бўйимнинг 21.12.2012 йилдаги 12-китобининг 358-бетида қайд қилинган.

Хонадоннинг инвентар баҳоси 5 948 926 (беш миллион тўқиз юз қўрқ саккиз минг тўқиз юз йигирма олти) сўмни ташкил этади.

Мазкур гувоҳнома 10 (ўн) кун ичида Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Чилонзор туман бўлимида қайд қилиниши шарт.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестри _____ -сон билан қайд қилинди.
Уй-жой учун далат божидан озод этилди.

14977,50 (ўн тўрт минг тўқиз юз етмиши етти сўм эллик тийин) миқдорида тақиқ текширилганлиги учун ва 14977,50 (ўн тўрт минг тўқиз юз етмиши етти сўм эллик тийин) миқдорида техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун тўлов ундирилди.

6778/17-сонли мерос иши

НОТАРИУС

В.А. ЭРГАШЕВ

2.2.8. ЭГАЛИК ҲУҚУҚИННИ ВУЖУДГА КЕЛТИРУВЧИ МУДДАТ АСОСИДА УЙ-ЖОЙГА МУЛК ҲУҚУҚИННИ ҚҮЛГА КИРИТИШ

Фуқаролик қонунчилигида белгиланган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бири мулк ҳуқуқини эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритиш ҳисобланади.

Эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини қўлга киритиш тартиби, муддатлари ва шартлари Фуқаролик кодексининг 187-моддасида келтирилган.

Унга кўра уй-жойга эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат – ўн беш йил.

Бироқ қайд этиш лозимки, ушбу ўн беш йиллик муддатнинг ўтиши шундай шахс мулкни эгалладаган даврдан бошлаб эмас, уй-жойни эгаликдан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган даъво муддати – уч йил ўтгандан кейин бошланади.

Яъни, мулкдор бўлмаган шахс уй-жойга эгалик ҳуқуқини вужудга келтирадиган муддат асосида мулк ҳуқуқини олиши учун ўн саккиз йил давомида эгалик қилган бўлиши лозим.

Уй-жойга эгалик ҳуқуқини вужудга келтиришнинг унга ўн саккиз йил давомида эгалик қилиб келишига оид қўйидаги зарурий шартлари белгиланган. Унга кўра мазкур давр мобайнida уй-жойга эгалик:

- ўзиники каби ҳалол;
- ошкора;
- узлуксиз бўлиши лозим.

Уй-жойга ўзиники каби ҳалол эгалик қилиш мулкни асраб-авайлаш, уни мунтазам жорий ва вақти-вақти билан капитал таъмирлаш, бузилишига йўл қўймаслик, солиқ ва коммунал тўловларни тўлаб келиш кабилarda ифодаланади.

Уй-жойга эгалик қилишдаги ошкоралик бундай эгаликнинг очиқ-ойдин, њеч кимдан, хусусан, уй-жойнинг мулкдоридан ҳам яширмаган ҳолда амалга оширилишини англатади.

Узлуксизлик эса, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи давр мобайнida унга эгалик қилишда узилишлар бўлмаслиги лозимлигини билдиради.

Уй-жой кодексининг 52-моддасига мувофиқ уй-жойда доимий яшаётган (мулкдор бўлмаган) фуқаролар вақтинча бўлмаганларида турар-жой олти ой муддат давомида унинг ҳисобида сақланади. Мазкур талабдан келиб чиқилса, уй-жойдан фойдаланишдаги узилишлар олти ойдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агарда уй-жойга юқоридаги талабларга асосан эгалик қилиб келган шахс вафот этган тақдирда, унинг ҳуқуқий вориси бўлган шахс бу мол-мulkка эгалик қилиб келинган барча вақтни ўзининг эгалик қилиш вақтига қўшиши мумкин.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олганга қадар мол-мulkка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини



мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчى шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Қайд этиш лозимки, Фуқаролик кодекси 187-моддасининг эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тўғрисидаги нормалари уйга эгалик қилиш мазкур Кодексда белгиланган муддат мобайнида шартнома мажбуриятлари (ижара, текин фойдаланиш) асосида амалга оширилган ҳолларда кўлланилмайди. Мазкур асосда мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритишнинг яна бир зарурий шарти, эгалик қилиб келинаётган уй-жойга нисбатан қонуний мулк ҳуқуқи эътироф этилган бўлиши лозим. Белгиланган тартибда мулк ҳуқуқи эътироф этилмаган (масалан, ўзбошимчалик билан қурилган, мулк ҳуқуқи олинмаган) уй-жойга нисбатан эгалик қилиш юқоридаги асосларга кўра мулк ҳуқуқини олиш учун асос бўлмайди.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини олишда қонун мулк обьектларининг фақат бир шахснинг эгалигида бўлиши лозимлигини белгиламайди. Бундай асосга кўра мулк ҳуқуқи умумий мулкка нисбатан ҳам вужудга келиши мумкин.

Фуқаролик муомаласида умумий мулк бўлган уй-жойни унинг мулқдорларидан бири томонидан эгалик қилиб келиш ҳолати кўп учрайди. Агарда бундай эгалик қилиш юқоридаги талабларга мос бўлса, уй-жойни амалда эгаллаб келаётган шахс умумий мулкнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳам эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқи вужудга келиши билан аввалиг мулқор уйга бўлган мулк ҳуқуқини йўқотади. Агарда уй-жой умумий эгалиқда бўлса, барча мулқдорларнинг мулк ҳуқуқи тутатилади.

Уй-жойни унга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсада эгалик ҳуқуқи ана шундай ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

СУД АМАЛИЁТИ

Мулқдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади.

Фуқаро Д.Каримова низоли хонадонга 1996 йил сентябрь ойида ушбу хонадоннинг мулқдори бўлган С.Владимировнинг розилиги билан кирган бўлиб, йигирма йилдан ортиқ муддат давомида оила аъзолари билан бирга яшаб келган. Хонадонга яшаш учун кирганидан кейин 1996 йил ноябрь ойида рўйхатга ўтиб, ўтган вақт давомида ушбу уйда узлуксиз, ошкора ва ҳалол яшаб, фойдаланиб келган.

ҚҰЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Барча солиқлар ва бошқа коммунал тұловлар Д.Каримова томонидан амалға ошириб келинган.

Низоли хонадоннинг мулқори С.Владимиров Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган бўлиб, Д.Каримова ушбу хонадонга яшаш учун кирганидан кейин қайтиб келмаган, ушбу хонадонга нисбатан ўзининг мулкий ҳуқуқарини амалга оширмаган, мажбуриятларини бажармаган, хонадонга нисбатан ҳеч қандай даъво билан мурожаат қилмаган.

Д.Каримова судга ушбу хонадонда 1996 йил сентябрь ойидан бери яшаб келиши ҳақида ўзи яшаётган маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган далолатнома, ўзининг низоли хонадонда рўйхатда туриши ҳақида тегишли Ф-16 ва Ф-17 ҳужжатлари, ўтган даврда амалга оширган коммунал тұловлари ва солиқларга оид квитанцияларни илова қилган ҳолда эгалик ҳуқуқини вужудга келтиривчи муддат асосида мулк ҳуқуқини белгилаш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд томонидан жавобгар С.Владимировнинг яшаш манзилини аниқлашнинг имкони бўлмасдан, иш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 139-моддаси тартибида кўриб чиқилган.

Судда иштирок этган маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари томонидан даъво аризасида келтирилган ҳолатларнинг тўғрилиги эътироф этилган.

Судда кўрсатма берган гувоҳлар томонидан даъвогар Д.Каримова ҳақиқатдан ҳам низоли хонадонда 20 йилдан ортиқ муддат давомида узлуксиз равишда оила аъзолари билан рўйхатдан ўтган ҳолда яшаб келәётгандиги, низоли хонадоннинг аввалги мулқори ўтган вақт мобайнида бирор марта ҳам келмаганлиги ва ушбу уйга нисбатан бирон-бир важ билан даъво қилмаганлиги маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 187-моддасининг 1-қисмига кўра, мулқор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтиривчи муддат).

Мазкур модданинг 5-қисмига кўра, шахс ихтиёрида бўлиб, ушбу Кодекснинг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтиривчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Иш ҳужжатларида мавжуд ва суд томонидан аниқланган далиллар билан даъвогар Д.Каримова низоли хонадондан қонунда белгиланган эгалик ҳуқуқини вужудга келтиривчи муддат давомида ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилиб, яшаб, фойдаланиб келаётгандиги тасдиқланган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарори 27-бандининг 2-қисмига кўра, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтиривчи муддат туфайли мулк ҳуқуқи вужудга келиши билан аввалги мулқор уйга бўлган мулк ҳуқуқини йўқотади.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар Д.Каримованинг эгалик ҳуқуқини вужудга келтиривчи муддат асосида мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантарилиб, унинг низоли хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланган, хонадоннинг аввалги мулқори жавобгар С.Владимировнинг мазкур уйга нисбатан мулк ҳуқуқи тугатилган.



ШАРХ: Фуқаролик қонунчилигида мулк ҳүкүкүнинг вұжудға келиш асосларидан бири әгалик ҳүкүкүнін вұжудға келтирүвчи мұддат бўлиб, қонун мулкдорға үз мулкига әгалик қилиши, фойдаланыш ва тасаррүф этиши билан боғлиқ ҳүкүклар берши билан бирга, ушбу мулкни сақлаш, үнга әгалик қылғанлик учун мұайян солиқлар ва бошқа тұлөөларни тұлаша билан боғлиқ мажбурияттарни ҳам қоклады.

Қонун мулк ҳүкүкүнинг мұддатсызлігінің әထыроф этиғаны ҳолда, мулкдорнинг үз мулкни қаровсиз қолдирғанлығы учун әгасиз деб топши ҳамда мулкка қонунда белгиланған мұддатда узлуксиз, ҳалол ва ошкора әгалик қылған шахснинг әгалик ҳүкүкүні әထыроф этиши асосларини белгилайди.

Юқорида қайд әтилған ҳолатда даъвогар Д.Каримова низоли хонағонга үйгірма үйлдан ортиқ мұддат давомида узлуксиз, ҳалол ва ошкора әгалик қилиб келгән бўлиб, хонағоннинг мулкдори бўлған С.Владимиров билан ўрталарида ушбу хонағондан фойдаланыш билан боғлиқ шартномавий мұносабатлар (масалан, ижара шартномасы) мавжуд эмас.

Даъвогар томонидан ушбу хонағондан у қонунда белгиланған мұддат давомида ҳақиқатдан фойдаланиб, әгалик қилиб келғанлыгини тасдиқловчи зарурий далиллар судға тақдим әтилған бўлиб, суд барча етарлы асослар мавжудлиги сабабли даъвогарнинг әгалик ҳүкүкүні әထыроф этиши ҳақида холосага келган.

2.3. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

2.3.1. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жамият тараққиёти ва фуқаролар турмуш тарзининг юксалиши билан бир қаторда мавжуд маиший заруратлар ортиб, талаблар ўзгариб боради.

Истеъмол қобилиятининг ортиб бориши билан нисбатан катта қийматга эга бўлган мулкларнинг ҳам фуқаролик муомаласидаги фаоллашуви юз беради. Бир неча ўн йил олдин шахсий мулк сифатида эгалик қилиш ҳашаматли ҳисобланган транспорт воситалари бугунги кунга келиб кундалик зарурий мулк қаторида қайд этилмоқда.

Шунга қарамасдан транспорт воситалари қийматининг юқорилиги уларни эгаллаш билан боғлиқ фуқаролар киришадиган шартномавий муносабатларнинг муҳимлигини билдиради. Чунки транспорт воситаларини эгаллаш ёки уни тасарруфдан чиқариш фуқароларнинг мулкий ҳолатини сезиларли даражада ўзгаририади. Бундан ташқари, транспорт воситалари фуқаролик муомаласидаги битимларнинг энг фаол предметларидан бири бўлганлиги сабабли, қўлланмада улар билан боғлиқ шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни ёритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди.

Зеро, бошқа мулкий муносабатлар қатори транспорт воситаларини эгаллаша ҳам фуқаролар қонун талабларини яхши билиши орқали мулкдор сифатида ўзларини янада ҳимоялаб, ўз манфаатларини қонуний кафолатладилар.

Транспорт воситаларини битим (шартнома)лар орқали эгаллашга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар буйича қонун талаблари бошқа қўчмас мулкларга нисбатан белгиланган талаблар билан умумий хусусият касб этади.

Транспорт воситаларини эгаллаш билан боғлиқ шартномаларнинг ҳам ёзма равища тузилиши, нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги қонунда зарурий талаб сифатида белгиланган.

Фуқаролик кодекси 386-моддасининг 4-қисмига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартағи 38-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг З-бандига кўра автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланиши керак (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари).



Автомототранспорт воситалари қуйидаги субъектлар томонидан солилганда битимларни нотариал тасдиқлаш талаб қилинмайды:

- ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автомототранспортни ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ва воситачи (дистрибьюторлик) ташкилотлар);
- лизинг шартномалари бўйича лизинг хизматлари кўрсатадиган ташкилотлар (енгил автотранспорт воситалари лизингидан ташқари);
- юридик шахслар билан лизинг шартномалари бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларини камида 2,0 млрд сўм миқдорида устав капиталига эга бўлган кредит ташкилотлари ва асосий фаолият тури лизинг ҳисобланган ташкилотлар;
- Ҳусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириши давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимлари.

Юқоридаги Низомнинг 10-бандига кўра нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари сотиб олувчининг яшаш жойидаги (турган жойидаги) ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Шу билан бирга транспорт воситасининг мулк ҳуқуқининг обьекти бўлган ашё сифатидаги ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда уни эгаллашда қатор талаблар мавжуд.

Транспорт воситаларини эгаллаш билан боғлиқ олди-сотди шартномасининг обьекти бўлган жисмоний шахсга нисбатан чеклов белгиланган бўлиб, 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Низомда белгиланган ёшга тўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини эгаллашларига улар факат лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олган ҳолатларида йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш улар божхона органларида расмийлаштирилгандан ва ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

Фуқаролик муомаласида автомототранспорт воситаларининг иккилам-чи савдоси кенг тарқалган бўлиб, ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтмаган автомототранспорт воситаларининг бозорларда олди-сотдиси ва айирбошланиши, шунингдек автомототранспорт воситаларини биржалар орқали сотиш тақиқланади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Ёзма равишда тузилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган бошқа шартномалар қатори транспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини тузишда ҳам шартнома матни (мазмуни)нинг тўғри тузилиши ва унда тарафлар ҳуқуқ-мажбуриятларининг, шартларининг тўлиқ кўрсатилиши мухим аҳамият касб этади.

Транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиши шартномаси (олди-сотди, айирбошлиш, ҳадя) матнида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- битимнинг номи, битим тасдиқланган жойнинг тўлиқ номи (вилоят, туман, шаҳар) ва тузилган санаси (йил, ой ва кун);
- тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаши манзили, паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги;
- битимда юридик шахс иштирок этиётган ҳолларда юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), СТИРи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси, давлат рўйхатидан ўтказган органнинг номи;
- автомототранспорт воситасининг русуми, ишилаб чиқарилган ўили, рўйхатдан ўтказиши давлат рақами белгиси, агрегат рақамлари, қуввати (от кучи);
 - транспорт воситасини қайд этиши гувоҳномасининг серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги;
 - автомототранспорт воситасининг тарафлар томонидан келишилган баҳоси;
 - тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб амалга оширишига оид маълумотлар;
 - автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиши тақиқламаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;
 - тарафларнинг ихтиёрига кўра шартномада қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиши тўғрисидаги битимларни нотариал тасдиқлаши тартиби

Фуқаролар ўртасида автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни нотариал тасдиқлашда қўйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномаси, автомототранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун ДИХХХ органлари ёки тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл қурилиш машиналари учун «Ўздавтехназорат» ташкилоти томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумтонома);



- агар автомототранспорт воситаси эрнинг ёки хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлган ҳолларда, эрнинг ва (ёки) хотиннинг автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишга розилиги тўғрисида нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ёзма аризаси;
- битимлар давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомототранспорт воситаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган вилоятларда эса – "Ўзватотеххизмат" акциядорлик жамияти тизимиға кирувчи ташкилотларнинг холосаси;
- давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);
- меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси берилган бўлса – меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома.

Маълумот ўрнида: Никоҳ қайд этилгунга қадар сотиб олинган, мерос тариқасида ёки ҳадя шартномаси бўйича олинган, шунингдек никоҳ давомида сотиб олинган автомототранспорт воситаси никоҳ шартномасига асосан таҳсилаб олинган бўлса ёки эр-хотин ўртасидағи мулкни бўлиши тўғрисидаги суд ҳужжати ёхуд нотариал тартибда расмийлаштирилган келишиув мавжуд бўлса, автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИННИГ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Чилонзор тумани. Икки минг ўн еттинчи йил йигирма олтинчи май. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 1-мавзе 1-ўйда жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Эргашев Валишер Алишерович.

Биз, қуйида имзо чекувчилар: Тошкент шаҳри Олмазор тумани Қора-Қамиш 2/1-мавзеси 5-ий 55-хонадонга прописка қилинган 22.05.1985 йилда туғилган **EGAMBERDIYEV KOMIL AVNAROVICH** /паспорт АА 5666162, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБ томонидан 10.06.2014 йилда берилган/ кейинчалик шартномадаги «Сотувчи» ва Тошкент шаҳар Сергели тумани, А.Ахматов кўчаси, 14-ўйга прописка килинган 12.11.1983 йилда туғилган **RAHIMOVA UMIDA ARIPOVNA** /паспорт АА 9223107, Тошкент шаҳар Сергели тумани ИИБ томонидан 01.04.2015 йилда берилган/ кейинчалик шартномадаги «Олувчи» билан қўйидагилар ҳақида ушбу шарномани туздик:

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

1. Мен, **EGAMBERDIYEV KOMIL AVNAROVICH** ўзимга тегишли **2010** йилда ишлаб чиқарилган **МАТИЗ** русумли, т/в тури – енгил, двигатель рақами F8CV542155KC2, кузов рақами XWB4A11ADAA300474, шасси рақамсиз, ранги – күлранг, давлат рақам белгиси **01 Н 777 АА**, 49 от кучига эга бўлган автомототранспорт воситасини сотдим, мен “Олувчи” **RAHIMOVA UMIDA ARIPOVNA** ушбу автомототранспорт воситасини сотиб олдим.

2. Ушбу автомототранспорт воситаси Тошкент шаҳар Юнусобод ТРИБ томонидан 21.04.2012 йилда берилган ААС 3555550-сонли транспорт воситасини кайд этиш гувоҳномасига асосан **EGAMBERDIYEV KOMIL AVNAROVICHra** тегишили.

3. Автомототранспорт воситаси биз тарафлар томонидан ўзаро келишуви мизага асосан 20 000 000 /йигирма миллион/ сўмга баҳоланди ва мен, “Сотувчи” ушбу суммани мазкур шартномани имзолаш арафасида “Олувчи”дан тўлиғ олдим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 356-моддасининг 1-кисмига биноан сотилаётган автомототранспорт воситасининг ҳақиқий баҳоси яширилган бўлса, бунинг учун нотариус ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23, 24-моддаларига асосан “Сотувчи”нинг автомототранспорт воситасини сотишига даъво қиливчи хотини йўқлиги ҳақидаги аризаси олинди ва “Олувчи” ушбу ариза билан таниширилди.

5. Ушбу шартнома тузилгunga қадар автомототранспорт воситаси ҳеч кимга сотилмаганлиги, низоли эмаслиги, бирорга ўтказилиши тақиқланмаганлиги аниқланди.

6. 2017 йил 26 майда Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ - СИО ва ККБ томонидан автомототранспорт воситасининг агрегат рақамлари кўриқдан ўтказилганини кўрсатилган бўйиб, унинг амал қилиш муддати 05.06.2017 йилгача.

7. Шартнома **ASH № 903333 TN** рақамли герблри бланкада расмийлаштирилди.

8. Ушбу шартномани тузиш учун барча харажатларни “Олувчи” тўлади.

9. Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113-124-моддалари мазмуни бизга нотариус томонидан тушуниширилди.

10. Ушбу шартнома уч нусхада тузилди ва имзоланган ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўйиб, шартноманинг бир нусхаси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сонли давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалари тарафларга берилади.

11. Ушбу шартнома ИИВнинг тегишили ДИХХХ органларида ўн кун ичida белгиланган тартибида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Ушбу шартнома матни нотариус томонидан тарафларга ўқиб эшиттирилди, мазмун-моҳияти тушунарли ва у бизнинг мақсадимизга мос келади.

Нотариусга тақдим этилган маълумотномалар ҳақиқийлиги учун тарафлар жавобгар ва маъсулдир.

Имзолар:

1. _____

2. _____

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.

Иккى минг ўн еттинчى йил йигирма олтинчى май.

Ушбу шартномани мен, Эргашев Валишер Алишерович, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-мавзе 1-ўйда жойлашган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси тасдиқладим.

Шартномани тарафлар менинг ҳузуримда имзоладилар, уларнинг шахслари аниқланди ва уларнинг муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмади. Ушбу нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатлизилари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

2010 йилда ишлаб чиқарилган **МАТИЗ** русумли, т/в тури – енгил, двигатель рақами F8CV542155KC2, кузов рақами XWB4A11ADAA300474, шасси рақамсиз, ранги –



кулранг, давлат рақам белгиси **01 N 777 АА**, 49 от кучига эга бўлган автомототранспорт воситасининг **EGAMBERDIYEV KOMIL AVNAROVICH**га тегишилиги текширилди.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестри _____-сон билан қайд қилинди.

513729 (беш юз ўн уч минг етти юз йигирма туққиз) сўм миқдорида давлат божи, 14977,50 сум (ўн тўрт минг туққиз юз етмиш етти сўм эллик тийин) сўм миқдорида герб йиғими ва 14977,50 сум (ўн тўрт минг туққиз юз етмиши етти сўм эллик тийин) миқдорида тақиқ текширилганлиги учун тўлов ундирилди.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани
1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

В.А. Эргашев

Юридик шахсларга тегишили бўлган транспорт воситалари юзасидан битимларни тасдиқлаш

Транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни нотариал тасдиқлашда тарафлар ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлган ҳолларда “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 117-бандига кўра қўйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
- мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномаси, автомототранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун ДИХХХ органлари ёки тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл қурилиш машиналари учун «Ўздавтехназорат» ташкилоти томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумотнома);
- юридик шахс ваколатли органининг автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ҳужжати (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо);
- вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома);
- қолдиқ баланс қиймати тўғрисида маълумотнома;
- юридик шахснинг соғ активлари ҳақида маълумотнома;
- мулкдорнинг розилиги (агар юридик шахсга автомототранспорт воситаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишили бўлса);
- давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);
- тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-китоб кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно).

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Халқаро ташкилотларга тегишли транспорт воситалари бүйича битимларни тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ҳамда фирмалар ваколатхоналарига ҳамда уларнинг ходимларига, оила аъзоларига тегишли «CMD», «D», «UN», «T», «X», «M» сериядаги давлат рақамларига эга бўлган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда кўшимча равища ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг розилигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Давлат ташкилотларига тегишли транспорт воситалари бүйича битимларни тасдиқлаш

Давлат ташкилотларига тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда юқорида кўрсатилган ҳужжатларга кўшимча равища баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи ва юқори турувчи ташкилотининг рухсати (агар юқори турувчи ташкилот мавжуд бўлса) ҳам талаб қилинади.

Транспорт воситалари бүйича битимларни давлат рўйхатидан ўтказиши

Фуқаролик кодекси 8-моддасининг 3-қисмига кўра давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унга бўлган тегишли ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Қонун талабларига кўра транспорт воситаларига нисбатан мулк ҳуқуқи уни эгалашга қаратилган битимлар тузилганидан кейин эмас, давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДИХХХ органларида рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш) учун тақдим этилиши лозим.

Автомототранспорт воситаларини мазкур банд талабларини бузган ҳолда бошқариш қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳайдовчиларни транспорт воситасини бошқаришдан вақтинча четлатган ҳолда уларни маъмурӣ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Ҳайдовчиларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки мажбурий техник кўрикдан ўтказилмаган ёхуд фойдаланиши ман этиладиган даражада носозлиги бўлган, худди шунингдек ишлаётганида ташқарига чиқараётган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори, шунингдек шовқин даражаси белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларини бошқариши, - энг кам иши ҳақининг иккidan бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.



2.3.2. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ИШОНЧНОМАЛАР ОРҚАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ТАСАРРУФ ҚИЛИШ

Транспорт воситаларининг техник хусусиятлари ушбу мулқдан бошқа шахсларнинг ҳам фойдаланиш имконини беради. Бундай фойдаланиш транспорт воситаси мулқдорининг рухсати – ишончномаси орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартағи 38-сонли “Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига кўра 2008 йил 1 декабрдан нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этишга оид ишончномаларни нотариал тасдиқлаш фақат «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, ҳимоя даражасига, серияя, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади.

Агар ишончнома биттадан ортиқ ишончли шахсга берилган тақдирда, у ишончли шахслар сони бўйича гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилади.

Ишончнома матнига қўйиладиган талаблар

Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончнома матнида асосий ишончнома тасдиқланган сана, жой ва реестр рақами, асосий ишончнома олган, берган ва ваколат ишониб топширилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзили, асосий ишончнома билан берилган барча ёки айрим ваколатларини (масалан, автомототранспорт воситасини сотиш, бошқариш, таъмиrlаш, ҳайдаб олиб бориш ва шу кабилар) берилаётганлиги ҳақида аниқ кўрсатилиши керак.

Ишончномалар 10 кун мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилигининг ДИҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак.

Транспорт воситаларидан ишончномасиз фойдаланиш (бошқариш) жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Транспорт воситаларидан фойдаланиши ёки уни тасарруф этиши ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, ҳудди шунингдек ишончномаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши - энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини тасарруф этиши ҳуқуқи билан ишончномаларни тасдиқлашынинг хусусиятлари

Мулк ҳуқуқининг бошқа обьектлари қатори қонунда транспорт воситаларини ҳам ишончномалар орқали тасарруф этишга йўл қўйилади. Мазкур ишончномаларни расмийлаштиришда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи билан ишончномаларни тасдиқлаш учун белгиланган талабларга кўшимча равишда автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўtkазиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилиши, ишончнома берувчи эр ёки хотиннинг мулкни тасарруф этишга розилиги ҳақидаги аризаси олиниб, имзоси шаҳодатлантирилиши лозим.

Агар кўчмас мулк ва автомототранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончнома берадиган фуқаронинг эри ёки хотини йўқ бўлса (бева бўлса ёки бўйдок), бу ҳақда нотариусга ёзма ариза тақдим этади. Бунда, фуқаронинг эри (хотини) йўқлиги (бўйдок, бева эканлиги) нотариустомонидан аниқланади. Ушбу ҳолатни аниқлаш учун нотариусга фуқаронинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд булар ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар асос бўлади.

Бундай ишончнома матнида вакилининг транспорт воситаларини тасарруф этиш ҳуқуқи албатта кўрсатилиши лозим ("тасарруф этиш ҳуқуқи билан", "олдисотди шартномасини расмийлаштириш ҳуқуқи билан" ва ҳ.к.).



18 ёшига тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшига тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Юридик шахсларга тегишили транспорт воситаларининг ишончномаси

Қонунга мувофиқ, юридик шахс номидан берилган ишончноманинг нотариал тасдиқланиши талаб қилинмайди.

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак.

Қайд этиш лозимки, "Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги"ги Низомнинг 2-бандига кўра низом талаблари юридик шахслар томонидан мазкур юридик шахсларнинг ходимларига автотранспорт воситаларидан фойдаланишга ишончномалар



берилиши ҳолларига татбиқ этилмайди. Яъни, агар юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи мазкур юридик шахс ходими бўлмаган шахсга берилган тақдирда, бундай ишончномалар умумий тартибда нотариал тасдиқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ҳамда фирмалар ваколатхоналарига ҳамда уларнинг ходимларига, оила аъзоларига тегишли «CMD», «D», «UN», «T», «X», «M» сериядаги давлат рақамларига эга бўлган автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини нотариал тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг розилигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

2.3.3. ТРАСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ОИД БИТИМЛАРНИ ТАСДИҚЛАГАНЛИК УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

Нотариуслар томонидан юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига мувофиқ ундирилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Нотариуслар томонидан юридик шахслар ўргасида, юридик ва жисмоний шахслар ўргасида, шартномаларини тасдиқлаганик учун давлат божки автомототранспорт воситаларининг олди-содги, алмаштириши, хади этиш шартномаларни тасдиқлаганик учун давлат божки

Юк ташувчи ва енгил автотранспорт (автобус, трактор, ўзиң юрар машина)	3 йилгача бўлганда	ЭКОИХнинг 10 фоизи
7 йилдан ортик бўлганда	ЭКОИХнинг 7 фоизи	
3 йилгача бўлганда	ЭКОИХнинг 5 фоизи	
7 йилдан ортик бўлганда	ЭКОИХнинг 30 фоизи	
3 йилгача бўлганда	ЭКОИХнинг 20 фоизи	
7 йилдан ортик бўлганда	ЭКОИХнинг 10 фоизи	
3 йилгача бўлганда	ЭКОИХнинг 5 фоизи	
7 йилдан ортик бўлганда	ЭКОИХнинг 3 фоизи	
7 йилдан ортик бўлганда	ЭКОИХнинг 2 фоизи	

* Энг кам ойлик иш ҳаки

Алмашириши шартномасини расмийлаштиришида давлат божки шу божниң кўп суммаси олинадиган факат 1 машинадан ундирилади.

Йўл-транспорти ходисаси налижасуда шикастланан автомототранспорт воситаларининг олди-содги алмаштириши ва хади этиш шартномалари расмийлаштирилаётганда боз микадри шу транспорт воситалари яроқлигининг колдик фоизига қараб ўзгафлариди ва чининг микадори битчукв қатнашчиларининг ҳохшига қура ва нотарусининг топшириғига бинан ўз Адлия вазирлигининг суд-экспертиза мусасасаларининг мутахассислари, бундай мусасасалар бўймаган ёки лоялтарда эса – “узавотехникамат” АЖ корхоналари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхомасининг 1994 йил 3 ноябрiddagi 533 -сан карори билан тасдиқланган давлат божки ставкалари (4-банийи)



З-БОБ

КҮЧМАС МУЛККА БҮЛГАН
МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ҲИМОЯ
ҚИЛИНИШИ





3.1. МУЛК ҲУҚУҚИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАР

Мулк ҳуқуқининг хусусиятлари уни амалга ошириш билан боғлиқ манбаатли муносабатларни юзага келтириши сабабли, ушбу жараёнда юз бериши мумкин бўлган низоли ҳолатларни бартараф этиш, мулқдорларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш тақозо қилинади.

Шахснинг мулқор бўлиш ҳуқуқи Конституциямизда қатъий белгиланган бўлиб, ушбу ҳуқуқ (мулқор бўлиш ҳуқуқи) бошқа ҳуқуқлар билан тенг равишда ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига кўра ҳар бир шахс мулқор бўлишга ҳаҷли.

Конституциянинг ушбу нормаси "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"да белгиланган ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргалиқда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги норма талабларига мосдир.

Фуқаролик кодексининг 166-моддасига кўра мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулқдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатdir. Ушбу вазифа мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини белгилаш, уни ҳимоя қилиш ва кафолатлашга қаратилган қонун нормалари орқали таъминланади.

Конституциянинг 53-моддасига кўра давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги қонунларининг ҳам мақсад ва вазифалари мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш ва кафолатлашга қаратилган. Мазкур қонунларга кўра давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратади.

Мулқдорнинг мол-мulkини олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мол-мулк мулқдордан олиб қўйилган тақдирда ҳам, агар бу ҳолат мулқдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирувни мол-мulkка қаратиш, шунингдек мусодара қилиш билан боғлиқ бўлмаса, албатта унинг қийматини тўлаган ҳолда амалга оширилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ



Бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланиши ва унинг суд орқали ҳимоя қилиниши қонун билан кафолатланади.

Мулқдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан қонун ҳужжатлариға мувофиқ тұла ҳажмда қопланиши керак.

Ушбу Қонунда белгиланған мулк ҳуқуқининг ҳимояси фуқаролик, иқтисодий, жинойи ва маъмурый қонунчилик нормалари воситасида амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишининг құйидаги усуллари белгиланған:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқук бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- битимни ҳақиқиүй әмас деб топиш ва унинг ҳақиқиүй әмаслиги оқибатларини құллаш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқиүй әмас деб топиш;
- шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
- зарарни тұлаш;
- неустойка ундириш;
- маънавий зиённи қоплаш;
- ҳуқуқиүй муносабатни бекор қилиш ёки ўзgartириш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг құлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутылған бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мүмкін.

Қонун мулк ҳуқуқини кафолатлаш ҳамда уни ҳимоя қилиш билан бирга, мулк ҳуқуқини амалда оширишда мулқдорнинг зиммасига муайян мажбуриятлар ҳам қоюлади.

Савол

Бундан ўн ой олдин автомашинамни Жавлон исмли шахсга сотиши ҳақида келишиб закалат пулы олған әдим. Келишүөвимизга күра у автомашинаның пулини менга уч ой мобайнида бўлиб-бўлиб бериси керак әди. Мен ишонганилгим учун автомашинани сотиб олувлуга бериб юбордим. Келишүвни ҳам нотариал расмийлаштиридик ва барча шартларни кўрсатдик. Лекин ўтган вақт давомида Жавлон менга автомашина учун ҳеч қандай пул бергани йўқ.

Хозирда мен автомашинани суд орқали қайтариб олмоқчиман.

Мен сотиб олувлидан автомашинамни ноқонуний эгаллаб турган даври учун қўшимча пул маблағи сўрашга ҳақлимамни?



Жавоб

Агарда олди-сотди шартномасида мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик учун пеня ундирилиши белгиланган бўлса, келишилган уч ойдан кейинги давр учун белгиланган пеняни ундиришингиз мумкин.

Шунингдек, автомашина орқали сотиб олувчи уни ноқонуний эгаллаб турган даврида (уч ойлик муддат тамомланганидан кейин) даромад қилганилигини исботлай олсангиз, ушбу даромадларни ундиришини талаб қилишингиз мумкин.

Фуқаролик кодексининг 172-моддасига кўра мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистъемол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.



Ўзига қарашли мол-мulkни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидадир.

Мулк ҳуқуқига нисбатан дахл қилиш нафақат фуқаролик қонунчилиги нормаларини бузган ҳолда, шунингдек, қатор ҳолатларда жиноий тажовузлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бундай тажовузлардан эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жавобгарлик белгиловчи нормалари орқали ҳимоя қилинади.

Жиноят кодексининг 2-моддасида унинг вазифаларидан бири сифатида шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, шу қаторда мулкни жиноий тажовузлардан қўриқлаш алоҳида белгиланган.

Бундай ҳимоя мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний қилмишни жиноий қилмиш сифатида белгилаш, тақиқлаш ва қилмишнинг жазога сазоворлигини эътироф этиш орқали амалга оширилади.

Жиноят кодексининг иқтисодиёт соҳасидаги 3-бўлимида мулкка тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб. Унга кўра:

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

- босқинчилик;
- товламачилик;
- талончилик;
- ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;
- фирибгарлик;
- ўғрилик;
- алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш;
- жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш;
- мулкни қўриқлашга виждансиз муносабатда бўлиш;
- мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш каби мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган қилмишлар жавобгарликка сазовор жиноий қилмишлар ҳисобланади.

Мулкка етказилган зарарнинг миқдори жиноий жавобгарликка асос бўлувчи қийматдан кам бўлса, бундай қилмишнинг ғайриқонуний эканлиги истисно этилмасдан, қилмишга маъмурий жавобгарлик нормалари орқали жавобгарликка тортиш билан муносабат билдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 7-бобида мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, қонунда мулк ҳуқуқининг ҳимоясини кафолатлаш ва ҳимоялаш, уни бузганлик учун жавобгарлик билан бирга, бундай ҳимояни амалга оширишнинг воситалари ҳам белгиланган.

Қонун талабларига мувофиқ, мулкий тусдаги ҳуқуқбузарликлар фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка асос бўлувчи қилмишлар учун ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга қаратилган муносабатларда бундай чораларни қўлловчи сифатида фақат давлатнинг ваколати идоралари – ҳуқуқни мухофаза қилувчи идоралар (суд, прокуратура, ички ишлар органлари) иштирок этишлари мумкин.

Фуқаролар ҳақиқатда уларнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳам, агарда бундай бузилиш ихтиёрий равишда бартараф этилмаган бўлса, ўз ҳуқуқларини тиклаш юзасидан фақат ваколатли давлат идораларга мурожаат қилгани ҳолда, бошқа ҳар қандай ноқонуний воситаларни инкор этишлари лозим.

Зеро, ҳуқуқни ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳам қонун талаблари мос бўлиши керак.



3.2. КҮЧМАС МУЛККА ОИД МУЛК ҲУҚУҚИННИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Мулк ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлаш учун қонунда бир қанча кафолатлар белгиланган. Ушбу кафолатлар мулк ҳуқуқи бузилган тақдирда унинг суд орқали ҳимоя қилиниши ва тикланишида ўз ифодасини топади.



Давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Судларда мулк ҳуқуқига оид низолар бўйича энг кўп учрайдиган даъво тоифалари қўйидагилардир:

- битимларни ҳақиқий эмас деб топишга оид;
- битимларни ҳақиқий деб топишга оид;
- мол-мulkка эгалик ҳуқуқини белгилашга оид;
- умумий мол-мulkка эгалик қилиш ва уни тасаррuf этишга оид;
- умумий мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратишга оид;
- гаров муносабатларига, хусусан, ундирувни гаровга қўйилган мол-мulkка қартишга оид;
- закалат билан таъминланган мажбуриятни бажармасликка оид;
- битимларни бекор қилиш ёки ўзгариришга оид;
- зарарни, хусусан, моддий ва маънавий зарарни ундиришга оид;
- меросни тақсимлашга оид;
- меросдан мажбурий улуш олишга оид;
- мерос таркибига кирадиган мол-мulkни олишда имтиёзли ҳуқуқни белгилашга оид;
- мерос гувоҳномасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топишга оид;
- ўй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилашга оид;
- ўй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ва фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишга оид;
- ўй-жойдан мажбурий тартибда кўчириш (бошқа турар-жой берган ёки бермаган ҳолда)га оид;
- турар-жой ижарасига оид;
- ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини белгилашга оид ва бошқ.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид аризалар низо мавжудлиги сабабли судга даъво тартибида тақдим этилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Савол

Үй сотиб олғанимга бир үшіл бўлди. Үй учун келишишган барча пулларни сотуечига берганман. Бу ҳақда сотувчи менга тилхат ёзиб берган, тилхатда уйнинг манзили, биз келишган баҳоси, келишишган пул маблағларини тўлиқ олғанилиги кўрсатилган. Ушбу тилхатга унинг хотини ҳам имзо қўйган.

Лекин ҳозирги кунга қадар турли важлар билан уйни менга нотариал олди-сотди шартномасига асосан расмийлаштириб беришдан бош тортисиб келмоқдада.

Мен ушбу ёзма тилхат орқали уйни ўз номимга расмийлаштириб ололаманми?

Жавоб

Сиз судга уйни сотган шахсга нисбатан ўртангиздаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида мурожаат қилишингиз лозим.

Судда жавобгар билан (уйни сотган шахс) ўртангиздаги битим бўйича келишишни тасдиқловчи ёзма далилларни тақдим эта олсангиз, тилхатда олди-сотди муносабатларини тасдиқловчи барча ҳолатлар тўлиқ кўрсатилган бўлса, суд қарори билан олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилиши мумкин. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириши талаб қилинмайди.

Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишга оид муносабатлардан келиб чиқадиган низолар Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра мол-мulk ёки ер майдони жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тааллукли ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилиги нормаларида белгиланган мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишинг асосий усуслари қўйидагича амалга оширилади:

- мулкни бироннинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъвolar);
- мулкдан фойдаланишда мулк эгасининг қилинган тўсиқларни бартараф этиши (негатор даъвolar);
- мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний битимлар (шартномалар)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарорлар чиқариш йўли билан қўриқлаш.

Кўлламманинг қўйидаги бўлимларида юқоридаги асосларга кўра мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тушунчasi, асослари ва амалга ошириш тартиби келтирилади.



3.2.1. ВИНДИКАЦИОН ДАЬВОЛАР

Мулкдорга қарашли мулк бирон-бир шахс (фуқаро ёки юридик шахс)нинг қонунсиз эгалигида бўлса, мулкдор ўз мулкини асл ҳолатида қайтариш ҳақида судга бундай шахсга нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли.

Фуқаролик қонунчилитига мулкдорнинг ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга қаратилган талаби виндиқацион даъволар дейилади.

Виндиқацион даъво мулкни инсофли эгалловчига нисбатан ҳам инсофсиз эгалловчига нисбатан ҳам қилиниши мумкин.

Инсофсиз эгалловчи деб мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтганлигини билган ёки билиши лозим бўлган эгалловчига айтилади.

Инсофли эгалловчи деганда, мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтишини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган эгалловчилар тушунилади.

Фуқаролик кодексининг 229-моддасига кўра агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкини берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Шу билан бирга мол-мулкни талаб қилиб олишда қонунда истиснолар ҳам назарда тутилган бўлиб, агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибида сотилган бўлса, мол-мулкни юқорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Пул инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас.

Қонун талабларига мувофиқ, ўзининг ғайриқонуний равишда бошқа шахсга ўтказилган мулкларини талаб қилиб олишда мулкдор бир вақтнинг ўзида қуидагиларни ҳам талаб қилиб олишга ҳақлидир:

- ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахсдан (инсофсиз эгалловчи) ушбу шахс мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тўлашини;

- инсофли эгалловчидан эса – у ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Үз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам мол-мулқдан қанча вақт давомида олинган даромад мулқдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларини тўлашни мулқдордан талаб қилишга ҳақли.

Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи мазкур нарсаларни ўзида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, лекин бу харажатлар ашёга қўшилган қийматдан кўп бўлмаслиги керак.

Виндикацион даъво бирорвнинг қонунсиз эгалигига бўлган ашёни қайтариб олиш ҳақидаги мулк эгасининг даъвоси бўлиб, ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, лекин ашёси қўлида бўлмаган шахс виндикацион даъво бўйича даъвогар бўлади.

Виндикацион даъвони билдиришга мол-мулкнинг эгасигина ҳақли бўлмасдан, улушли мол-мулкда улушлари бўлган мулк эгаларидан ҳар бири ҳам даъво қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, мулкни қонун ва шартномага биноан эгаллаб (сақлаб) турган шахслар ҳам виндикацион даъво қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Виндикацион даъвонинг мақсади – бузилган мулкий ҳуқуқни тиклашдан, ашёни бевосита мулк эгаси ихтиёрига қайтаришдан иборат.

Виндикацион даъвонинг предмети (нарсаси) – турга хос бўлган аломатлар (сон, оғирлик, ўлчов) билан белгиланадиган, шунингдек, индивидуал (хусусий) аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлиши мумкин.

Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ушбу мазмундаги даъво билан судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

Савол

Мен йигирма дона компютер воситаларини ижара шартномасига кўра якка тартибдаги тадбиркор Икром деган шахсга берган эдим. Ижара шартномасининг муддати тугаганлигига қарамасдан, компютерларни қайтармасдан келмоқда. Унга бу ҳақда мурожаат қилганимда, компютерлар ўзида эмаслигини, миший хизмат кўрсатиш биносида қолиб кетганлигини, бинонинг эгаси эса бинонинг ижараси бўйича қарздорлиги мавжулигини важ қилиб, уларни бермаётганлигини маълум қилди.

Мен ушбу ҳолатда компютерларни кимдан талаб қилишим керак?

Жавоб

Қонун талабларига кўра мол-мулкни ноқонуний эгаликдан талаб қилиб олиш ушбу мулкларни эгаллаб келаётган шахсга нисбатан амалга оширилади.



Гарчи Сиз ушбу компьютерларни якка тадбиркор Икромга берган бўлсангида, ҳозирда унинг эгалигида эмас. Бинони якка тадбиркорга ижарага берган шахс Сизга дахли бўлмаган ижара муносабатлари важи билан компьютер воситаларини ноқонуний эгаллаб келмоқда. Шу сабабли Сиз судга якка тартибдаги тадбиркор Икромга ва компьютер воситаларини эгаллаб келаётган шахсга нисбатан судга мол-мulkни ноқонуний эгаликдан талаб қилиб олиш ҳақида даъво тақдим этишингиз лозим.

3.2.2. НЕГАТОР Даъволар

Баъзи ҳолларда мулкий ҳуқуқнинг бузилиши ашёни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Ашё мулк эгасининг ихтиёрида, эгалигида бўлгани ҳолда мазкур ашёдан бирон-бир шахснинг ҳаракати тўсқинлик қилиши оқибатида фойдаланиш қийинлашиши ёки умуман фойдаланиш имкони бўлмай қолиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 231-моддасига кўра мулқдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво).

Мулк эгаларининг мулкни эгаллаш ваундан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш (гарчи бу эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилишиб билан боғлиқ бўлмаса ҳам) ҳақидаги талаблар негатор даъволар ҳисобланади.

Мазкур мазмундаги даъвонинг предмети мулк эгасининг мулкдан фойдаланишига нисбатан юзага келган тўсқинликни бартараф этиш ҳақидаги талаби ҳисобланади.

Савол

Бундан етти ой муқаддам уй сотиб олдим. Уйнинг эгаси бўлган шахс менга бир ҳафта ичидаги уйнинг рўйхатидан учисини маълум қилган эди. Ҳозирда ушбу уйни ижара шартномасига асосан бошқа шахсга бермоқчиман ва ушбу жараёнда уйни сотган шахснинг ҳозирга қадар рўйхатдан ўчмаганлигидан хабар топдим. Унинг розилигисиз ижара шартномасини тузиш мумкин эмас экан.

Уйни сотган шахснинг қаерда эканлигини билмайман. Аксига олиб шартномада унинг рўйхатдан ўчиши муддати кўрсатилмаган экан.

Шартномада унинг рўйхатдан ўчиши муддати кўрсатилмаган бўлса, уни суд орқали рўйхатдан чиқаришим мумкинми?

Жавоб

Сиз судга уйни сотган шахсни жавобгар сифатида кўрсатган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқини ўйкотган деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз лозим.

Шартномада рўйхатдан ўчиши муддатининг кўрсатилмаганлиги Сизнинг мулк ҳуқуқини амалга оширишингизга тўсқинлик қилмайди.

Қонун талабларига кўра нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ваунинг оила аъзоларининг турар-жой рўйхатидан чиқиб кетиши муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар-жойдан фойдаланиши ҳуқуқини ўйкотган деб ҳисобланади.

Виндиқацон даъволарда бўлгани каби, судга негатор даъвони мулк эгасигина эмас, ашёни қонуний асослар бўйича, хусусан, қонун ёки шартномага асосан эгалловчи шахс ҳам қўзғатишга ҳақли.

Зеро, Фуқаролик кодексининг 232-моддасига кўра гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, лекин мол-мulkка мерос қилиб қолдириладиган умброд эгалик, хўжалик юритиш, оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ёки қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга кўра эгалик қилаётган шахс ҳам ушбу Кодекснинг 228-231-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Бунга мисол тариқасида мулкни ижарага олувланиш мумкин, яъни, мулкни ижарага олувланиш мулк эгаси билан тузилган шартнома бўйича ашёдан вақтинча фойдаланувчи шахс билан бу мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганида ҳар кимга, шу жумладан, мулк эгасига нисбатан ҳам даъво қўзғатишга ҳақли.

Бундай даъволар учун номулкий тусдаги даъволарга белгиланган қийматда давлат божи ундирилади.

3.2.3. БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ

Мулк ҳуқуқининг кафолатлаш, унинг дахлсизлиги таъминлашда энг асосий омил унинг қонун талабларига мувофиқ вужудга келганлигидир. Қайд этилганидек, мулк ҳуқуқи вужудга келишининг энг кўп тарқалган турларидан бири уни битимлар асосида қўлга киритиш бўлиб, ушбу жараёнда битимларнинг тегишли тартибда тузилиши, яъни ҳақиқийлиги зарур аҳамият касб этади.

Қонунда белгиланган талабларга кўра битимлар ҳақиқий саналиши учун улар қўйидаги шартларга жавоб бериши лозим, яъни:



- битимларнинг мазмуни қонунга ва қонуности актларига мувофиқ бўлиши;
- битимларни тузувчи шахслар ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши;
- битимлар ҳақиқатдан ҳам юридик оқибатлар туғдириш мақсадини кўзлаган ҳолда тузилган бўлиши;
- битимлар тегишли шаклда ва тартибда тузилган бўлиши шарт.

Юқоридаги талабларга риоя қилинмасдан тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш орқали ҳимоя қилиниши шунда ифодаланади, мулкдорнинг хоҳишига зид равишда (муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган, янгишган ёки алданган) битим тузилиши оқибатида у маҳрум бўлган мулк қонуний эгалигига қайтарилади.

Фуқаролик кодексининг 9-бобида белгиланган битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари қатъий ҳисобланади.

Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги Фуқаролик кодекси 113-моддасининг 1-қисмида икки турга таснифланган бўлиб, унга кўра битим Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган асосларга кўра:

- суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим);
- бундай деб топилишидан қатъий назар ҳақиқий эмас (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган) деб ҳисобланади.

Низоли битим деганда, битим кўринишида содир этилган ҳаракатлар суд томонидан қонунда назарда тутилган асосларга кўра фақат ваколатли шахсларнинг даъвоси билан ҳақиқий эмас деб топилиши тушунилади.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим деганда, битим кўринишида содир этилган ҳаракатлар қонун талабларига номувофиқ бўлганлиги сабабли унинг иштирокчилари кўзлаган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқара олмаслиги тушунилади.

Фуқаролик кодекси 113-моддасининг 3-қисмига кўра ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини кўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Қонун талабларига кўра битимларни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибida амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 17-сонли қарорида Фуқаролик кодексида белгиланган битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари, оқибатлари ва мазкур тоифада иш юритишга оид бошқа аҳамиятли ҳолатлар юзасидан тушунтиришлар берилган.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Низоли битимлар

- Конун талаб қыладыган шаклига риоя этмасдан тузилган битимни ҳақиқий эмаслиги. (ҮзР Фуқаролик кодекси 115-моддаси)
- 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ҮзР Фуқаролик кодекси 118-моддаси)
- Муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ҮзР Фуқаролик кодекси 120-моддаси)
- Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ҮзР Фуқаролик кодекси 121-моддаси)
- Янглишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ҮзР Фуқаролик кодекси 122-моддаси)
- Алдаш, зўрлик, кўркитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятида келишиши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 123- моддаси)
- Фуқаро оғир ҳолатлар юз берishi туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишига мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) (ЎзР Фуқаролик кодекси 123-моддаси)
- Юридик шахс ҳукукий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 125- моддаси)
- Битим тузиш ваколатларини чеклаш оқибатлари натижасида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 126-моддаси)

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар

- Конун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 116-моддаси)
- Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 117-моддаси)
- Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 119-моддаси)
- Юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим)нинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 124-моддаси)
- Бошقا битимни ниқоблаш мақсадида тузилган битим (кўзбўячалик битими)нинг ҳақиқий эмаслиги (ЎзР Фуқаролик кодекси 124-моддаси)



Пленум қарорининг 10-бандида янгилишиш, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимлар тушунчалари ёритилган.

Унга кўра, янгилишиш таъсирида тузилган битим деб, битим юзасидан келиб чиқувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, яъни тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-иродасини акс эттирасдан, битим тузилган вақтда тарафлар томонидан назарда тутилмаган ҳуқуқий оқибатларга олиб келган битим тушунилади. Янгилишиш ҳар хил ҳолатлarda кўриниши мумкин, масалан, музокара вақтида тарафлар бир-бирларини тушунмаганликлари, қонунларни нотўғри талқин қилганиллари, битимнинг ҳақиқий оқибатларини нотўғри тасаввур этганиллари ва бошқалар.

Шу билан бирга қонунни билмаслик битимнинг ушбу асос билан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Алдаш бу бир тарафнинг битим тузилишида назарда тутилган ҳолатларнинг юзага келмаслигини била туриб, атайн иккинчи тарафни битим тузишига ундашга қаратилган айбли ҳаракатидир. Алдаш битимнинг элементларига, унинг доирасидан ташқаридағи ҳолатларга, шунингдек, битимни амалга ошириш юзасидан битим иштирокчиси хоҳиш-иродасини шакллантириш учун аҳамиятга эга бўлган сабаб ва мотивларга қаратилган бўлади.

Зўрлик деб, битим иштирокчисига (унинг яқин кишиларига) жисмоний ёки руҳий азоб бериш натижасида битим тузишига мажбур қилиш тушунилади. Зўрлик ноқонуний хатти-ҳаракат бўлиб, уни жиноий жавобгарликка тортиш шарт бўлмаган ҳаракатларда ҳам кўриниши мумкин. Масалан, хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда шартнома юзасидан мажбурият олувланинг эркига таъсири қилиш.

Қўрқитиш деб, битим иштирокчисининг эркига руҳий таъсири кўрсатиш натижасида унинг учун ноқулай бўлган битим тузишига мажбуrlаш тушунилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қайд этилган асос бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг зарур шартларидан бири қўрқитишнинг реаллиги ҳисобланади.

Бир тараф вакилининг иккинчи тараф вакили билан ёмон ниятда келишуви деб, вакилнинг бошқа тараф билан ваколат берувчи манфаатларига зид шартлар асосида келишуви тушунилади.

Оғир ҳолатларнинг юз бериши таъсирида тузилган битим деганда, бир тарафнинг ўзи учун ўта ноқулай шартлар асосида битим тузатганлигини англаши (бу ерда янгилишиш ҳам, алдаш ҳам бўлмайди), лекин уни тузишига мажбур бўлиши тушунилади.

Бунда қўйидаги икки шартнинг мавжуд бўлиши битимни оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилганлиги учун ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади:

а) оғир ҳолатлар юз бериши туфайли бир тарафнинг ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан битим тузишига мажбур бўлиши;

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

б) иккинчи тарафнинг бундай ҳолатдан фойдаланиб, битим тузишга қаратилган ҳаракатининг мавжудлиги.

Юқорида қайд этилган асослар бўйича битимларнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш мажбурияти даъвогарга юклатилади. Яъни, янгишиш, алдаш, зўрлик қилиш, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида битим тузилганлиги асоси билан судга мурожаат қилинганда ушбу важлар ҳам даъвогар томонидан исботланиши лозим.

Мулкнинг ҳақиқий қиймати олди-сотди шартномасида кўрсатилган қийматдан юқори бўлиши нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди (оғир ҳолатларнинг юз бериши таъсирида тузилган олди-сотди шартномаси бундан мустасно).

Даъво муддати. Юқоридаги Пленум қарори 5-бандининг 1-қисмига кўра башарти қонун ёки мажбуриятларнинг айрим турларини тартибга солувчи ФК нормаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар бўйича умумий даъво муддати – уч йил.

Битимларни ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари. Фуқаролик кодексининг 114-моддасига кўра ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулқдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Битимнинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланши пайти. Фуқаролик кодексининг 127-моддасига кўра ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас ҳисобланади. Битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги англашилса, ҳақиқий эмас деб топилган битим келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтайди.

Давлат божи. Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаблари бўйича мулкий тусдаги даъволар учун ўрнатилган тартибда даъво баҳосидан келиб чиққан ҳолда унинг 2 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилади.



СУД АМАЛИЁТИ

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, хонадон ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига ҳақ эвазига мулк қилиб топширишини ўз зиммасига олади. Шартнома мазмунига кўра кўчмас мулкни сотиб олган шахснинг маълум муддат ўтганидан кейин унинг сотувчисига қайтариб бериши назарда тутилмайди. Мулкни муайян мажбуриятлар бажарилганидан кейин уни аввалги мулкдорга қайтариб беришини назарда тутивчи муносабатлар фуқаролик қонунчилигида гаров шартномасига хосдир.

Фуқаро Р.Саттаров таниши Т.Чориевнинг илтимосига кўра тижорат ишларини юритиш учун 10 ой муддатга ўзига тегишли бўлган низоли хонадонни унинг номига расмийлаштириб туришга келишган. Келишувга мувофиқ низоли хонадон фақат банкдан кредит олиш учун гаров тариқасида туриши лозим бўлиб, кредит қопланганидан кейин хонадон ўз номига қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган. Лекин ўз ўз номига расмийлаштирилганидан кейин Т.Чориев кредит тўлови қопланганлигига қарамасдан, хонадонни Р.Саттаровнинг номига қайта расмийлаштириб бермасдан, аксинча, уни уйдан кўчиришни ҳамда ўзини оила аъзолари билан уйга киритишни сўраб даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ўз навбатида Р.Саттаров судга низоли хонадон юзасидан тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўз аризасида ўрталаридағи ҳақиқий муносабатларни, олди-сотди бўйича аслида ҳеч қандай келишув бўлмаганлигини, низоли хонадоннинг олди-сотдиси учун ҳеч қандай пул олмаганлигини, ҳозирги кунда ҳам низоли хонадонда яшаб, барча коммунал тўловларни ўзи тўлаб келаётгандигини маълум қилган.

Иш ҳужжатларидағи мавжуд кредит шартномаси ҳамда хонадоннинг олди-сотди шартномаси мазмунидан тарафлар Р.Саттаров ва Т.Чориевлар низоли хонадоннинг олди-сотди шартномасини расмийлаштирганликлари, ушбу шартнома бўйича хонадон учун тўлов банк ипотека кредити асосида амалга оширилганлиги кўринади. Лекин судга Р.Саттаров томонидан тақдим этилган далиллар тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартнома мазмунида акс эттирилганидан кўра аслида бошқача бўлганлигини кўрсатади.

Хусусан, иш ҳужжатларида Т.Чориев ва унинг турмуш ўртоғи Л.Чориевалар томонидан ёзилган тилхат мавжуд бўлиб, унда улар низоли хонадонни кредит шартномаси бўйича кредит тўловлари қопланганидан кейин Р.Саттаровнинг номига қайта ҳеч қандай эътироzlарсиз ўtkазиб беришлари лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 479-моддасига кўра кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, хонадон ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишини ўз зиммасига олади. Юқоридаги шартномада кўчмас мулкни сотиб олган – мулк қилиб олган шахс маълум муддат ўтганидан кейин уни сотувчига қайтариб бериши назарда тутилмаган.

Тарафлар ўртасидаги шартнома банкдан кредит маблағлари олиш ҳамда ушбу кредит маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиб, кейинчалик ушбу

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

кредит қолланганидан кейин хонадонни қайтариб бериш мақсадида тузилганлиги ушбу шартноманинг олди-сотди муносабатларини ифодаламаслигини кўрсатади.

Олди-сотди шартномаси номига, Т.Чориев ушбу хонадондан гаров мулки сифатида фойдаланиб, банқдан кредит олиши учун вақтинча тузилган бўлиб, бироқ Т.Чориев ўзаро келишув шартларини бажармаганлиги оқибатида ўртада низо келиб чиқкан.

Фуқаролик кодекси 124-моддасининг 1-қисмига кўра, юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмасdir.

Мазкур кодекснинг 114-моддасига кўра ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасdir.

Суднинг ҳал қиувларни қарори билан даъвогар Т.Чориевнинг уйдан кўчириш ва уйга киритиш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад қилиниб, Р.Саттаровнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъво талаблари қаноатлантирилган ва ушбу хонадон Р.Саттаровнинг эгалигига қайтарилиган.

ШАРХ: Суд томонидан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга тарафларнинг низоли шартнома бўйича ҳақиқий муносабатлари асос бўлган. Яъни, гарчи ишада мавжуд ҳужжатлар – шартномалар ва тўлов топшириқномаларидан низоли хонадон сотилганлиги ва бунинг учун тўловлар амалга оширилганлиги кўринисада, тарафлар ҳақиқатда ушбу хонадоннинг олди-сотдиси юзасидан келишимаганлар.

Тарафларнинг келишуви хонадондан вақтинча кредит олиши учун гаров мулки сифатида фойдаланиб туршидан иборат бўлган. Бу ҳолат судга тақдим этилган ёзма тилхат билан тасдиқланади.

Фуқаролик қонунчилигига кўра, мулкни тасарруф қилишининг шартларига қараб шартноманинг тури ўзгариб боради.

Хусусан, олди-сотди шартномаси талабларига кўра, тарафларнинг ўзаро муносабатлари фақат мулкни ҳақ эвазига сотиш ва уни сотиб олишидан иборат бўлиши, ушбу келишув бошқа шартнома шартларини ифодаламаслиги лозим. Судда кўрилган ҳолат бўйича тарафларнинг низоли хонадонни кредит учун гаров объекти сифатида фойдаланиб, кредит қолланганидан кейин қайта расмийлаштириб бериши ҳақидаги келишуви эса олди-сотди шартномаси қоидаларига хос эмас. Ушбу ҳолатда олди-сотди шартномаси номига, кредит олуви чида гаров предметини юзага келтириши учун амалга оширилган.



СУД АМАЛИЁТИ

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир.

Фуқаро Р.Мардонов 2010 йил 10 ноябрда фуқаро Г.Николаев билан унга тегишли бўлган хонадоннинг олди-сотдиси бўйича келишган. Низоли хонадон бўйича келишилган ҳисоб-китоб тарафлар ўртасида тўлиқ амалга оширилган. Лекин ушбу келишув амалга оширилган вақтда Г.Николаевни фуқаролик паспортининг амал қилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли ушбу шартномани нотариал тартибда расмийлаштиришнинг имкони бўлмаган ҳамда сотувчи томонидан Р.Мардоновга ҳақиқатдан ҳам ўзига тегишли бўлган хонадонни сотганлиги, паспорти сабиқ Иттифоқ намунасидаги паспорт бўлиб, амал қилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли олди-сотди шартномасини нотариал тартибда расмийлаштира олмаганилиги, бир йил муддат ичида хонадонни унинг номига расмийлаштириб бериши ва хонадонга рўйхатга қўйиши ҳақида тилхат ёзib берилган.

Р.Мардонов ўзаро келишувга мувофиқ низоли уйга оила аъзолари билан кириб яшашни бошлаган бўлсада, низоли уй нотариал тартибда расмийлаштирилмаган. Орадан муайян вақт ўтганидан кейин Г.Николаевнинг Россия Федерациясига чиқиб кетганлиги маълум бўлиб, уни топиш учун қилинган ҳаракатлар натижа бермаганидан кейин Р.Мардонов судга жавобгар Г.Николаевга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд томонидан жавобгар Г.Николаевнинг манзилини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳамда иш жавобарнинг иштирокисиз Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 139-моддаси тартибида кўрилган.

Даъвогар томонидан судга тақдим этилган жавобгар Г.Николаев томонидан 2010 йил 10 ноябряда ёзилган тилхатда у ўзига тегишли бўлган хонадонни даъвогар Р.Мардонга 40 миллион сўмга сотганлиги ва пулни тўлиқ олганлиги, ўзида мавжуд сабиқ Иттифоқ намунасидаги паспортни алмаштириши билан уйни нотариал расмийлаштириб бериши кўрсатилган.

Ушбу тилхатнинг ёзилишида гувоҳлар иштирок этган бўлиб, унинг мазмунини ўз имзолари билан тасдиқлаганлар.

Олий суд Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айrim масалалар тўғрисида”ги қарорининг 5-бандига кўра сабиқ мулк соҳиби вафот этган ёки унинг манзилини аниқлаш имкони бўлмаганда суд-хусниҳат экспертизасини ўтказиши мақсадга мувофиқлиги белгиланган бўлиб, иш бўйича тайинланган суд-хусниҳат экспертизасининг хulosасида иш материалларига даъвогар томонидан тақдим этилган тилхатдаги ёзувлар ва имзо ҳақиқатдан ҳам Г.Николаев томонидан амалга оширилганлиги кўрсатилган.

Тарафлар ўртасида ҳақиқатдан низоли хонадоннинг олди-сотди шартномаси бўйича келишув бўлганлиги ва даъвогар Р.Мардонов томонидан келишув бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганлиги Г.Николаев томонидан ёзилган тилхатта имзо ќўйган гувоҳларнинг судда берган кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланган.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 109-моддасига кўра битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмуни ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар.

Мазкур кодекси 112-моддасининг 2-қисмига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди

Олий суд Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорининг 4-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 112-моддасига мувофиқ битимнинг қисман ёки тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги ёзма далиллар мавжуд бўлганда ёхуд жавобгар томонидан битим тузилганлиги тан олинганда судлар ҳар қандай битимларни эмас, фақатгина қонунда нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинадиган битимларни ҳақиқий деб топишлари мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар Р.Мардоновнинг жавобгар Г.Николаевга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган.

ШАРХ: Суд томонидан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишга тарафларнинг низоли уйнинг олди-сотдиси бўйича ҳақиқатдан келишганликлари, ушбу келишиув бўйича бир тараф – сотиб олувчи томонидан ўз мажбуриятларининг тўлиқ бажарилганлиги, яъни уй учун белгиланган ҳақни тўлиқ берганлиги асос бўлган.

Келишувнинг ҳақиқатда бўлганлиги ҳамда мажбуриятларнинг бажарилганлиги фуқаролик қонунчилиги талабларига кўра фақат ёзма далиллар билан исботланиши мумкин. Даъво талабларини қаноатлантиришида жавобгар (сотувчи) томонидан низоли уйни ҳақиқатдан ҳам даъвогарга сотиб, бунинг учун пул маблағларини тўлиқ олганлиги ҳақидаги ёзма тилхат асосий далил ҳисобланади.

Даъвогарда уй-жойнинг олди-сотдисини исботловчи ёзма далил мавжуд бўйласа, қонун боиша ҳар қандай далиллар, жумладан, гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки аудио ва видеөозувларни битим тузилганлигини тасдиқловчи далил сифатида қабул қила олмайди. Яъни, битим тузилганлиги юзасидан ёзма далил мавжуд бўймаганда, даъвогар олди-сотди шартномасини қонун талабларига мувофиқ исботлаш имконидан маҳрум бўлар эди.



3.3. КҮЧМАС МУЛК ВА ШАРТНОМА ҲУҚУҚИГА ОИД АСОСИЙ Даъво ТАЛАБЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Мулк ҳуқуқини амалга оширишда мулқдорнинг устун ҳуқуқлари қонун орқали эътироф этилиб, ҳимояланади, кафолати таъминланади. Шу билан бирга мулкий муносабатлар иштирокчилари ўртасида низоли ҳолатлар юзага келиши, мулқдорнинг ҳуқуқларини бузиш ва уни амалга оширишга тўсқинлик қилиш ҳолатлари мавжудлиги суд амалиётининг таҳлилидан ҳам кўринади.

Бундай низоли ҳолатлар асосан мулкка оид шартномавий муносабатлар тарафларининг ўз мажбуриятларини бажармасликлари, умумий мулк иштирокчиларининг мол-мулқдан фойдаланишда келишувга эриша олмасликлари, мулкий манфаат кўриш мақсадида қонун талабларини бузиш, мулқдорнинг ўз мол-мулкидан фойдаланишига тўсқинлик қилиш кўринишида юз беради.

Таъкидлаш лозимки, эгалигидаги мол-мулкига нисбатан ҳар қандай ҳуқуқбузарликни ва юзага келган низоли ҳолатни бартараф этишда шахс гарчи ушбу мол-мулкнинг қонуний мулқдори бўлсада, фақат қонунда белгиланган воситалар орқали ҳаракат қилишга ҳақлидир.

Мулк ҳуқуқининг бузилиши ихтиёрий бартараф этилмаган тақдирда мулқдорнинг ўз ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат қилиши энг тўғри ва самарали восита ҳисобланади.

Бироқ мулқдор ҳар доим ҳам судга қандай тартибида мурожаат қилиш, ушбу мурожаатда қандай важларни келтириш, кимга нисбатан ва қандай талабни қўйиш, ўз талабларини қандай қилиб исботлашни, ушбу жараён қайси қонун нормалари билан тартибга солинишини билмайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, бу орқали уларнинг ўз ҳуқуқларини, хусусан, мулкий ҳуқуқлари ҳимоясини амалга ошириш лаёқатини шакллантириш ушбу жараёндаги асосий мақсад ҳисобланади.

Фуқаролик тартибида судда иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири суднинг ишни арз қилинган талаблар доирасида кўриб чиқишидир. Қолаверса, процессуал қонунчилик арз қилинган талабларни (важларни) тасдиқлашни аризачининг зиммасига юклайди. Бу эса судларга топшириладиган аризаларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилиши, унда талабларнинг аниқ ва қонуний асослантирилган ҳолда, важларни тасдиқловчи далилларни келтирган ҳолда топширилиши аҳамиятини ортиради.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4. ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИДА КЕНГ УЧРАЙДИГАН МУЛК ҲУҚУҚИГА ОИД НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАР БҮЙИЧА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ЙЎНАЛИШ БЕРУВЧИ МАЪЛУМОТЛАР

3.4.1. МУЛК ҲУҚУҚИНИ БЕЛГИЛАШ (ЭГАЛИК ҲУҚУҚИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРУВЧИ МУДДАТ АСОСИДА)

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи

Даъво аризаси берилаётган суд судловга таалуқлийкнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк тури: кўчар ёки кўчмас мулк

Мулк номи: масалан, транспорт воситаси

Мулкнинг жойлашган манзили:

Мулкнинг баҳоси (сўмда)

Даъвогар ҳақиқатда эгалик қилишни бошлаган сана

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогарнинг эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини белгилашни талаб қилишига асос қилиб келтираётган ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда,



фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг мулкни ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгаллаб келишини тасдиқловчи ҳужжатлар (далиллар)

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) яни, даъвонинг баҳоси мулкнинг қийматига тенг бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-боби, 164, 182-188, 228, 230-моддалари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 11, 12-бандлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 27-банди.

Қўшимча изоҳ:

Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат). Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсада ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олганга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Эгалик қилиш муддатини важ қилиб келтирадиган шахс ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахснинг бу мол-мулкка эгалик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгалик қилиш вақтига кўшиши мумкин.

Шахс ихтиёрида бўлиб, Фуқаролик кодексининг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.2. ЭГАЛИК ҲУҚУҚИНИ БЕЛГИЛАШ (ЎЗБОШИМЧА ҚУРИЛМАГА НИСБАТАН)

Ариза тuri: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи

Даъво аризаси берилаётган суд судловга тааллуқлийкунинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк номи:

Мулкнинг жойлашган манзили:

Мулкнинг таҳминий баҳоси (сўмда)

Даъвогар ҳақиқатда эгалик қилишини бошлаган сана

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогар ўзбошимча қурилмага эгалик ҳуқуқини белгилашни талаб қилишига асос қилиб келтираётган ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Эгалик ҳуқуқини судсиз белгилашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (далиллар)нинг нусхалари



Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) яни, даъвонинг баҳоси мулкнинг қийматига тенг бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3, 23, 24-26-бандлари;
- Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Конунининг 33-моддаси 1-банди;
- Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунининг 23-моддаси 1-банди.

Қўшимча изоҳ:

Конун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга – сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақди эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса эътироф этилиши мумкин.

Иморат қурилган ер участкасининг мулқдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгилаган миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.3. УМУМИЙ БИРГАЛИКДАГИ МУЛК ДЕБ ТОПИШ

Ариза түри: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси бериләёттан суднинг номи

Даъво аризаси бериләёттан суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк түри: кўчар ёки кўчмас мулк

Мулк номи: масалан, хонадон

Мулкнинг жойлашган манзили:

Мулкнинг тахминий баҳоси (сўмда)

Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганингига оид маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари, унинг жойлашган манзили, ҳақиқатда ким фойдаланаётганлиги ва ҳ.к.)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогарнинг низоли мулкни умумий биргаликдаги мулк деб ҳисоблашига ва ушбу мазмундаги талабига асос қилиб келтираётган ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома



Низоли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганилиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) яъни, даъвонинг баҳоси мулкнинг қийматига тенг бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 18-боби;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Ўй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 22-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Якка тартибида қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарори.

Кўшимча изоҳ:

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигига бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулқдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргалиқдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргалиқдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумий биргалиқдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Тақсимланадиган мол-мулкнинг умумий биргалиқдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади.

Биргалиқдаги мулк иштироқчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса – суднинг қарорига мувофиқ умумий мол-мулк бу шахсларнинг улушки мулки қилиб белгилаб қўйилиши мумкин.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.4. УМУМИЙ БИРГАЛИКДАГИ МУЛҚДАГИ УЛУШЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

Ариза түри: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи

Даъво аризаси берилаётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк түри: кўчар ёки кўчмас мулк

Мулк номи: масалан, хонадон, автомашина

Мулкнинг жойлашган манзили:

Мулкнинг таҳминий баҳоси (сўмда)

Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганигига оид маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари, унинг жойлашган манзили, ҳақиқатда ким фойдаланаётганлиги ва ҳ.к.)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогарнинг умумий биргаликдаги мулқдаги улушларни белгилашни талаб қилишига асос қилиб келтираётган ҳолатлар (даъвогар ва жавобгарнинг улушларини кўрсатган ҳолда)

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома



Низоли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) яъни, даъвонинг баҳоси мулкнинг қийматига тенг бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 18-боби;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 22-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Якка тартибида қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарори.

Қўшимча изоҳ:

Агар улушли мулк иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисобланади.

Улушли мулк барча иштирокчиларнинг келишуви билан иштирокчилардан ҳар бирининг улушкини уларнинг умумий мол-мулкни вужудга келтириш ва қўпайтиришга кўшган ҳиссасига қараб аниқлаш ва ўзгартириш тартиби белгиланиши мумкин.

Умумий мол-мулқдан фойдаланишининг белгилаб қўйилган тартибига амал қилган ҳолда ушбу мол-мулкни ўз ҳисобидан ажратиб олиш мумкин бўлмайдиган тарзда яхшилаган улушли мулк иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушкининг тегиши даражада қўпайтирилишига ҳақли бўлади.

Умумий мол-мулқдаги ажратиб олиш мумкин бўладиган яхшилашлар, агар улушли мулк иштирокчиларининг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу яхшилашларни амалга оширган иштирокчининг мулкига қўшилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.5. УЛУШЛИ МУЛҚДАГИ МОЛ-МУЛКНИ ТАҚСИМЛАШ

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилетган суднинг номи

Даъво аризаси берилетган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р. ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк тури: кўчар ёки кўчмас мулк

Мулк номи: масалан, корхона, хонадон

Мулкнинг жойлашган манзили:

Мулкнинг таҳминий баҳоси (сўмда)

Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганигига oid маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари, унинг жойлашган манзили, ҳақиқатда ким фойдаланаётганилиги ва ҳ.к.)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогарнинг умумий биргалиқдаги мулкни тақсимлашни талаб қилишига асос қилиб келтираётган холатлар (даъвогар ва жавобгарда мавжуд бошқа мулкларни кўрсатган ҳолда)

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома



Низоли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганилиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) яъни, даъвонинг баҳоси мулкнинг қийматига тенг бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 18-боби;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Ўй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 22-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Якка тартибида қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарори.

Кўшимча изоҳ:

Улушли мулқдаги мол-мulkни тақсимлаш – ушбу мол-мulkнинг мулқдорларга уларнинг улушларига мутаносиб равишда ўтиши ва ушбу мол-мulkка нисбатан умумий мулк ҳуқуқининг тугатилишидир.

Умумий мулқдан улуш ажратиш – ушбу мол-мulkнинг умумий мулк иштирокчисининг улушига тенг қисмининг унга ўтиши ва ушбу шахснинг умумий мулқдаги улушга бўлган ҳуқуқининг тугатилишидир.

Умумий мол-мulkни бўлиш ва ундан улуш ажратиш бир-биридан қуйидагича фарқланади. Биринчи ҳолатда умумий мулк иштирокчилар ўртасида тақсимланиб, ҳар бирининг эгалигига муайян мулк берилади. Иккинчи ҳолатда эса умумий мулк иштирокчиси ўз улушига тенг мол-мulkни ажратишни сўрайди, қолган мол-мulk эса бошқа иштирокчиларнинг ўртасида умумий мулк бўлиб қолаверади. Табиийки, мулк ҳуқуқидан улуш ажратиш улушли мулкнинг иштирокчилари иккитадан кўп бўлганда амалга оширилади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.6. УМУМИЙ МУЛҚДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИИ БЕЛГИЛАШ

Ариза түри: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи

Даъво аризаси берилаётган суд судловга таалуқлийкунинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк түри: кўчмас мулк

Мулк номи: масалан, хонадон

Мулкнинг жойлашган манзили:

Мулкнинг таҳминий баҳоси (сўмда)

Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганигига оид маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари, унинг жойлашган манзили, ҳақиқатда ким фойдаланаётганлиги ва ҳ.к.)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогарнинг умумий биргалиқдаги мулқдан фойдаланиш тартибини белгилашни талаб қилишига асос қилиб келтираётган ҳолатлар (шунингдек, умумий мулқдан фойдаланиш бўйича мавжуд тартиб, даъвогар ва жавобгарда мавжуд бошқа мулкларни кўрсатган ҳолда)

Даъвогар томонидан талаб қилинаётган (таклиф этилаётган) умумий мулқдан фойдаланиш тартибига оид вариант



Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Низоли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари
Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божиҳи тўланганлиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) яъни, даъвонинг баҳоси мулкнинг қийматига тенг бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибига солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 18-боби;
- Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 4-боби;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 22-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Якка тартибида курилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарори.

Кўшимча изоҳ:

Улушли мулқдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчilari келишувига мувофиқ амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, улушли мулқдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш суд томонидан белгиланадиган тартибида амалга оширилади.

Улушли мулк иштирокчиси умумий мол-мулкнинг иштирокчи улушига тенг бўлган қисми ўзининг эгалигига ва фойдаланишига берилишига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда эса – ўз улушки бўлган мол-мулкка эгалик қиласётган ва ундан фойдаланаётган бошқа иштирокчилардан тегишли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.7. ЭГАЛИК ҚИЛИШДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ (НЕГАТОР ДАҶВО)

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи
Даъво аризаси берилаётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р. ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварафи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк тури: кўчмас мулк

Мулк номи: масалан, уй (ховли)

Мулкнинг жойлашган манзили:

Мулкнинг тахминий баҳоси (сўмда)

Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганигини тасдиқловчи хужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганигига оид маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари, унинг жойлашган манзили, ҳақиқатда ким фойдаланаётгандиги ва ҳ.к.)

5) Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, мулкдорнинг ҳуқуқлари (эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган) бузилиши барҳам топиши учун жавобгар бажариши (тўхтатиши) лозим бўлган ҳаракатларнинг тавсифи

Даъвогарнинг ҳуқуқлари (эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган) бузилишига оид маълумотлар:

Жавобгарнинг даъвогарнинг ҳуқуқлари бузилишига асос бўлган ҳаракатлари

Жаъвогарнинг низони судга қадар ҳал этиш юзасидан қилган ҳаракатлари



Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда дъявогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Низоли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари
Дъявогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 19-боби, 182-185, 187-188, 207-211, 216-223, 225-226, 231-моддалари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги "Фуқаролик ишларини кўриша судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ти 11-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Якка тартибида қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарори.

Қўшимча изоҳ:

Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво).

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.8. МОЛ-МУЛКНИ РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИШ (ХАТЛОВДАН ЧИҚАРИШ)

Ариза тuri: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси бериладиган суднинг номи

Даъво аризаси бериладиган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р. ФПКниг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:

Мулк тuri: кўчмас мулк

Мулк номи: масалан, транспорт воситаси

Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлигига oid маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари, унинг жойлашган манзили, ҳақиқатда ким фойдаланаётганлиги ва ҳ.к.)

Қачон ва қандай асосга кўра мулкка тақиқ қўйилганлиги ва хатланганлиги ҳақидаги маълумот

Мулкка тақиқ қўйган ёки уни хатлаган идоранинг номи

Мулкнинг тахминий баҳоси (сўмда)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисбловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогарнинг тақиқ қўйилган (хатланган) мол-мулкни тақиқдан (хатловдан) чиқариш учун асос қилиб келтираётган ҳолатлар

Даъвогар томонидан рўйхатдан (хатловдан) чиқарилиши сўралаётган мулклар



Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда дъявогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Низоли мулкка нисбатан мулк ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Дъявогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганилиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳукуқий муносабатларни тартиба солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 242-моддаси, 19-боби;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1993 йил 16 апрелдаги "Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўрища қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида"ги 13-сонли қарори.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.9. МОЛ-МУЛКНИ БОШҚА ШАХСНИНГ ҚОНУНСИЗ ЭГАЛИГИДАН ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШ

Ариза түри:	Даъво ариза
Суд номи:	Даъво аризаси берилеётган суднинг номи Даъво аризаси берилеётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).
Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар	
Жисмоний шахс бўлса: - фамилияси, исми ва отасининг исми - яшаш жойи; - паспорт серияси ва рақами - солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР); - жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР); - телефон рақами; - электрон почта манзили.	Юридик шахс бўлса: - юридик шахс номи - манзили; - банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО - солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР); - телефон рақами; - электрон почта манзили.
Низоли мулк тўғрисида маълумотлар:	
Мулк туро: кўчар ёки кўчмас мулк	
Мулк номи: масалан, транспорт воситаси	
Мулкнинг жойлашган манзили:	
Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлигига оид маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари)	
Мулкнинг даъвогарнинг эгалигидан чиқиб кетган сана, унинг сабаблари	
Даъвогар томонидан мулкни талаб қилиб олиш бўйича мустақил равишда кўрилган чоралар (ҳаракатлар) (жавобгарнинг мулкни ихтиёрий қайтаришини рад этганинги кўрсатган ҳолда – эркин шаклда)	
Мулкнинг тахминий баҳоси (сўмда)	
Даъвонинг асоси	
Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогарнинг мулкни ноқонуний эгалиқдан талаб қилиб олишига асос қилиб келтираётган ҳолатлар	
Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати	
Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома	



Низоли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганилиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164, 166, 228-моддалари, 15-боби;
- Ўзбекистон Республикаси "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонуни 33-моддасининг 1-қисми;
- Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаoliyati эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 23-моддасининг 1-қисми;
- Ўзбекистон Республикаси "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддаси.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.10. МОЛ-МУЛКДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ ДАВРИДА ЭГАЛЛОВЧИ (ИНСОФЛИ/ИНСОФСИЗ) ТОМОНИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР (ЗАРАРЛАР)НИ УНДИРИШ

Ариза түри: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи

Даъво аризаси берилаётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПкннг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Мулк тўғрисида маълумотлар

Мулк түри: кўчар ёки кўчмас мулк

Мулкнинг номи: масалан, дўкон

Мулк жойлашган жой, манзил

Низоли мулкнинг тавсифи (эркин шаклда) (масалан, мулкнинг қўлга киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари, мулкнинг нотариал ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлигига оид маълумотлар, мулкнинг ўзига алоҳида хусусиятлари)

Мулкнинг даъвогарнинг эгалигидан чиқиб кетган санаси

Мулкнинг даъвогарнинг эгалигидан чиқиб кетиш сабаблари ва ҳолатининг тавсифи

Даъвогар томонидан заарни талаб қилиб олиш бўйича мустақил равишда кўрилган чоралар (ҳаракатлар) (жавобгарнинг заарни ихтиёрий қайтаришни рад этганлигини кўрсатган ҳолда – эркин шаклда)

Мулкнинг тахминий баҳоси (сўмда)

Ундирилиши сўралаётган даромад ҳақида маълумотлар

Ноқонуний эгалланган вақт (маълум бўлган тақдирда)

Ноқонуний эгалик тамомланган вақт (маълум бўлган тақдирда)

Жавобгар мулкни эгаллаши ноқонуний эканлиги ҳақида хабардор қилинган вақт

Жавобгар томонидан олинган ёки олиниши мумкин бўлган даромаднинг миқдори (сўмда) ва унинг ҳисоб-китоби (эркин шаклда)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда)



Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш организдан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Низоли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари
Даромадлар (заар)ни ноқонуний эгаликдан ихтиёрий қайтариш бўйича кўрилган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқорда ундирилади

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 230-моддаси, 19-боби.

Қўшимча изоҳ:

Фуқаролик Кодексининг 228-моддасига мувофиқ, мулқдор мол-мulkини талаб қилиб олаётганида қуйидагиларни ҳам талаб қилиб олишга ҳақлидир:

- ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахсдан (инсофисиз эгалловчи) ушбу шахс мол-мulkка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тўлашни;
- инсофли эгалловидан эса – у ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулқдорнинг мол-мulkни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқарип олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни.

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофисиз эгалловчи ҳам мол-мulkдан қанча вақт давомида олинган даромад мулқдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мulkка қилинган зарур харажатларини тўлашни мулқордан талаб қилишга ҳақли. Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи мазкур нарсаларни ўзида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, лекин бу харажатлар ашёга қўшилган қийматдан кўп бўлмаслиги керак.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.11. ЎЗГАНИНГ МУЛКИГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАРНИ УНДИРИШ

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи

Даъво аризаси берилаётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Мулк тўғрисида маълумотлар

Мулк тури: кўчар ёки кўчмас мулк

Мулкнинг номи: масалан, хонадон

Мулк жойлашган жой, манзил

Мулкдор ҳақида маълумотлар

Мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (мавжуд бўлганда)

Мулкнинг даъвогарнинг эгалигига ўтиши сабаблари ва ҳолатларининг тавсифи

Мулкнинг тахминий баҳоси (сўмда)

Қопланиши сўралаётган харажатлар ҳақида маълумотлар

Даъвогар томонидан амалга оширилган харажатлар миқдори (сўмда)

Харажатлар ҳисоб-китоби (сўмда, эркин шаклда)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қонаотлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда)

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома



Даъвогарнинг харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Харажатларнинг ҳисоб-китоби

Низоли мулкнинг баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция

Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 230-моддаси, 19-боби.

Қўшимча изоҳ:

Фуқаролик Кодекснинг 228-моддасига мувофиқ, мулқор мол-мулкини талаб қилиб олаётганида кўйидагиларни ҳам талаб қилиб олишга ҳақлидир:

- ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахсдан (инсофисиз эгалловчи) ушбу шахс мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тўлашни;
- инсофли эгалловчидан эса - у ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулқорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни.

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофисиз эгалловчи ҳам мол-мулқдан қанча вақт давомида олинган даромад мулқорга қайtarилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларини тўлашни мулқордан талаб қилишга ҳақли.

Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи мазкур нарсаларни ўзида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, лекин бу харажатлар ашёга қўшилган қийматдан кўп бўлмаслиги керак.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.12. ОЛИБ ҚҮЙИЛГАН МУЛКНИНГ ҚИЙМАТИНИ УНДИРИШ

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилетган суднинг номи

Даъво аризаси берилетган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ҳақида маълумотлар (инсофсиз/инсофли) эгалловчи

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Жавобгар: Фақат давлат ҳокимиятининг ваколатли органи

Олиб қўйилган мулк тўғрисида маълумотлар

Мулкларнинг номи

Мулк жойлашган жой, манзили ва хусусиятлари

Олиб қўйилган мол-мulkка нисбатан даъвогарнинг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (тўлиқ реквизитлари)

Мулкни олиб қўйишига асос бўлган ҳужжатлар ҳақида тўлиқ маълумот

Олиб қўйилган мулкнинг умумий қиймати (сўмда)

Қопланиши сўралаётган мулкнинг ҳисоб-китоби

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда)

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома



Мулкнинг олиб қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари
Мулкка эгалик ҳуқукини тасдиқловчи тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари
Копланиши сўралаётган қийматнинг ҳисоб-китоби
Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари
Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат
Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция
Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Мулкий тусдаги даъво (моддий даъво) бўлиб, давлат божи даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 202, 205-моддалари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат важамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Қўшимча изоҳ:

Мулк ҳуқуқи бекор қилинганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб ўрнатилган бўлмаса, баҳоловчи ташкилот томонидан мулк ҳуқуқи бекор қилинган пайтда белгиланади.

Олиб қўйилган мол-мулкнинг қийматини мулқдорга тўлаш баҳоси ҳақида мулқдор судга эътироz билдириши мумкин.

Мулқдор мол-мулкининг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган бошқа зарарларни тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.13. СЕРВИТУТ БЕЛГИЛАШ

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилётган суднинг номи

Даъво аризаси берилётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Мулк тўғрисида маълумотлар

Мулк тури: кўчмас мулк

Мулкнинг номи: масалан, ўй-жой (ховли)

Мулк жойлашган жой, манзил

Мулкка оид унинг жойлашган манзили, жавобгарнинг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ реквизитлари (мавжуд бўлганда) мулкнинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари ва ҳ.к.)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, сервитут белгилашга асос бўлган ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Мулкка нисбатан даъвогарнинг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Мулкка нисбатан жавобгарнинг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)



Сервитут белгилаш юзасидан таклиф бўйича ҳужжатларнинг нусхалари
Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари
Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат
Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция
Даъво аризасининг нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 173-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 30-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 56-моддаси.

Қўшимча изоҳ:

Кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси кўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса - бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишига ҳақлиди. Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди. Сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса ёки унинг шартларида муросага келинмаса, баҳс сервитут белгилашни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал этилади.

Участка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилган ёки доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган шахснинг манфаатлари ва талаби бўйича ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 173-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган шартларда ва тартибда сервитут белгиланиши мумкин.

Сервитут белгиланган участканинг эгаси, агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳак талаб қилишига ҳақлиди.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.14. ШАРТНОМАНИ (УНИНГ БИР ҚИСМИНИ) ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилётган суднинг номи

Даъво аризаси берилётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Шартнома ҳақида маълумотлар

Шартноманинг номи (эркин шаклда, масалан, олди-сотди шартномаси, ижара шартномаси ва ҳ.к.)

Шартнома тузилган сана

Шартноманинг нотариал тасдиқланганлиги ҳақида маълумот (агарда шартнома нотариал тасдиқланиши лозим бўлса)

Шартнома тасдиқланган нотариал идоранинг номи

Шартномани тасдиқлаган нотариуснинг фамилияси, исми, отасининг исми

Шартнома тасдиқланганлиги ҳақидаги реестр ёзувининг рақами

Шартноманинг нотариал тасдиқланган санаси

Шартноманинг давлат рўйхатидан ўтганлиги (ҳисобга қўйилганлиги) ҳақида маълумот (агарда шартнома ваколатли давлат органида рўйхатда ўтиши (ҳисобга қўйилиши лозим бўлса)

Ваколатли давлат органининг номи

Давлат рўйхатига олиш рақами

Давлат рўйхатига олиш санаси

Шартноманинг ижроси ҳақида маълумот (эркин шаклда)

Даъвогар томонидан шартнома шартларини бажариш бўйича амалга оширилган харакатларнинг тавсифи (амалга оширилган тақдирда)



Жавобгар томонидан шартнома шартларини бажариш бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тавсифи (амалга оширилган тақдирда)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шакда), шу жумладан, даъвогар шартномани ҳақиқий эмас деб (қисман ёки тўлиқ) топиш учун келтираётган асослар ва ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Шартнома нусхаси

Давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция

Шартнома шартларининг даъвогар ёки жавобгар томонидан бажарилишини (тўлиқ ёки қисман) тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Даъво аризаси нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 115-126-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 17-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Суд амалиётида фуқаролик кодексини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 16-сонли қарори.

Қўшимча изоҳ:

Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабларни кўришда суд ўз ҳал қилув қарорида тарафларни дастлабки ҳолатга келтириш чорасини кўриши мумкин (ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулқдан фойдаланиш, бажарилган

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қўйматини пул билан тўлаши шарт).

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг кўйидаги асослари белгиланган:

- қонун талаб қиласидаги шаклага риоя этмасдан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 115-моддаси);
- қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддаси);
- ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 117-моддаси);
- ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 118-моддаси);
- муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 119-моддаси);
- муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 120-моддаси);
- ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 121-моддаси);
- янгилишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 122-моддаси);
- алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 123-моддаси);
- қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 124-моддаси);
- юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 125-моддаси);
- битим тузиш ваколатлари чекланган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 126-моддаси).



3.4.15. ШАРТНОМАНИ ҲАҚИҚИЙ ДЕБ ТОПИШ

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи

Даъво аризаси берилаётган суд судловга тааллуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р. ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобвараги рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Шартнома ҳақида маълумотлар

Шартноманинг номи (эркин шаклда, масалан, олди-сотди шартномаси, ижара шартномаси ва ҳ.к)

Шартнома тузилган сана

Шартноманинг ижроси ҳақида маълумот (эркин шаклда)

Даъвогар томонидан шартнома шартларини бажариш бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тавсифи (амалга оширилган тақдирда)

Жавобгар томонидан шартнома шартларини бажариш бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тавсифи (амалга оширилган тақдирда)

Жавобгар томонидан шартномани нотариал тасдиқлашдан бош тортишини тасдиқловчи ҳолатларнинг тавсифи

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогар шартномани ҳақиқий деб топиш учун келтираётган асослар ва ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Шартнома нусхаси

Давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция

Шартнома шартларининг даъвогар ёки жавобгар томонидан бажарилишини (тўлик ёки қисман) тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Даъво аризаси нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга соловчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112, 115-126-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Суд амалиётида битимларни тартибга соловчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 17-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Суд амалиётида фуқаролик кодексини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 16-сонли қарори.

Кўшимча изоҳ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 112-моддасининг 2-қисмига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тұла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Битим агарда қонун ҳужжатларида бундай битимни тузишни тақиқлаган ёки чеклаган бўлса, ёки тарафларнинг унинг барча зарурий шартлари бўйича келишувга эришмаган бўлсалар, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Нотариал тасдиқланиши лозим бўлган битимни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги низони ҳал этишда унинг тузилганлиги, тарафлардан бири томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилганлиги фақат ёзма далиллар билан тасдиқланиши мумкин, агарда қонунчиликда бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса.



3.4.16. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ

Ариза тури: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилаётган суднинг номи
Даъво аризаси берилаётган суд судловга тааллуклиликнинг қоидалари асосида аникланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Шартнома ҳақида маълумотлар

Шартноманинг номи (эркин шаклда, масалан, олди-сотди шартномаси, ижара шартномаси ва ҳ.к)

Шартнома тузилган сана

Шартноманинг нотариал тасдиқланганлиги ҳақида маълумот (агарда шартнома нотариал тасдиқланиши лозим бўлса)

Шартнома тасдиқланган нотариал идоранинг номи

Шартномани тасдиқлаган нотариуснинг фамилияси, исми, отасининг исми

Шартнома тасдиқланганлиги ҳақидаги реестр ёзувининг рақами

Шартноманинг нотариал тасдиқланган санаси

Шартноманинг давлат рўйхатидан ўтганлиги (ҳисобга қўйилганлиги) ҳақида маълумот (агарда шартнома ваколатли давлат органида рўйхатда ўтиши ҳисобга қўйилиши лозим бўлса)

Ваколатли давлат органининг номи

Давлат рўйхатига олиш рақами

Давлат рўйхатига олиш санаси

Шартномага киритиладиган ўзгартериш ҳақида маълумот (эркин шаклда)

Ўзгартериш киритилиши лозим бўлган шартноманинг қисм(лар)и шартноманинг ўзгартерилаётган банди мазмуни (матни)

Шартноманинг таклиф этилаётган ўзгартеришлар қисм(лар)ининг янги таҳрири

КЎЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

Жавобгарга шартномага ўзгартириш киритиш ҳақидаги таклифнинг (эркин шаклдаги) юборилганлиги (мавжуд бўлса)

Жавобгарга шартномага ўзгартириш киритиш ҳақидаги таклифнинг юборилганлиги ҳақида маълумот (таклиф юборилган сана, жавоб келган бўлса, жавобгар жавобининг қисқа мазмуни ва ҳ.к.)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогар шартномани ўзгартириш учун келтираётган асослар ва ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Шартнома нусхаси

Шартномага ўзгартириш киритиш ҳақида жавобгарга юборилган таклиф нусхаси (мавжуд бўлса)

Шартномага ўзгартириш киритиш ҳақида даъвогарнинг таклифига жавобгарнинг жавоб хати нусхаси (мавжуд бўлса)

Давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция

Шартномага ўзгартириш киритиш асосларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Даъво аризаси нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382, 385-моддалари.

Кўшимча изоҳ:

Агар Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки шартномада бошчача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофик ўзгарилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қўйидаги холлarda ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин:



- 1) иккинчи тараф шартномани жиddий равишда бузса;
- 2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.
Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиddий бузиш ҳисобланади.
Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.17. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

Ариза түри: Даъво ариза

Суд номи: Даъво аризаси берилетган суднинг номи
Даъво аризаси берилетган суд судловга тааллуклийкнинг қоидалари асосида
аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).

Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар

Жисмоний шахс бўлса:

- фамилияси, исми ва отасининг исми
- яшаш жойи;
- паспорт серияси ва рақами
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Юридик шахс бўлса:

- юридик шахс номи
- манзили;
- банк ҳисобвараги рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- телефон рақами;
- электрон почта манзили.

Шартнома ҳақида маълумотлар

Шартноманинг номи (эркин шаклда, масалан, олди-сотди шартномаси, ижара шартномаси ва ҳ.к.)

Шартнома тузилган сана

Шартноманинг нотариал тасдиқланганлиги ҳақида маълумот (агарда шартнома нотариал тасдиқланиши лозим бўлса)

Шартнома тасдиқланган нотариал идоранинг номи

Шартномани тасдиқлаган нотариуснинг фамилияси, исми, отасининг исми

Шартнома тасдиқланганлиги ҳақидаги реестр ёзувининг рақами

Шартноманинг нотариал тасдиқланган санаси

Шартноманинг давлат рўйхатидан ўтганлиги (ҳисобга қўйилганлиги) ҳақида маълумот (агарда шартнома ваколатли давлат органида рўйхатда ўтиши (ҳисобга қўйилиши лозим бўлса)

Ваколатли давлат органининг номи

Давлат рўйхатига олиш рақами

Давлат рўйхатига олиш санаси

Жавобгарга шартномани бекор қилиш ҳақидаги таклифнинг (эркин шаклдаги) юборилганлиги (мавжуд бўлса)

Жавобгарга шартномани бекор қилиш ҳақидаги таклифнинг юборилганлиги ҳақида маълумот (таклиф юборилган сана, жавоб келган бўлса, жавобгар жавобининг қисқа мазмуни ва ҳ.к.)



Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогар шартномани бекор қилиш учун келтираётган асослар ва ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жойи кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Шартнома нусхаси

Шартномани бекор қилиш ҳақида жавобгарга юборилган таклиф нусхаси (мавжуд бўлса)

Шартномани бекор қилиш ҳақида даъвогарнинг таклифи жавобгарнинг жавоб хати нусхаси (мавжуд бўлса)

Давлат божи тўланганилиги ҳақида квитанция

Шартномани бекор қилиш асосларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Даъво аризаси нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

- Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382, 385-моддалари.

Қўшимча изоҳ:

Агар Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки шартномада бошҷаҳа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгарилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қўйидаги ҳолларда ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равища бузса;
 - 2) Фуқаролик Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.
- Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгарилилган ҳисобланади.

КҮЧМАС МУЛК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ

3.4.18. УНДИРУВНИ ГАРОВДАГИ МУЛККА ҚАРАТИШ

Ариза түри:	Даъво ариза
Суд номи:	Даъво аризаси берилаётган суднинг номи Даъво аризаси берилаётган суд судловга таалуқлиликнинг қоидалари асосида аниқланади (Ўз.Р.ФПКнинг 14-боби).
Даъвогар ва жавобгар ҳақида маълумотлар	
Жисмоний шахс бўлса: <ul style="list-style-type: none">- фамилияси, исми ва отасининг исми- яшаш жойи;- паспорт серияси ва рақами- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);- телефон рақами;- электрон почта манзили.	Юридик шахс бўлса: <ul style="list-style-type: none">- юридик шахс номи- манзили;- банк ҳисобварағи рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, манзили, МФО- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);- телефон рақами;- электрон почта манзили.
Жавобгарнинг даъвогарга қарздорлиги ҳақида маълумот (жавобгар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик)	
Карздорлик суммаси (сўмда)	
Тавсифи (қарздорликнинг ҳисоб-китоби)	
Жавобгарда қарздорлик вужудга келганигини тавсифловчи ҳолатлар	
Гаров шартномасининг нотариал тасдиқланганлиги ҳақида маълумот (агарда гаров шартномаси нотариал тасдиқланishi лозим бўлса)	
Шартнома тасдиқланган нотариал идоранинг номи	
Шартномани тасдиқлаган нотариуснинг фамилияси, исми, отасининг исми	
Шартнома тасдиқланганлиги ҳақидаги реестр ёзувининг рақами	
Шартноманинг нотариал тасдиқланган санаси	
Гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтганлиги (ҳисобга қўйилганлиги) ҳақида маълумот (агарда шартнома ваколатли давлат органида рўйхатда ўтиши (ҳисобга қўйилиши лозим бўлса)	
Ваколатли давлат органининг номи	
Давлат рўйхатига олиш рақами	
Давлат рўйхатига олиш санаси	
Шартноманинг ижроси ҳақида маълумот (эркин шаклда)	
Даъвогар томонидан шартнома шартларини бажариш бўйича амалга оширилган характеристларнинг тавсифи (амалга оширилган тақдирда)	



Жавобгар томонидан шартнома шартларини бажариш бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тавсифи (амалга оширилган тақдирда)

Даъвонинг асоси

Даъвогарнинг ўз талабини асословчи ва қаноатлантирилиши лозим деб ҳисобловчи талаблари (важлари)нинг тавсифи (эркин шаклда), шу жумладан, даъвогар ундирувни гаровдаги мулкка қаратиши учун келтираётган асослар ва ҳолатлар

Аризага илова қилишини лозим бўлган ҳужжатларнинг тавсия этиладиган рўйхати

Агарда даъвогар ёки жавобгар жисмоний шахс бўлса, паспортининг рўйхатда турган жой кўрсатилган нусхаси / рўйхатда турган манзили бўйича яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан ҳақиқатдаги яшаш жойи ҳақида маълумотнома

Гаров шартномаси нусхаси

Жавобгар ўз мажбуриятларини бажармаган шартнома нусхаси

Давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция

Ундирувни гаров мулкига қаратиш лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари

Даъвогарнинг талабини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари

Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат

Даъво аризаси нусхалари

Давлат божининг миқдори

Номулкий тусдаги даъво (номоддий даъво) бўлиб, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Мазкур талабга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 264-286-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Суд амалиётида Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда вуждудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 16-сонли қарори.

Қўшимча изоҳ:

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган қўчмас мол-мулк қўйматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.



